

А. ЭШМУҲАМЕДОВ, Л. КАЛАНОВА,
М. РАҲИМОВА, Т. РАҲМИНОВА

ЎЗОР ҲУНОСАБАТЛАРИ
ШАРОИТИДА
ЎЛЛИЙ ИҚТИСОДИЕТНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ўқув қўлланма сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996

Ушбу ўқув қўлланма бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиш назарияси ва амалиётига бағишланган. Унда миллий иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши, бозор иқтисодиётига амал қилиш механизми, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўллари ёритилган. Шунингдек, миллий иқтисодиётни бошқариш тизими, иқтисодий ривожланиш макроқўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларини тартибга солиш, пул ва кредит тизими, миллий иқтисодиётнинг ривожланишини солиқлар орқали тартибга солиш, тадбиркорликни ривожлантириш, хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва бошқа масалалар ўз ифодасини топган.

Қўлланма тадбиркорлар, мутахассислар, аспирантлар, олий ўқув юрти талабалари ва умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига мўлжалланган.

*Тақризчилар: иқтисод фанлари доктори,
профессор Р. М. Муҳиддинов, иқтисод фанлари номзоди,
доцент М. М. Ирматов*

*Анвар Эгамқулович Эшмухамедов
Лола Зикриллаевна Каланова
Мукаррам Раҳимовна Раҳимова
Тамара Юсуповна Раҳминова*

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўқув қўлланма

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Таҳририят мудири *Р. Мирҳолиқов*
Мухаррир *И. Шоймардоқов*
Бадний муҳаррир *Э. Нурмонов*

Техник муҳаррир *Ш. Бобохонова*
Мусаҳҳид *Ш. Гўлгонаров*

ИБ № 6524

Теришга берилди 30.08.95. Босишга рухсат этилди 8.04.96. Формати 34×105 $\frac{1}{2}$. Тип. қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Адабиёт гарнитураси. Юқери босма усулида босилди. Шартли ё. л. 10,93. Шартли кр.-отг. 10,29. Нашр. л. 9,09. Тиражи 3000. 2338-букортма.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 07-34-95

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 70002, Тошкент. Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй. 1996.

Э $\frac{060E010000-117}{353(04)-96}$ —127—96

© «Ўқитувчи», 1996 й.

ISBN 5-645-02354-4

ҚИРИШ

Маълумки, республикамизнинг мустақилликка эришганлигига ва унинг деярли барча халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлганлигига тарихан қисқа вақт бўлди. Аммо шу вақт ичида республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини қамраб олган иқтисодий сиёсат шаклланиб, истиқболли йўналишлар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни қайд қилиб ўтди.

Эндиликда миллий иқтисодиётимизнинг турли йўналишлари, унинг таркибий қисмларини жаҳон бозори билан қиёсий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти — жами соҳалар, ассоциациялар, корхоналар, ташкилотларнинг йиғиндиси бўлиб, улар ягона иқтисодий тизимга, умумий қонунларга ва ривожланиш мақсадларига асосланган ҳолда бирлашган.

Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги яқин ўтмишда умумиттифоқ халқ хўжалиги мажмуининг ташкилий қисмига кирарди. Шу билан бирга иттифоқдаги меҳнат тақсмотида асосан хом ашёни етказиб беравчи мавқеини эгалларди.

Бундай шароитларда халқ хўжалигини «миллий иқтисодиёт» тушунчаси билан тенглаштириш ҳуқуқига эга эмас эдик. Эндиликда Ўзбекистонда сиёсий ва давлат мустақиллиги камол топиши билан унинг миллий иқтисодиёти шакллана бошляпти. Лекин миллий иқтисодиёт бозор иқтисодиёти муносабатларини ўрганувчи барча аниқ фанлар назариясига, услубига таянади. Иқтисодиётни самарали тартибга солиш билан унинг шаклланишига қулай иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий вазият яратилади. Жаҳондаги барча ривожланган мамлакат-

ларда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос бошқариш моделлари яратилган. Уни яратишда ҳар бир мамлакат ўзининг барча хусусиятларини ҳисобга олган. Ҳозирги вақтда кўп тилга олинаётган Жанубий Корея, Швеция, Польша, Туркия модели шу мамлакат миллий иқтисодиётининг ривожланиш моделидир. Шу билан бирга иқтисодиётнинг умумий назарияси мавжуд бўлиб, уни чуқур билмай туриб, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириб бўлмайди. Шунинг учун миллий иқтисодиётда бозор шароитига мос инфраструктуравий такомиллашув, самарали бозор структурасининг шаклланиб бориш жараёни билан мос равишда янги бозор иқтисодиёти институтлари яратилиб борилади. Унда республика миллий иқтисодиётини тартибга солиш, истиқболни аниқлаш ва Ўзбекистоннинг манфаатини халқаро кўламда ҳимоя қилиш вазифалари бажарилади.

Мазкур қўлланмада бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётга мувофиқлашган қуйидаги вазифаларни ёритиш кўзда тутилган: миллий иқтисодиётни бошқариш тизими, иқтисодиёт ривожланишининг макрокўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларини тартибга солиш, пул ва кредит тизими, меҳнат бозори ва уни тартибга солиш муаммолари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланиш. Булардан ташқари ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга бўлган миллий иқтисодиётнинг ривожланишини солиқлар тизими орқали тартибга солиш, тадбиркорликни ривожлантириш, хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва бошқа долзарб масалалар ҳам ёритилган.

Қўлланма Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети «Макроиқтисодиёт ва ижтимоий соҳани тартибга солиш ва истиқболни аниқлаш» кафедрасида 1992 йилдан бери ўқиляётган фанлар асосида яратилган. Қириш, I, III, XIII, XIV, XVI, XVII, XVIII, XIX ва XX боблар н. ф. д. профессор А. Э. Эшмухамедов, X, XI ва XII боблар доцент Л. З. Қаланова, IV, IX ва XV боблар доцент М. Р. Раҳимова, II, V, VI, VII ва VIII боблар доцент Т. Ю. Раҳминовалар томонидан тайёрланган.

I БЎЛИМ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА МИРИК СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

1.1. Ўзбекистоннинг давлат иқтисодий асослари

Республикамизнинг мустақилликка эришиб, деярли барча халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирганлигига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо шу вақт ичида мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини қамраб олган иқтисодий сиёсати шаклланиб, истиқбол йўналишлари белгилаб олинди.

Собиқ иттифоқнинг парчаланиши оқибатида Ўзбекистонга ўта марказлашган, директив усул билан бошқарилган, мулкчиликнинг чекланган турларига асосланган иқтисодиёт мерос қилиб қолдирилган эди. Бу эса чуқур иқтисодий инқирозга олиб келди. Масалан, 1992 йилнинг биринчи чорагида яратилган миллий даромад 1991 йилнинг шу давридагига нисбатан 73,1% ни ташкил қилди, ҳолос, сансат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 8% га камайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шунинг учун ҳам республикамиз президенти ва ҳукумат олдида зудлик билан қатъий чоралар кўриш давр талаби қилиб қўйилди. Энг аввало янгича иқтисодий сиёсатни йшлаб чиқиш керак эди. Унинг негизига бозор иқтисодиёти асос қилиб олинди. Дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар тажрибасидан, айниқса, Туркия, Жанубий Корея ва бошқа қатор Оснэ давлатлари намуналаридан тўғри фойдаланилган ҳолда мумкин қадар тезроқ, аҳолининг ҳеч бир табақасига катта зиён етказмасдан бозор иқтисодиётига ўтиш кераклиги давлат сиёсатининг мазмунини ташкил қилди. Бунинг учун ҳар тарафлама кенг иқтисодий ислоҳот ўтказиш режалаштирилди. Шу мақсадда иқтисодиётга оид бир қатор қонунлар қабул қилинди: «Мулкчилик тўғрисида», «Қорхоналар тўғрисида», «Кооперациялар тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Чет эл инвестициялари ҳақида», «Ташқи иқтисодий фаолият асослари тўғрисида», «Солиқ солиш

тўғрисида» ва ҳоказо. Булардан ташқари ҳозирги кунда яна иқтисодиётга оид қонунлар устида иш олиб борилмоқда.

Республикамизда иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқариш соҳасига алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу соҳанинг энг асосий тармоғи саноатнинг анъанавий ривожланган турлари — қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати кабилар билан бир қаторда мутлақо янги саноат соҳаларини ташкил этиш зарур. Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Унинг асосий бўғини бўлган пахтачилик энг рентабелли ва харидоргирдир. Шу сабабдан, келажакда ҳам пахтачиликни ривожлантириш, унинг тармоқ инфраструктурасида қулай, мос ҳажмини, салмоғини аниқлаш, шунингдек тола сифатини тубдан яхшилаб, дунё стандарти даражасига келтириш энг долзарб муаммодир.

Давлатимиз нисбатан катта ҳудудга эга ва унинг географик ўрни ҳам алоҳида хусусиятларга молик. Бу ҳолат қурилиш ва транспортни ҳам жадал суръатлар билан ривожлантириш вазифасини қўяди. Ялли ишлаб чиқариш майдонларини, уй-жой, маданий-маиший муассасалар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг мустақил моддий-техник пойдеворини яратиш қурилиш соҳасининг мазмунини ташкил этади. Транспортнинг муҳим тури бўлган денгиз транспортига эга эмаслигимиз, темир йўлнинг эса паст даражадалиги ва фақат бир томонга, шимолга қаратилганлиги ушбу жабҳаларда чуқур ўзгаришларни амалга оширишни назарда тутади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳаво транспорти республикамиз ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳозирнинг ўзидаёқ дунёнинг ўнлаб мамлакатлари билан пассажир ва юк ташиш алоқаларини ўрнатди.

Давлат иқтисодий сиёсатининг асослари қуйидагилардир:

а) қисқа муддат (5—10 йил) ичида республикамизни хом ашё ишлаб чиқарадиган давлатдан дунё бозорларида рақобат қила оладиган, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган мустақил иқтисодиётга эга, қудратли давлатга айлантириш;

б) истеъмол бозорини аввало ички ресурслар ҳисобига тўлдириш, аҳолининг озиқ-овқат, кундалик саноат

товарларига бўлган эҳтиёжини жуда қисқа вақт ичида тўлиқ таъминлаш;

в) аҳоли даромадларининг нарх-наво билан мутаносиблигини таъминлаш, бунинг учун зарур бўлган ижтимоий тадбирларни амалга ошириш;

г) пухта ишланган қонунларга асосланган ҳолда давлат суверенитетини (дахлсизлигини) таъминлаган, биринчи навбатда халқимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатish;

д) ички истеъмол бозори ҳимоясини таъминлаш, давр талабига жавоб берадиган молия-пул сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

1.2. Ҳукумат ва унинг иқтисодиётни бошқарув вазифалари

Ҳукумат иқтисодий вазифаларининг кўлами шунчалик кенг ва серқирраки, уларни деярли бирма-бир санаб чиқиш мумкин эмас. Умуман олганда ҳукуматнинг вазифалари мавжуд қонунлар ва давлат иқтисодий сиёсатидан келиб чиқади. Унинг тузилмаси ҳам шу қўйилган вазифаларни ҳал этиш нуқтаи назаридан ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан давлат бошқарув органлари қуйидагича:

1. Ўзбекистон фуқароларининг умумий сайлов йўли билан танланадиган Президент.

2. Умумхалқ сайлови сайлайдиган—Ўзбекистон Халқ депутатлари, уларнинг Олий Мажлиси, шу оралиқда Олий Мажлис Президиуми, тегишли ҳайъат ва қўмиталари.


3. Вазирлар Маҳкамаси — унинг раиси Президент ҳисобланади.

Булардан ташқари ҳуқуқий органлар мавжуд бўлиб, булар қаторига Ўзбекистон Конституцион назорат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат Арбитражи киради. Бевосита иқтисодий бошқарувга оид давлат маҳкамалари мавжуд бўлиб, улар бошқарув олий органларининг учаласида ҳам мавжуд. Президентлик девонига иқтисодий масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси мавжуд. Ушбу шахс давлатнинг иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқишда иқтисодий қўмита ва бўлимларни ҳам назорат қилади.

Олий Мажлис ва унинг Президнуми таркибида ҳам иқтисодиётга оид қонунларни ишлаб чиқадиган, шунга оид масалаларни Олий Мажлис сессиялари кун тартибига киритадиган бир неча қўмиталар мавжуд.

Бевосита иқтисодиётни бошқарадиган, давлат иқтисодий сиёсатини ҳаётга татбиқ этадиган бошқарув бўғинларининг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади. Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамаси раисининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича муовини бошчилик қиладиган Молия вазирлиги, Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Марказий ва Миллий банклари, Халқ жамғарма банки, Давлат Бош солиқ бошқармаси, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси, барча вазирликларнинг иқтисодий бошқармалари ва ҳоказолар (1-жадвалга қarang).

1-жадвал



Ҳукумат иқтисодий вазифаларининг асосийларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Иқтисодий тизим (яъни бозор иқтисодиёти)нинг ҳуқуқий асосларини ва ижтимоий муҳитни яратиб бериш.

2. Мулк дахлсизлигини таъминлаш.

3. Рақобат ҳалоллигини сақлаш ва уни ҳимоя қилиш.

4. Даромад ва миллий бойликларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш.

5. Миллий мақсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш.

6. Иқтисодий тартибни барқарорлаштириш, иш билан таъминлаш, инфляция жараёнларини назорат қилиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

7. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўтиш даврининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли чора-тадбирлар, хусусан аҳолининг маълум бир табақаларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш.

8. Иқтисодий ислохотни амалга ошириш босқичларининг узвийлигини таъминлаш.

9. Республика аҳолисининг таркибий ўсиш суръатлари ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги иш жойларини ташкил этиш, аҳолини маълум даражада иш билан таъминлаш, меҳнат биржалари ва шунга ўхшаш меҳнат бозорларини ташкил этиш.

10. Истеъмол бозорининг ҳимоясини ташкил этиш.

11. Миллий пул бирлиги курсининг қатъийлигини таъминлаш ва ҳоказолар.

Санаб ўтилган ушбу вазифалар ҳукуматнинг иқтисодиётга оид фаолиятини қамраб ололмайди. Лекин шу куннинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ва умуман бозор иқтисодиётига оғишмай боришни таъминлаш учун биринчи навбатда юқорида қайд этилган ишларни амалга ошириш керак. Шу билан биргаликда маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш, олдинги марказлашган давлат бошқарув тизимининг ҳам яхши томонларини сақлаб қолиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жиҳатдан ўн учта вилоят ва Қорақалпоғистон республикасини ўз ичига бирлаштиради. Бу вилоятлар яна туманларга бўлинади, уларнинг сони ҳозир 140 тадан ошди. Ушбу минтақаларнинг бошқарув органлари ва уларнинг ҳуқуқий, мулк чегараларига ўзгартиришлар киритилди. Маҳаллий аҳамиятга молик бўлган қонунлар ва фармонлар қабул қилиш халқ томонидан сайланган туман, вилоят депутатлари, уларнинг кенгашлари зиммасига юклатилган. Маҳаллий даражада Олий бошқарув ва ижрочи орган — вилоят ва туман ҳокимиятлари тузилди. Ҳокимлар республика Президентининг жойлардаги вакили бўлиб, улар Президент томонидан тавсия этилади ва маҳаллий депутатлар кенгашида тасдиқлана-

ди. Шу билан биргалликда улар маҳаллий кенгаш раислари этиб сайланади. Маҳаллий ҳокимиятнинг мулк ҳуқуқлари асосий қонунда қатъий белгиланиб, уларнинг шаклланиш манбалари ҳам аниқ кўрсатилган. Муниципал мулк деб аталмиш ушбу мулк маҳаллий саноат, тижорат ва бошқалар ҳисобига ташкил этилади ва улар тўлиқ маҳаллий ҳокимиятлар тасарруфида бўлади. Маҳаллий ҳокимиятларнинг иқтисодийетни бошқарув бўғинлари юқорида санаб ўтилган республика органларининг бўлимлари ҳисобланади.

II БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ УЛЧОВ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБИЯТИ

2.1. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг аҳамияти

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири — иқтисодиётда жами ишлаб чиқариш натижаларини ҳисоблаб боришдир. Бунинг учун миллий ҳисоб-китоблар тузиш борасида керак бўладиган баъзи тушунчалар мажмуини таҳлил қилишимиз лозим. Бу нима учун керак? Айтайлик, бухгалтерлик ҳисоблари айрим корхона ва ташкилотлар учун қанчалик керак бўлса, бир бутун (яхлит) иқтисодиёт учун ҳам ижтимоий ҳисоб-китоблар шунчалик зарур. Корхона (корпорация ёки фирма) раҳбари ўз корхонасида ишларнинг қай даражада эканлигини билиб бориши жуда зарур бўлади. Лекин бу енгил иш эмас.

Корхонанинг жорий йилдаги фаолиятини билиш учун унинг кирим (фойда) ва чиқимлари ҳисоб-китоб қилиб борилади. Айнан мана шу ахборот орқали корхона раҳбари ўз корхонасининг иқтисодий аҳволига баҳо бера олиши мумкин. Бордию иш яхши кетаётган бўлса, у ҳолда бухгалтерлик ахбороти бунинг сабабларини аниқлаш учун керак бўлади. Агарда, аксинча бўлса, унинг сабаблари ҳам бухгалтерлик ахборотиغا қараб аниқланади. Шундай қилиб, раҳбар маълум вақт мобайнидаги ҳисоботларни таҳлил қила бориб, корхона фойдаси ўсган ёки камайганини аниқлаб олади, унинг сабабларини билади. Бу ахборот умумкорхона даражасида бошқариш учун тўғри қарор чиқаришга ёрдам беради.

Миллий ҳисоб-китоблар мажмуи ҳам бир бутун иқтисодиёт учун айнан ана шу юқоридаги вазифани бажаради. Бу ҳисоб-китоблар мамлакатимиз иқтисодиёти-

нинг томири устида бармоқларимизни ушлаб туриш имконини беради. Миллий ҳисоб-китоблар мажмуига кирувчи турли кўрсаткичлар аниқ бир вақт ичида ишлаб чиқариш ҳажмини ўлчаш имконини яратади. Маълум бир вақт мобайнида миллий даромад даражаларини ўзаро таққослаб бориш, иқтисодиётимиз келажагини кўрсатиб берувчи, унинг йўналишини аниқловчи эгри чизик тортишимиз мумкин бўлади. Унинг ўсиши ёки пастга тушиб кетиши миллий даромад (МД) кўрсаткичида ўз аксини топади. Ва ниҳоят, миллий ҳисоб-китоблар мажмуи берадиган ахборот иқтисодиётимиз йўналишини яхшилаш борасидаги давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этишга асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, миллий даромад ҳисоблари жамиятимиз иқтисодий жиҳатдан соғломлик даражасини кўрсатувчи жадвал тузишга ёрдам беради.

2.2. Макронқтисодиёт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услубияти

Ҳозирги кунда илғор мамлакатларда ишлаб чиқариш натижаларини макроиқтисодий параметрлар (ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад) орқали таҳлил этишга катта аҳамият бериб келинмоқда. Бундай тадқиқотларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари ҳақидаги статистик маълумотлар батафсил таҳлил қилинади.

Ишлаб чиқариш натижаларини тадқиқ этишни халқаро статистикада кенг қўлланиб келинаётган ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) кўрсаткичидан бошлаймиз.

ЯММ халқ ҳўжалигининг моддий ҳамда ноишлаб чиқариш соҳалари бўйича иқтисодий фаолиятнинг якуний натижаларини тавсифловчи кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг ҳажмини тўғри ва аниқ кўрсатиб беради.

Ялпи миллий маҳсулот — мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган якуний неъматларнинг жами бозор қийматини кўрсатади. ЯММ да фақат якуний неъматлар ҳисобга олинади, оралиқ маҳсулотлар ва хизматлар эса эътиборга олинмайди. Бунга такрорий ҳисобларнинг чиқариш ташланиши сабаблар.

Якуний маҳсулот — бу ишлаб чиқариш жараёнини бутунлай ташлаб чиқиб кетган ва шахсий ҳамда ижти-

мой истеъмолга мўлжалланган маҳсулот ёки меҳнат воситалари сифатида (меҳнат предметлари ва ярим фабрикатлар ҳисобга олинмайди) ишлаб чиқариш соҳасига келадиган маҳсулот ҳисобланади.

Амалда такрорий ҳисобни чиқариб ташлаш учун ишлаб чиқариш жараёнининг ҳамма босқичларида қўшилган қийматларнинг йиғиндиси олинади. Қўшилган қиймат — бу корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг қийматига қўшган ҳиссаси, қисми. ЯММ — бу якуний неъматларни ишлаб чиқаришда ҳар бир ишлаб чиқарувчи томонидан қўшилган қийматларнинг жами. Демак, ЯММ да оралиқ маҳсулот ҳисобга олинмайди.

Бундан ташқари ЯММ қуйидаги унумсиз битимларни ҳам ҳисобга олмайди:

- а) молиявий битимлар;
- б) фойдаланилган (тутилган) нарсаларни сотиш. Молиявий битимлар қуйидагилардан иборат:

а) давлат томонидан бериладиган трансферт тўловлари;

б) хусусий трансферт тўловлари;

в) қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган битимлар. ЯММ ни икки усул билан ҳисоблаш мумкин:

1- усул янгидан яратилган пировард маҳсулотни сотиб олиш учун қанча маблағ сарфланишини кўрсатади (бу ерда якуний маҳсулотни сотиб олиш учун кетган харажатлар аниқланади). 2- усул бўйича қўшилган қийматларнинг йиғиндиси аниқланади (иш ҳақи, рента ёки ижара тўловлари, фоиз, фойда).

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, истеъмолчи маҳсулотни сотиб олиш учун қанча маблағ сарфласа, ишлаб чиқарувчига даромад сифатида шунча пул тушади, яъни харажатлар йиғиндиси даромадлар йиғиндисига тенг бўлади:

$$\sum \text{харажатлар} = \sum \text{даромадлар.}$$

Энди иккала усулни кўриб чиқамиз:

1- усул. ЯММ ни харажатлар бўйича ҳисоблаш. Бу усул ўз ичига ялпи миллий маҳсулотнинг оқимини пулда баҳолашдан келиб чиқади. Бундан у ўз ичига шахсий истеъмол харажатлари, товар ва хизматларнинг давлат томонидан сотиб олинishi, ялпи инвестиция ҳамда товарлар ва хизматларнинг соф экспортини олади:

$$Y = C + I + G + X_n,$$

буйда; У — товарларни сотиб олиш учун кетган харажатлар;

С — шахсий истеъмол харажатлари;

І — бизнеснинг инвестиция харажатлари;

Г — товар ва хизматларнинг давлат томонидан сотиб олиниши;

X_n — чет элликларнинг харажатлари (соф экспорт).

Қуйида харажатларнинг ҳар бири тавсифлаб чиқилади.

Шахсий истеъмол харажатлари — С. У уй хўжаликларини, узоқ муддат давомида фойдаланиладиган истеъмол буюмлари харажатларини (автомобиль, видеомагнитофон, музлаткич ва ҳ. к.), жорий истеъмол товарлари (нон, сут, кўйлақ) га харажатларни ҳамда хизматларга (юрислар, дўхтирлар, сартарошлар ва бошқалар) бўлган истеъмол харажатларини ўз ичига олади.

Товар ва хизматларнинг давлат томонидан сотиб олиниши — Г. Бу харажатлар шундан иборатки, бунда давлат харажатларидан трансферт тўловлари чиқариб ташланади. Бунда трансферт тўловлари товар ва хизматларни сотиб олиш билан боғлиқ эмас (яъни ижтимоий суғуртага тўловлар, ишсизларга нафақалар ва фахрийларга пенсиялар) ва жорий ишлаб чиқариш ҳажмининг вужудга келишида ҳеч қандай ҳисса қўшмайди.

Ялпи хусусий ички инвестициялар — І. Улар инвестиция товарларини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлиб, уларга қуйидагилар киради: а) станоклар, машиналар ва асбоб-ускуналар; б) янги ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларни қуриш; в) уй-жой қурилиши — уйни фойдаланиш учун бериш ҳам даромад келтиради.

Инвестицияларга яна заҳирадаги ўзгаришлар ҳам киради. Заҳираларнинг ўсиши йил давомида истеъмолга нисбатан кўпроқ қурилганини кўрсатади. Инвестициялар бўлиб қурилиш ёки янги капитални яратиш ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида даромаднинг ва бандликнинг кенгайишига олиб келади. Акция ва заёмларни олиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган молиявий битимлар ЯММ га қўшилмайди. Ялпи инвестициялар шунингдек чиқиб кетган капиталнинг ўрнини алмаштириши ҳам ўз ичига олади.

Соф инвестициялар ялпи инвестициялардан фарқли ўлароқ, фақат капиталларнинг ўсишини ўз ичига олади ва қуйидагича ҳисобланади: ялпи инвестиция — амортизация:

$$I_m = I_g - A.$$

Товар ва хизматларнинг соф экспорти — X_n — (экспорт — импорт) — бу мусбат қолдиқ бўлиб, унда экспорт миқдори импортга нисбаган кўп бўлади.

ЯММ ни ўлчашнинг иккинчи усули — даромадлар ёки харажатлар оқими усулидир. Бу иш ҳақи, фойда, рента, фоиз, эгри солиқлар, амортизациялар йиғиндисидан иборат бўлиб, улар якуний маҳсулогни жамият томонидан ишлаб чиқиш учун қилинган барча харажатлардан иборат бўлади, ёки $Y = CCA + It + W + R_{ent} + IR + P$.

Бунда: CCA , It — даромадни тўлаш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва тўловлар;

CCA — истеъмол қилинган капитал ҳажми (амортизация);

It — бизнесга бавосита солиқлар;

W — ёлланган ишловчиларнинг иш ҳақи;

R_{ent} — ижара тўлови;

IR — % ставкаси — хусусий бизнес бўйича, бундан давлат мустасно;

P — алоҳида қўйилмалардан олинadиган даромад.

Алоҳида қўйилмалардан олинadиган даромад ёки фойда, мулкдан олинadиган даромад ва корпорациялар фойдасига бўлинади.

Мулкдан олинadиган даромад — бу алоҳида мулкчиликда ва кооперативларда бўлган корхоналарнинг даромади.

Корпорациялар фойдаси қуйидагиларга бўлинади:

а) солиқларга (ҳукуматга);

б) акционерларга (дивидендлар);

в) корпорациянинг тақсимланмаган фойдасига.

Бу усул бўйича ЯММ ни аниқлаш услубини кўриб чиқамиз.

Жами даромадлар қўшилган қийматни ташкил этади. Қўшилган қиймат фирманинг сотиши билан бошқа фирмадан материал ва хизматларни сотиб олиш орасидаги фарқдан иборат. Қўшилган қиймат ўзининг иқтисодий мазмунига кўра янгидан яратилган қийматдир ($v + m$) ёки МД.

Бу усул бўйича ЯММ ни ташкил қилувчи кўрсаткичларни ҳисоблаш услубини кўриб чиқамиз.

Ёлланган хизматчилар меҳнатини тақдирлаш. Бунда иш ҳақидан ташқари унга қўшимча: тадбиркорларнинг

ижтимоий суғуртага харажатлари ва турли-туман хусусий пенсия билан таъминлаш фондлари, тиббий хизматлар, ишсизларга ёрдамлар ва бошқалар киради. Бу қўшимчалар тадбиркорлар харажатларининг бир қисми бўлиб, ишчи кучи ёллаш билан боғлиқ.

Фойда. Корпорация фойдаси корпорация фойдасига солиқлар, дивидендлар, бўлинмас фойда (инвестицияга мўлжалланган), хусусий корхоналар даромади ҳамда партнёрлар ва кооперативлардан ташкил топади.

Рента тўловлари — уй хўжаликлари томонидан олинадиган даромаддан иборат бўлиб, улар иқтисодиётни шахсий ресурслар билан таъминлайди.

Процент ёки фойза (%). У пул капитални етказиб берувчи хусусий бизнесга тўланадиган пул даромади ҳисобланади. Давлат томонидан қилинадиган фойзли тўловлар даромаддан чегириб ташланади.

Эгри солиқлар. Буларга сотувдаги солиқлар, акцизлар, мулкка солиқлар, лицензиялар ва божхона тўлов-

2-жадвал

ЯММ ҳисоб-китобларини АҚШ мисолида кўриб чиқамиз
(1988 йил. млрд. доллар)

Бирча харажатлар бўйича ўлчаш	Миқд.	Бирча даромадлар бўйича ўлчаш	Миқд.
Шахсий истеъмол харажатлари (С)	3226	Истеъмол қилинган капиталнинг ҳажми (А)	505
Ялпи хусусий ички инвестициялар (Id)	765	Бизнесга эгри солиқлар	335
Товар ва хизматларнинг давлат томонидан сотиб олинishi (G)	464	Ёлланган ишловчиларнинг иш ҳақи	2905
Соф экспорт (X _н)	-93	Ижарага тўлови	20
		Фойза (%)	332
		Аҳолига сарфланган даромадлар	325
		Корпорация фойдасига солиқлар	145
		Дивидендлар	96
		Корпорациянинг бўлинмас фойдаси	79
ЯММ	4862	ЯММ	4862

лари киради. Компаниялар буларни ишлаб чиқариш харажатлари деб ҳисоблаб маҳсулотлар баҳосига қўшади ва шу асосда ЯММ га қўшилади. Агарда ҳисоб-китоблар тўғри амалга оширилса бу иккала усул натижалари бир хил чиқиши керак.

Бундан кўриниб турибдики, ЯММ, бир томондан, ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришини қисқартиради, иккинчи томондан, асосланмаган ҳолда уни кенгайтиради. Бу нарса барча даромадларни қўшиш билан боғлиқ. 1987 йилдан бошлаб БМТ ялпи миллий маҳсулотни моддий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш соҳаси ва аҳоли (амортизацияни ҳисобга олган ҳолда) даромадларининг йиғиндиси сифатида аниқлай бошлади. Бозор иқтисодиёти шароитида ЯММ ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажмини ўлчайдиган кўрсаткич ҳисобланади.

ЯММни жорий бозор ва таққосланадиган баҳоларда ҳисоблаш қабул қилинган. Бундан номинал ва реал ялпи миллий маҳсулот аниқланади. Номинал ЯММ жорий ҳақиқий баҳоларда ўлчанади. Реал ЯММ эса базис йилдаги баҳоларда ўлчанади. Шунга боғлиқ ҳолда ЯММ нархининг индекси ёки ЯММ дефлятори ҳисобланади:

$$\text{ЯММ}_{\text{дефлятор}} = \frac{\text{Номинал ЯММ}}{\text{Реал ЯММ}} \cdot 100\%$$

Соф миллий маҳсулот (СММ) ЯММ дан амортизацияни айириш орқали аниқланади:

$$\text{СММ} = \text{ЯММ} - \text{амортизация.}$$

Миллий даромадни аниқлаш учун соф миллий маҳсулотдан бевосита солиқлар айириб ташланади:

$$\text{МД} = \text{СММ} - \text{бевосита солиқлар.}$$

2.3. Миллий иқтисодиётдаги ўсиш

Иқтисодий ўсишнинг асосий муаммоси — бу ресурсларнинг тўлиқ бандлиги шароитида ЯММнинг ўсиш имкониятларини асослашдир.

Иқтисодий ўсиш 2 та усул билан аниқланади:

1) реал ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг ўсиши билан;

2) аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг ўсиши билан.

Иқтисодий ўсиш суръатлари % ҳисобида ўлчанади.

Иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари қуйидагилар:


I. Таклиф омиллари:

1. Табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати.
2. Меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати.
3. Технология.
4. Асосий капиталнинг ҳажми.

II. Талаб омиллари.

III. Тақсимлаш омиллари.

Мана шу омиллар таъсирида иқтисодиётнинг ўсиш имкониятлари қуйидаги графикда кўрсатилган:



1-график. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғи.

Иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғини ўнгга суради, яъни АВ дан СД гача. Бу тарх реал маҳсулотнинг ўсиши 2 та йўл билан бўлишини кўрсатади:

1) ишлаб чиқаришга кўпроқ ресурсларни жалб қилиш;

2) мавжуд ресурслардан самаралироқ фойдаланиш.

Демак, реал ЯММ ни аниқлаш учун ишланган киши-соатларнинг сонини (меҳнат сарфи) меҳнат унумдорлигига кўпайтириш керак, яъни

ЯММ = меҳнат сарфи (киши-соат) × меҳнат унумдорлиги (1 соатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 1 ходимга тўғри келиши).

Иқтисодиётнинг узоқ муддатга ривожланиш формуласи (Robert Solou формуласи):

$$\frac{\Delta Y}{Y} = 1 \frac{\Delta A}{A} + 0,7 \frac{\Delta N}{N} + 0,3 \frac{\Delta K}{K}$$

Бунда: $\frac{\Delta Y}{Y}$ — иқтисодиётнинг қўшимча ўсиш суръатлари;
 $\frac{\Delta A}{A}$ — меҳнат унумдорлигининг қўшимча ўсиш суръатлари;
 $\frac{\Delta N}{N}$ — бандликнинг қўшимча ўсиш суръатлари;
 $\frac{\Delta K}{K}$ — капиталнинг қўшимча ўсиш суръатлари.

III БОБ. МИЛЛИЙ БОЙЛИК — МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧИ

3.1. Миллий бойлик тушунчаси

Миллий бойлик жамият ихтиёридаги меҳнат билан яратилган ва жамғарилган моддий неъматлар мужасами. Бу кўрсаткич мамлакат иқтисодий қудратининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш давомида жамғарилган барча истеъмол қиймати йиғиндисининг пул билан ифодаланишидир.

Миллий бойлик (МБ) халқ моддий ва маънавий даражасининг негизи, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моддий асоси ва натижасидир. Ижтимоий тузум хусусиятига биноан МБ бутун жамият мулки ёки унинг айрим синфлари, гуруҳлари, айрим шахслар мулки бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда МБ нинг асосий қисми хусусий секторда миллионерлар қўлида йиғилган. Масалан, Америка Қўшма Штатларида бир гуруҳ энг йирик молия-саноат гуруҳлари мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида етакчи рол ўйнайди, чунки уларнинг қўлида МБ нинг асосий қисми йиғилган. Булардан энг бақувватлари Морган ва Рокфеллер гуруҳларидир. Улардан сўнг Калифорния, Чикаго, Кливленд гуруҳлари, Дюпон ва Меллерлар корпорацияларидир. Охириги йилларда иқтисодиётнинг ўсиш суръати бўйича ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори бўлган Японияда давлат сектори анъанавий тармоқлар (транспорт, алоқа, тамаки саноати) билан чекланган. Давлатга қарашли корхоналарда иш билан банд аҳолининг 12% ишлайди, яъни МБ нинг асосий қисми хусусий секторга тўғри келади.

Социалистик давлатларда МБ бутун жамиятники

бўлиб, давлат ва кооператив ташкилотлар ихтиёрида бўлган. У халқ манфаатларига хизмат қилиб, жамият аъзоларининг тобора ошиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга сарфланиши мўлжалланган эди. Бироқ ягона давлат режаси асосида ривожланиш республикалар ва регионларни МБ халқ учун эмас, балки умумиттифоқ меҳнат тақсими-тини ҳисобга олиб ўтказилди, оқибатда айрим республикалар хом ашё зоналарига айланиб қолди. Шунга қарамасдан республика ҳудудида бу даврда фойдаланишда сезиларли ишлар қилинди. Ўзбекистонда МБ асоси — нефть, кўмир, мис ва бошқа табиий бойликлар топилди. Мавжуд меҳнат ва моддий-техника ресурсларидан юқори даражада фойдаланиб, пахтачиликни янада ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришини, айниқса оғир саноат тармоқларини тез суръатлар билан тараққий эттириш, янги корхоналар қуриш, мавжудларини реконструкция қилишга алоҳида аҳамият берилди.

МБни ривожлантиришда Ўзбекистон 30-йилларнинг охирида бошқа республикалар қатори ўз тармоқларида катта ютуқларга эришди. Лекин иккинчи жаҳон урушининг бошланиши қисқа муддатда республика иқтисодиёти-ни ҳарбий изга кўчиришга мажбур этди. Барча МБ уруш эҳтиёжини қондиришга сафарбар этилди. Республиканинг фронт яқинидаги районлардан кўчириб келтирилган саноат корхоналари ишга туширилди. Уруш йилларида электроэнергетика, кимё саноати, рангли металлургия, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқларининг ривожланиши МБ ҳажмини оширди, кўп тармоқли индустриал ва қишлоқ хўжалиги юксак ривожланган республикага айланди.

Халқ хўжалиги тармоқларида яратилган ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ошди. Масалан, 1990 йили бу даромад 1970 йилга нисбатан 3 баробар ошди ва 21,2 миллиард сўмни ташкил қилди. Шу жумладан саноат 7,1, қишлоқ хўжалиги 7,5, қурилиш 3,0, транспорт ва алоқа 1,1, савдо, тайёрлов, моддий-техника таъминоти ва бошқалар 2,5 миллиард сўм. Шунга қарамасдан собиқ СССРда Ўзбекистоннинг миллий бойлиги атиги 3,5% ни ташкил қилганини 3-жадвалдан кўриш мумкин.

Юқорида келтирилган рақамлардан 70 йилдан ошиқ ҳукм сурган тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини

кўриш мумкин. Собиқ иттифоқнинг 7% аҳолиси яшаган республикада жами маҳсулот ишлаб чиқариш атиги 4,0, саноат ишлаб чиқариши 1,1% ни ташкил қилган.

3-жадвал

Республикалар аҳолиси, жами маҳсулот ва миллий бойлик тақсимоти*

Республикалар	Аҳоли	Жами маҳсулот	Ш. жумлатан		Миллий бойлик
			саноат	қил хўж.	
Россия	51,3	58,7	66,4	46,2	60
Украина	18,0	16,3	16,0	22,5	16,8
Белоруссия	3,6	3,8	4,1	5,9	3,7
Эстония	0,5	0,7	0,7	0,9	0,7
Латвия	0,9	1,2	0,8	1,4	1,1
Литва	1,3	1,6	1,2	2,2	1,4
Молдова	1,5	1,2	0,8	2,2	1,2
Грузия	1,9	1,7	1,2	1,4	1,6
Арманистон	1,1	1,3	0,8	0,6	0,9
Озарбайжон	2,5	1,4	1,1	4,6	3,5
Қирғизистон	1,5	0,9	0,5	1,3	0,8
Қозғоғистон	5,8	5,3	3,5	6,9	5,3
Ўзбекистон	7,0	4,0	1,1	4,6	3,5
Туркменистон	1,2	0,9	0,4	1,1	0,8
Тожикистон	1,8	0,9	0,4	1,0	0,7

Ҳозирги кунда республикада МБ оғир саноат, шунингдек енгил ва озиқ-овқат саноати, пахта, ипакчилик, қорақўлчилик, мевачилик, узум етиштириш, сабзавотчилик билан боғлиқ бўлиб, Ҳамдўстлик давлатлари орасида аҳамиятлидир. Жаҳон бозорида меҳнат тақсимотида пахта толаси, ипак, канопо пояси, қорақўл, пахта териш машиналари, пахта тозалаш машиналари, тракторли чигит сеялкалари, пахта тозалаш жиҳозлари, хом ип тайёрлайдиган машиналар ишлаб чиқариш бўйича 1-ўринда, тўқув машиналари ишлаб чиқариш бўйича 2-ўринда, электрокранлар, ип газлама, шойи, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш, шоли, сабзавот етиштириш бўйича 3-ўринда, табиий газ қазиб чиқариш бўйича 4-ўринда туради.

МБ нинг аҳамияти ва салмоғини республикада бир кунда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан ҳам таърифлаш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда бир кунда

* «Аргументы и факты», № 39, 1991 йил.

ҳозир 150 млн. квт. электроэнергия, 113 млн. м³ табиий газ, 17 минг тонна кўмир, 2,5 минг тонна прокат, 3 минг тонна пўлат, 65 трактор, 17 минг тонна цемент, 1679 минг м² ип газлама, 121,4 минг жуфт пойабзал ва 525 музлаткичлар ишлаб чиқарилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишда МБ Ўзбекистон танлаб олган йўл — республика ва унинг халқининг манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган маъбадир.

3.2. Миллий бойлик таркиби

Миллий бойликка халқ хўжалигининг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари (бино, иншоот, машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, материаллар, ва ёқилғи ва ҳ.к.), муомала фонди (тайёр маҳсулот заҳиралари), эҳтиёж фондлари ва суғурта заҳиралари, халққа хизмат қилувчи тармоқларнинг асосий фондлари (мактаб ва шифохоналар, уй-жой, маданият саройлари), аҳолининг шахсий мол-мулклари, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган табиий бойликлар (ер ости қазилмалари, табиий экин майдонлари, қўриқ ва бўз ерлар, ўрмон ва сувлар), шўнингдек ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаси, илмий техника билимлари ҳам киради. МБ таркибида аҳолидаги хизмат муддати бир йилдан ошадиган, узоқ вақт фойдаланиладиган предметлар (уй-рўзгор бисоти) аҳолида ғуруҳни ташкил қилади. Булар индивидуал транспорт воситалари ва уларга керакли ашёлар, мебель, идишлар, маиший приборлар, фото ва кинотехника, соатлар ва заргарлик буюмлари, маданий моллар, кийим-кечак ва пойабзал, ич кийимлар ва шу кабилардир.

МБ таркибининг асосий қисмини ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ташкил қилади. Ишлаб чиқариш асосий фондларига (ИЧАФ) бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари, маҳсулдор чорва ва иш ҳайвонлари, кўп йиллик экинлар киради. Улар бўлимига ҳар бирининг қиймати 100 сўмдан кам турадиган меҳнат воситалари ва қийматидан қатъи назар хизмат муддати бир йилдан кам бўлган меҳнат воситалари киритилмайди.

МБ ни режалаштириш ва ҳисобга олишда ИЧАФ ни фойдаланишга топшириш пайтида балансга қабул қилиб олишдаги дастлабки қиймати; фондларни такрор ишлаб чиқариш пайтида уларнинг баҳосини белгилаб берувчи тиклаш қиймати билан ҳисоблаб қўйилган ейилиш суммаси ўртасидаги фарқдан иборат бўлган қолдиқ қиймати фарқланади. Ўзбекистонда асосий фондлар 1976—1980 йилларда 26,5 млрд. сўм, 1981—1985 йилларда 32,5 млрд. сўм ва 1986—1990 йилларда 34,1 млрд. сўмга ошди.

ИЧАФ ишлаб чиқаришда қатнашиши жиҳатдан актив ва пасив фондларга бўлинади. Унинг пасив қисмига бинолар, иншоотлар, инвентар ва бошқалар киради. Актив қисмига машина ва ускуналар (куч, иш машиналари ва ускуналар, ўлчов ва тартибга солувчи асбоблар (приборлар), лаборатория ускуналари ва ҳисоблаш техникаси) киради. Асосий фондлар актив қисмининг салмоғи — фондлар структураси прогрессивлиги муҳим кўрсаткичдир. Капитал маблағларнинг ҳозирги ҳажмларида машина ва ускуналарга қилинган харажатлар улушини 1 фоизга ошириш янги ИЧАФ ҳажмидан қўшимча суратда бир неча юз миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти чиқаришни таъминлаш имкониятини беради ва миллий бойликни янада оширади.

3.3. Республика қазилма бойликлари

Ўзбекистон ҳудудида катта аҳамиятга эга бўлган олтин, мис, рух, вольфрам, молибден, флюорит, шунингдек, алюминий ва магний рудалари, нодир металллар, олтингургурт, ош тузи, калийли ва бошқа табиий туз қатламлари, каолин, ўтга чидамли хом ашёлар, бентонит, мрамар ва бошқа безак тошлари, баъзи бир унча қимматли бўлмаган пардоз ишлов тошлари (бирюза, оникс, холцедон, амегист ва бошқалар) топилган. Ёқилғи ресурслари бўйича эса кўмир, табиий газ конлари очилган.

Ўзбекистонда минерал хом ашё базаси мавжудлиги сўнгги 20—25 йил мобайнида республика халқ хўжалигининг муҳим тармоқларини, айниқса газ, олтин ишлаб чиқариш, энергетика, кимё, рангли металлургия, руда бўлмаган хом ашёлар ва қурилиш материаллари саноатларини тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятини беради.

Республикада топилган конлар асосида Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати, Ангрен кимё-металлургия заводи, плавик шпат корхоналари, Ингичка ва Қуйтош руда бошқармалари, Мурунгов тоғ-металлургия комплекси, газ, нефть бентонит, пардоз тошлари, турли қурилиш материаллари, бирюза, графит чиқарувчи ва қайта ишловчи йирик корхоналар ишлаб турибди.

Шу кунгача республикада ҳаммаси бўлиб 90 хил хом ашё базаси очилган ва улар 600 та sanoat миқёсидаги ва 450 та истиқболдаги конларда жойлашган. Бунинг асосида 500 та тоғ-кон sanoati корхоналари, газ ва нефть корхоналари, шахталар, карьерлар, йирик сувиншоотлари ишлаб турибди. Қаттиқ фойдали қазилмалар ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми 100 миллион тоннани ташкил этади. 1993 йилда 44 миллиард кубометр табиий газ, 3,8 миллион тонна нефть қазиб чиқарилди. Суткасига 2500 минг кубометр ер ости сувлари олинмоқда.

Конларнинг фойдаланишга топширилиши айрим районлар иқтисодиётини ўзгартириб юборди. Айрим тоғ-sanoat комплекслари бунёд қилинди.

Ангрен, Олмалиқ, Зарафшон эса бўз ерларнинг sanoat жиҳатидан ўзлаштирилишига асосий омил бўлди. Ҳозирги даврга келиб аниқланган миллий бойлик манбалари ишлаб чиқариш корхоналарини узоқ муддат давомида олтин, мис, табиий газ, қўрғошин, рух, кўмир ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлабгина қолмай, ҳаттоки ишлаб чиқаришни анча кенгайтириш имконини ҳам беради.

Айни вақтда, вольфрам ишлаб чиқарувчи корхоналар хом ашё манбалари билан етарли даражада таъминланмаган. Қуйтош ва Ингичка руда бошқармалари, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати шулар жумласидандир. Республикада чиқарилиши мумкин бўлган нометалл минерал хом ашёларнинг ташиб келтирилиши жиддий иқтисодий чиқимларга ҳамда транспорт балансининг асоссиз равишда кучайишига олиб келди. Ўзбекистонда аниқланган баъзи бир нометалл минерал хом ашё конларининг мавжудлигига қарамай, ҳар йили (1991 й.) 500 минг тонна фосфорит, 280 минг тонна калийли ўғит, 408 минг тонна ош тузи, 87 минг тонна кварц кумлари, 127 минг тонна бетонит гиллари ҳамда оҳақ, барит, асбест, каолин концентрати, дала шпати, тальк, графит, минерал пигментлар, натрий суль-

фат, олтингугурт ва ҳоказолар Украина, Қозоғистон, Россиядан ташиб келтириларди.

Келажакда республиканинг нометалл минерал хом ашёларининг асосий турларига, улардан қилинадиган буюмларга талаби бир неча бор ошади. Агар уларни республикада ишлаб чиқариш кенгайтирилмаса ташқаридан ташиб келиш лозим бўлади ва катта сарф-харажат қилинади. Шунинг учун республикада геологик қидирув ишларининг истиқболлини аниқ белгилаб, уларни тез суръатларда амалга ошириш лозим. Бу фақат республикамиз талабинигина қондирмай, балки фойдали қазилмаларнинг кўп турларини яқин ва узоқ чет эл давлатларига юбориш имкониятларини ҳам беради.

Ҳозир Ўзбекистонда разведка қилинган истиқболли фойдали қазилмаларнинг манбаи бўйича саноатнинг айрим тармоқларини жадал ривожлантириб, 1994 йилга мўлжалланган даражада мавжуд перспектив конлар ва майдонлар текширилиб, улардан 1995—2015 йиллар давомида фойдаланиш имкониятини таъминлаш мумкин. Бунда, биринчидан, олтин, мис, қўрғошин, рух, кумуш, висмут ва бошқа нодир элементлар чиқарувчи рангли металлургиянинг келгуси ривожланиш масаласини ҳал қилиш имконияти туғилади.

Иккинчидан, республикада разведка қилинган ва истиқболли конлар базасида тоғ-руда, тоғ-кимё саноатининг янги тармоқлари яратилиши мумкин. Ҳозир Урта Осиёга ташиб келтирилаётган қора металл буюмларининг миқдори йилига 6 миллион тоннага яқин, келгусида эса 20 миллион тоннага етади. Бунга хотима бериш учун қора металлургия базаси яратилиши керак. Шу мақсадда Тебинбулоқ (Султон Увайс тоғи — Ўзбекистон), Ирису (Жанубий Қозоғистон), Чоқдамбулоқ (Тожикистон) ва бошқа йирик конлардан фойдаланиш керак. Ангренда катта аҳамиятга эга бўлган каолинли гиллар конининг борлиги уни кўплаб қазиб чиқаришни ривожлантириш ҳамда лойтупроқ, цемент олиш ва чинни саноати учун каолинли хом ашё базасини яратади.

Учинчидан, бу ерда заҳиралари нисбатан кўп бўлган сульфид газини бойитиш орқали газ ишлаб чиқариш кенгайтирилади ва олтингугурт ажратиб олинади. Мавжуд нефтни ҳайдаш Фарғона ва қурилаётган Қоровулбозор (Бухоро) заводларини маҳаллий хом ашё би-

лан таъминлаш, нефть саноатининг янада ривожланиши учун шарт-шароит яратади.

Тўртинчидан, сульфат кислота ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Навоий электрохимия комбинатида натрий хлоридни қайта ишлаш, Қўшқанот кони базасида натрий сульфат олиш, шунингдек газ-конденсат хом ашёси базасида кўп миқдорда хлорорганик синтез маҳсулотлари олишдан иборат бўлган кимё саноати анча ривож топади.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари пахта далаларининг ҳосилдорлигини оширишга муҳим ҳисса қўшади. Хусусан, Тубигатан кони базасида ҳар йили бир миллион тонна ўғит ишлаб чиқарадиган комбинат барпо этилади. Турон ёнувчи сланецларидан маҳаллий сланец конлари базасида ўғит сифатида ишла-тиладиган ва пахта ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омили бўлган смола олиш масаласи ҳал қилинади.

Олтинчидан, кўп миқдорда янги қурилиш материаллари, масалан, керамзит ишлаб чиқариш учун керак бўлган бетонитлар, Тошкентда қурилаётган метрополи-тен учун зарур безак тошлари ва бошқалар ишлаб чиқарилишини ташкил қилиш керак.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши транспорт ба-лансини яхшилаш, қатор катта ҳажмли юкларни Ўрта Осиёга ташиб келтиришни камайтириш, асосан Россия-нинг Сибирь ва бошқа районларига рангли металллардан ташқари, ош тузи, каолин, сульфат, калий, олтингугурт, бетонит, турли безак тошлари юборилишини ташкил қилиш имкониятини беради.

IV БОБ. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ

4.1. Фан-техника тараққиётининг моҳияти ва унинг ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга таъсири

Фан-техника тараққиёти йирик номиналлашган иш-лаб чиқариш учун характерли бўлган фан ва техника-нинг муттасил равишда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ривож-ланишидир. Ижтимоий эҳтиёжларнинг ўсиши ва мурак-каблашуви таъсирида ФТТ жадаллашади. Бу тобора қудратли бўлиб бораётган табиий кучлар ва ресурслар-ни инсонга хизмат қилдириш, ишлаб чиқаришда таби-ий ва бошқа фанлар маълумотларини аниқ мақсадни кўзлаб қўллаш имконини беради.

Фан-техника тараққиётининг моҳияти шундан иборатки, унда фан ва техниканинг олға қараб ривожланиши ўзаро боғланади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг зарурияти бир қанча сабабларга асосланади:

1. Техника тараққиёти туфайли меҳнат унумдорлигини ошириш, бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнат сарфини камайтиришга эришилади.

2. Техника тараққиёти асбоб-ускуналардан, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун шароит яратиб беради. Бу нарса шу билан боғлиқки, бунда янги машиналар эскисига нисбатан унумлироқ ишлайди. Бундан ташқари техника тараққиёти хом ашёлардан оқилона фойдаланиш учун янги технологиянинг вужудга келишини таъминлайди.

3. Техника тараққиёти ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ҳам таъсир қилади, бунинг натижасида ихтисослаштириш ва корхоналарни бир жойга тўплаш таъминланади.

4. Техника тараққиёти ходимларнинг касб билан боғлиқ маҳоратини ўзгартиради, шунингдек янги касблар вужудга келади.

Фан-техника тараққиёти ўзаро бир-бирини тақозо этадиган икки шаклда амалга оширилади. Булар қуйидагилардир:

1) фан ва техниканинг аъъанавий негизларини нисбатан секинроқ ва қисман такомиллаштиришни билдирувчи эволюцион шакл;

2) принципиал жиҳатдан янги техника ва технологияни вужудга келтирадиган, жамият ишлаб чиқарувчи кучларини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган инқилобий шакл.

Иқтисодиётни ҳар томонлама интенсивлаш йўлига ўтказиш, маҳсулот сифатини қатъиян яхшилашнинг ҳал қилувчи воситаси фан-техника тараққиётини бутун қоралар билан жадаллаштириш ҳисобланади. Халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан янгидан реконструкция қилишни амалга ошириш ҳамда ана шу негизда жамиятнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш лозим бўлади.

Ишлаб чиқаришни электрлаштириш, кимёлаштириш, роботлаштириш, компьютерлаштириш тобора кенг миқёсларда амалга оширилади, бистехнология татбиқ этилади. Фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, техника ва технологияда туб ўзгартишлар қилиш, барча техникавий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни сафарбар этиш негизда меҳнат унумдорлигини анча оширишга эришиш лозим бўлади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда техниканинг янги авлодларини, **принципиал жиҳатдан янги** технологияларни жорий этишни таъминловчи машина-созлик етакчи роль ўйнайди. Фан билан ишлаб чиқариш интеграцияси кучаймоқда, улар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги самарали шакллари вужудга келмоқда, техника янгилекларини, илмий кашфиётлар ва ихтироларни халқ хўжалигида ўзлаштириш муддатлари қисқармоқда.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш қуйидаги **тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:**

1. Фанни устун даражада ривожлантириш, илмий ходимлар таркибини қайта тузиш.

2. Катта-катта ихтироларни тезроқ ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

3. Машинасозлик маҳсулотларининг ўсиш суръатларини ва янгиланишини илдам ривожлантириш.

4. Халқ хўжалигини техник қайта қуриш.

5. Янги техника самарадорлигини ошириш ва уни арзонлаштириш.

6. Инсон омилидан тўғри фойдаланиш ва таълим тизимини қайта қуриш.

7. Бошқариш тизимини янги техникага мослаштириш ва ҳоказо.

— Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга олиб келади.

Фан-техника тараққиётининг ҳозирги даврдаги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш.

2. Компьютерлаштириш ва электрлаштириш.

3. Энергетикани ва энг аввало атом энергетикасини ривожлантириш.

4. Транспорт ва алоқанинг янги турларини вужудга келтириш.

5. Мембран, лазер ва плазмали технологияларни ўзлаштириш.

6. Янги конструкцион материалларни вужудга келтириш ва фойдаланиш.

7. Биотехнология, чиқитсиз технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш.

8. Алоқа ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида космосдан кенг фойдаланиш ва ҳоказо.

4.2. Янги техниканинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усуллари

ФТТ самарадорлиги янги техникани қўллаш натижасида олинган иқтисодий самарани уни ишлаб чиқаришга қилинган барча харажатлар миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

Йиллик иқтисодий самара дейилганда халқ хўжалиги миқёсида олинган иқтисодий тежам тушунилади.

Янги техниканинг иқтисодий самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар бўлиб фойданинг ўсиши, таннархнинг камайиши ҳисобланади. Бу ишлар асосан янги техникани қўллаш натижасида амалга оширилади.

Фойданинг ўсиш кўрсаткичи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Delta \Pi_{it} = (\Pi_t - C_t) - (\Pi_1 - C_1) \cdot A_t,$$

бунда: $\Delta \Pi_{it}$ — режалаштириш даврида фойданинг ўсиши (t йил), сўм ҳисобида;

Π_t ва C_t — улгуржи баҳо (оборот солиғисиз) ва бир бирлик маҳсулотнинг таннарни (техника киритилгандан кейингиси);

Π_1 , C_1 — улгуржи баҳо (оборот солиғисиз) ва бир бирлик маҳсулотнинг таннарни (янги техника киритилмасдан аввалгиси);

A_t — янги маҳсулотнинг t йилдаги ҳажми.

Янги техникани жорий қилиш натижасида маҳсулот таннархнинг камайиши қуйидагича аниқланади:

$$\Delta C = (C_1 - C_t) A_t,$$

бунда: ΔC — янги техникани жорий қилиш, таннархни камайитиришдан келиб чиқадиган самарадорлик;

C_t — янги маҳсулот таннарни (t йилдаги);

C_1 — эски маҳсулот таннарни;

A_t — янги маҳсулотнинг t йилдаги ҳажми.

Янги техникани ихтиро қилиш ва фойдаланишдан келиб чиқадиган хўжалик ҳисоби самараси қуйидагича аниқланади:

$$\Sigma_x^t = \sum \Delta \Pi_t - E_n \sum \Delta K_t,$$
 Бунда: Σ_x^t — йиғма хўжалик ҳисоби самараси, t йилдаги;

$\sum \Delta \Pi_t$ — t йилда янги техника бўйича қилинган тадбирлар нағижасида фойданинг ўсиши;
 E_n — янги техника самарадорлигининг норматив коэффициентини ($E_n = 0,15$);
 K_t — t йилда тадбирлар учун сарфланган капитал маблағ.

4.3. Бозор иқтисодиёти шароитида фан-техника тараққиёти сиёсати

Республика мустақиллиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муаммолар билангина эмас, балки фан-техника тараққиёти билан ҳам шуғулланишни тақозо этади.

Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шу нарсадан далolat берадики, назарий тадқиқотлар кенглиги ва самарадорлиги асосан давлат томонидан доимий ва ўсиб боровчи молиявий мададга боғлиқдир. Бироқ шу кунгача давлатнинг фан ва техника соҳасидаги сиёсатини аниқлаб берадиган қонун йўқ. Бу соҳада биз албатта АҚШдан анча орқадамиз. АҚШда фан-техника тараққиётини ростлаб туришга қаратилган 100 дан ортиқ қонун бор. Бизнинг республикада ҳам фан, техника ва технология тараққиётининг ҳуқуқий асоси керак. Ахир биз қамрови жуда катта фан-техника комплексига эгамиз. Шу муносабат билан фан ва техника соҳасидаги муносабатларни белгиловчи қонун лойиҳаларини бозор иқтисодиёти принципларидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш ва тасдиқлаш ҳаёт тақозосидир.

Бу ерда 2 та асосий масала ҳал этилади:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишда фан ва унинг ижодкорларини салбий таъсирлардан сақлаш.

2. Фан-техника ютуқларидан саноатда, қишлоқ хўжалигида ва ижтимоий юмушлар соҳасида тўлиқ фойдаланишни фаоллаштириш мақсадида ижодий ташаббус эҳлоларига кенг йўл очиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш фан-техника маҳсулотини барпо этишни тақозо этади. Бироқ илмий-техникавий фаолиятни бозорга ўтказишнинг ўзига хос хислатлари бор. Назарий изланишларнинг савдога алоқаси бўлмаётган,

давлат бундай изланишларни ҳамма вақт қўллаб-қувватлаб, молиявий томондан таъмин этиб туриши керак.

Янги техника ва ишланмаларни бунёд этиш ва уларни кенг қўламда амаллётда жорий қилиш албатта бозор механизмини қўллаш натижасида, яъни хўжалик шартномалари асосида амалга оширилади ва олинган натижалар маҳсулот сифатида қабул қилинади.

Бозор иқтисодиётига ўтилар экан, олий ўқув юртларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласи биринчи даражали аҳамият касб этади, чунки бундай базасиз янги-янги изланишларни ривожлантириш ва унинг ҳаётчан натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга эришиб бўлмайди. Бу борада кичик корхоналарни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Аввало, кичик корхона ходимларини моддий рағбатлантириш ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун даромад қилиш имкони туғилади. Фан ва техникани замон талабига мос тарзда ривожлантириш учун унинг ҳозирги ва келажакдаги ўрнини аниқлаб бера оладиган илмий изланишларни олиб бориш зарур.

Шундай қилиб, фан самарадорлигини оширишдаги асосий омил фан ва техника учун бўлган жавобгарликни оширишдир. Ана шундагина фандаги илмий хулосалар техникага маҳсулот сифатида ўтказилиши ва ҳақиқий бозор иқтисодиёти рўёбга чиқиши, институтлар ўзларига хос бўлмаган жорий ишлардан халос бўлишлари мумкин. Бу ерда сўз олимлар ҳаётини енгиллаштириш устида эмас, балки муҳим муаммоларни, жумладан, математика, кибернетика, механика, ирсият, биотехнология, машинасозлик каби фанларни жиддий ривожлантириш устида боряпти.

Бизда ҳозир илмий ходимларга илғор мамлакатларга қараганда 10—12 марта кам маблағ ажратилади. Масалан, АҚШ ва Японияда ушбу маблағ миқдори 150 000 долларгача етади.

Ҳар қандай бозор тизимининг ташкил топиши ва зарур қисми унинг давлат томонидан бошқарилишидир. Муҳими, бу нарса кўп жиҳатдан фан-техника тараққиётига тегишлидир.

Бизда фан-техника тараққиётига таъсир этувчи бозор иқтисодиётининг эгри воситалари амалда энди қўлланила бошланди.

Бозор иқтисодиёти кенг ривожланган баъзи мамлакатларда илмий тажриба, конструкция ишлари инсти-

тутларига қилинган умумий харажатларнинг 20% ва ундан ҳам кўпрогини давлат молиялаштиради. Бизда эса ҳозирча бюджетнинг тақчиллиги ва кўпдан-кўп муаммоларнинг мавжудлиги сабабли давлат маблағларини кўпроқ фан-техника тараққиётига сарфлаш имкони бўлмаяпти. Шунинг учун асосий диққатни эгри воситаларни ривожлантиришга ва уларни рағбатлантиришга қаратиш керак. Буларга биринчи навбатда кредит ишлари, солиқ ва амортизация сисёати киради.

Фан-техника тараққиёти соҳасида кредитлаштириш узоқ давр ичида фақат янги фан-техникани жорий қилишга қаратилган эди. 1988 йилга келиб кредит бериш бутун фан циклини ишлаб чиқаришга, ўзлаштиришга ва жорий қилишга жалб қилинди, лекин бирор-бир янгилик яратиб берилмади. Бу шуни кўрсатадики, берилган қисқа муддатли, яъни 3 йиллик ссудалар орқали янгилик яратиш қийиндир.

Янги маҳсулотнинг яратилишида турли босқичларда харажатлар тузилмасини оқилона ўзгартириш кредитлаштириш ишлари орқали юзага келади. Ҳозир бу тузилмани замонга мос деб бўлмайди. Бизда лойиҳа ишлаб чиқариш учун 3% атрофида меҳнат талаб қилинади. Фарбда эса лойиҳа ишлаб чиқаришга 50—60% меҳнат ажратилган. Буларнинг мавжуд қисми олим ва ихтирсчиларнинг кам маош олиши билан ҳам боғлиқдир.

Илмий тажриба, конструкция ишлари институтларига кредит беришни тўғри йўлга қўйиш ва яқиндан ёндашиш талаб қилинади, шу билан бирга жаҳон тажрибаларининг ижобий томонларини ҳам амалда қўллаш лозимдир.

Солиқлар тизими ва имтиёзли солиқлар илмий тажриба, конструкторлик ишлари институтини бошқаришнинг муҳим эгри воситалари ҳисобланади. Бир қанча ривожланган мамлакатларда илмий тажриба, конструкторлик ишлари институтларига тўғри мутаносиб харажатларнинг ўсиб бориши билан бирга солиқлар скидкаси жорий қилинган (бу скидка жуда катта ёрдам беради, 20—50% ни ташкил қилади). Мамлакатимизда биринчи босқичда бу имтиёزلарни жорий қилиш илмий тажриба, конструкторлик ишлари институтини қайта тиклаш учун керак бўлади.

Шу сингари ишларни амалда қўллаш ҳозирги давр талабидир. Машина қурилиш комплекси корхоналари-

да 54% қурилган ускуналарни замонавийлаштириш керак, 26% ини эса бутунлай алмаштириш керак, яъни ускуна ва воситалар турларини экспорт қилишни кенгайтириш лозим.

Бугунги кунда кичик капитал ажратмаси ҳам фан-техника тараққиёти учун муҳим таъминот ҳисобланади. Амортизация муддатлари 1—3 йилларга мўлжалланиши керак. Бу асосан ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида тўпланган тажрибаларга мос келади.

V БОБ. САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУИ

5.1. Саноат ишлаб чиқаришининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, фан-техника тараққиёти миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларга бўлиниб ривожланишини тақозо этади. Тармоқлар ичида асосий бўгин бўлиб саноат ишлаб чиқариши ҳисобланади. Саноат тармоғининг муҳим хусусияти шундаки, унинг барча тармоқларида меҳнат воситалари ва истеъмол товарлари яратилади, илмий техника тараққиёти аниқланади, жами ижтимоий маҳсулот ҳамда миллий даромаднинг йирик қисми ишлаб чиқарилади ва яратилади. Айни вақтда Ўзбекистондаги меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми ҳам ана шу саноат ишлаб чиқаришида банддир.

Саноат ишлаб чиқариши жамиятнинг объектив иқтисодий қонунлари ҳамда республикада сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида ривожланади. Ўзбекистон саноати айни вақтда ўз тармоқлари ва бошқа ижтимоий тармоқлар учун моддий-техник воситалар ҳамда халқ эҳтиёжига керак бўладиган маҳсулотларни ҳам узлуксиз тайёрлаб беради. Шу билан ҳам саноат ишлаб чиқариш даражаси ва самардорлигининг ўсишини тўхтовсиз таъминлаб туриш лозим. Чунки саноат ишлаб чиқариш даражаси қанчалик юқори бўлса, республикамизнинг иқтисодий пойдевори ҳам шунча кучли ва аҳолининг турмуш шароити яхши бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, саноат ҳар қандай тармоғининг ишлаб чиқариш тузилмасидаги ўзгаришлари амалда бошқа тармоқлар—қишлоқ хўжалиги, агросано-

ат мажмуи, қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлар билан узвий боғлиқдир. Чунки республиканинг алоҳида минтақа ва ҳудудларида саноат маҳсулотларига талаб бир хилда эмас. Бу талабни тўлароқ қондириш, биринчидан, илғор технология ва малакали кадрларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, хом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг яхши сақланиши учун муайян жойлар, қайта ишловчи қувватлар ҳамда ишлаб чиқариш фондлари, маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришда транспорт воситалари керак бўлади.

Эндиликда саноатнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Айниқса истеъмол бозоридаги танқислик туфайли саноат тармоқлари илгаригига нисбатан кенг кўламда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда ҳамда хусусийлаштирилмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, республикадаги техника ва технологияларнинг эскирганлиги, қатъий марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш туфайли саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўртача йиллик ҳисобда 1991—1993 йилларда 0,7% камайди, ялпи ички маҳсулот — 4,8% га, соф моддий маҳсулот эса 7,7% га камайди.

Истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқариш, айниқса четга хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқариш ҳамда қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш нафақат саноат ишлаб чиқаришининг аҳамиятини оширади, балки жаҳон бозорида Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Республика мустақиллигининг барқарорлашуви, четга сотиладиган маҳсулот ҳажми, маориф, соғлиқни сақлаш тармоқлари, уй-жой ва коммунал хўжалиги моддий-техника базасининг ўсиши, истеъмол бозорининг ривожини кўп жиҳатдан саноат ишлаб чиқаришига таянади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, саноат маҳсулотларининг ҳажми қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг тайёрланишига, транспорт воситаларининг тўхтовсиз қатновига, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилишига асосланади.

Саноат ишлаб чиқариши яна фойда, рентабеллик, таннарх, молия каби иқтисодий кўрсаткичларга ва давлат бюджетига ҳам таъсир қилади.

Ўзбекистон саноати тармоқларида ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 22,4% и яратилади. Ишчи ва хизматчи-

ларнинг 12% и саноат ишлаб чиқаришида банддир. Буни қуйидаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқларида ялли ички маҳсулотнинг яратилиши, банд бўлган аҳолининг тузилмаси (1993 йил)

Тармоқлар	Ялли ички маҳсулот		Банд бўлган аҳолининг тузилмаси %
	млрд. сўм	%	
Жами	100,0	5095,2	100,0
Саноатда	22,4	1139,7	21,1*
Қишлоқ хўжалигида	27,9	1420,9	44,4*
Қурилишда	9,0	457,1	...
Исторгга атоқата	5,5	280,5	4,3
ТСавдо ва умумий овқатланишда	6,2	316,9	5,6
Бошқа тармоқларда	19,6	999,4	24,6
Соф солиқлар	9,4	480,7	—

* Банд бўлган аҳолининг қисми саноатда ва қурилишда бирга берилган.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир шароитда халқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган саноат тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун саноат марказларини ва ҳудудий жойлаштиришни янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун қуйидаги йўналишларга эътиборни кучайтириш лозим:

— келгусида саноат тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имкониятларини белгилашга;

— республика вилоятларининг табиий ва ижтимоий-иқтисодий ихтисослашиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда саноатда ишлаб чиқариш мажмуини ривожлантиришга;

— саноатнинг ҳудудий ривожланиш даражасини кўтаришда бирдан-бир муҳим йўл — янги қурилаётган объектларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, шунингдек, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини такомиллаштириб боришга;

— саноат узеллари ва марказларини туманларда, туман марказларида, кичик шаҳарларда ишлаб чиқа-

ришнинг ҳудудий мажмуини ташкил этиш ва унинг ривожланишини доимо таъминлашга.

Бу масалаларни келгусида муваффақиятли ҳал қилиш тармоқларнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш имконини яратади.

5.2. Ўзбекистон саноати тармоқларининг тузилиши

Саноат ишлаб чиқаришини илмий таҳлил қилиш, самарадорлигини, ўсиш суръатларини аниқлаш учун унинг тармоқларини гуруҳларга ажратиш лозим. Маҳсулотнинг иқтисодий мазмунига қараб саноат иккита йирик гуруҳга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи («А» гуруҳ);

2. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи («Б» гуруҳ).

Меҳнат воситаларининг меҳнат буюмларига таъсир этиш хусусиятига биноан саноат қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқларга бўлинади. Бу эса ишлаб чиқариш алоқаларини кўрсатишга, материал ва ёқилги-энергетика ресурсларини, ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи тармоқлар ўртасидаги нисбатларни асослашга имкон беради. Тармоқлар тузилиши ёрдамида республиканинг иқтисодий мустақиллик даражасини, меҳнат унумдорлиги даражасини, халқ фаровонлигининг ўсишини ҳам баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон саноатининг сўнгги йиллардаги иқтисодий таҳлили унинг айрим тармоқларининг салмоғи, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ўсиши билан ифодаланади. 1993 йилда «Б» гуруҳи 28,8%, «А» гуруҳи эса 71,2% ни ташкил этди. Лекин кейинги йилларда вазият кескин ўзгарди, яъни саноатнинг «А» ва «Б» гуруҳлари ўртасидаги нисбат ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга сарфланадиган ресурслар салмоғини кенгайтириш ҳамда халқ истеъмоли молларини камайтириш ҳисобига ўзгармоқда (5-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1990 йилга нисбатан 1993 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришда оғир саноат тармоқларининг салмоғи 44,4% дан 58,9% га кўпайган. Аксинча, халқ истеъмоли молларини ишлаб

чиқарувчи саноатнинг салмоғи 51,8% дан 35,9% гача камайган.

Қайта ишловчи саноат тармоқларида ишлаб чиқариш тузилмасининг ўзгариши маҳсулот тайёрлаш жараёнининг нисбатан хом ашё, материал сарфлаш орқа-

5-жадвал

Саноат маҳсулоти умум ҳажмида айрим тармоқлар маҳсулотларининг салмоғи (фоиз ҳисобида)

Тармоқлар	1990 й.	1991 й.	1992 й.	1993 й.
Барча саноат	100,0	100,0	100,0	100,0
Оғир саноат:	44,4	39,8	58,3	58,9
ёқилғи-энергетика	8,8	6,3	14,6	23,5
металлургия	4,5	10,4	15,8	10,8
машинасозлик	16,0	11,1	15,3	12,7
кимё-ўрмон	7,6	5,7	6,5	5,7
қурилиш материаллари	5,2	4,1	4,1	4,2
Енгил саноат	37,6	41,1	28,2	23,6
Озиқ-овқат саноати	14,2	14,6	11,3	12,3

ли тезлашуви, халқнинг шу тармоқ маҳсулотларига талабининг ошишидан келиб чиқади.

Республикамизнинг индустриал мажмуида енгил саноат ишлаб чиқариши муҳим ўрин эгаллайди. Енгил саноатда эса пахта маҳсулотини қайта ишловчи (пахта хом ашё мажмуи, пахта тозалаш заводлари) корхоналар етакчи роль ўйнайди. Уларнинг асбоб-ускуналари, машиналари юқори техник даражага эга, шунинг учун бўлса керак уларда малакали ишчи кадрлар кўп ишлайди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида саноат ишлаб чиқаришининг роли ижтимоий-иқтисодий самарадорликнинг ўсиши ва иш кучларидан оқилона фойдаланиш билан белгиланади. Айни вақтда республикада саноат тармоқлари ва ишлаб чиқариш шаклларининг ривожланиши вилоятлараро тармоқлараро иқтисодий алоқалар даражасига ҳамда меҳнат кўп талаб қиладиган тармоқларнинг — машинасозлик, қурилиш саноати, электроэнергетика мажмуи, хом ашёни қайта ишлаш

тармоқларнинг тез ва самарали ривожланишига боғлиқ. Чунки бу тармоқлар илмий техника тараққиётинда олдинги қаторларда туради. Бу тармоқларнинг ривожланиши иккита ижтимоий масалани ҳал қилишга ёрдам беради:

1. Илғор тармоқларнинг ўсиши малакали ишчи кучларини талаб қилади, бу малакали таркибларни замонавийлаштиришга ёрдам беради.

2. Қорхоналарнинг меҳнат кўп талаб қиладиган, айниқса меҳнат ресурслари кўп районларда жойлаштирилиши эркин меҳнат ресурсларини ҳаракатга келтиради. Бошқа тармоқларда банд меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш саноат ишлаб чиқаришида ижтимоий-иқтисодий самара беради.

Тармоқлар бўйича бандлик тузилмасида қишлоқ хўжалиги, қазиб олувчи тармоқлар ҳиссаси камаяди, тайёр маҳсулотлар етказиб берувчи, хом ашёни қайта ишловчи тармоқларнинг ҳиссаси эса аста-секинлик билан ошиб боради.

Ўзбекистон Республикасида пахтани қайта ишлаш, тикувчилик, тўқимачилик тармоқларини такомиллаштириш учун хом ашё ресурслари етарлидир. Лекин бу ресурсларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш тармоқлари заиф ривожланган. Атиги 10—15% пахта толаси республикамиз ҳудудида қайта ишланмоқда. Бу эса яқуний маҳсулот даражасига, ялпи маҳсулот ва миллий даромаднинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Енгил саноатнинг бу ва бошқа тармоқларини ривожлантириш меҳнат ресурслари танқислигини ҳисобга олмайди. Енгил саноат тармоқлари юқори меҳнат унуми ва кам капитал унуми билан фарқланиб туради.

5.3. Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар

Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқлари тузилмасини ўзгартириш ва такомиллаштириш иқтисодий, илмий-техник ва ижтимоий сиёсатнинг асосий негизи бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ҳамда саноат тармоқларининг ривожланиши, илмий-техник тараққиёт товарларга бўлган талабнинг қондирилишига, товарлар сифатининг яхшиланишига олиб боради. Аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш узвий равишда сано-

ат ишлаб чиқариши тармоқ тузилмасининг ўзгариши ҳамда янги тармоқларнинг вужудга келиши, мавжудларини ривожлантириш билан боғлиқдир. Бу орқали иқтисодий тизимда, у ёки бу тармоқда ижобий силжиш содир бўлади ҳамда иқтисодиётнинг ривожланиш динамикаси ўзгаради.

Саноат тармоқлари тузилмасини такомиллаштиришнинг асосий йўллари қуйидагилардир:

— ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар орасида мутаносибликни ўрнатиш;

— ишлаб чиқариш тузилмасининг прогноз ва тенденцияларини ишлаб чиқиш;

— тармоқларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини барқарорлаштириш;

— илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш, илғор технологияларни жорий этиш;

— шахсий ва ижтимоий истеъмолни ўрганиш ҳамда аҳолининг саноат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш;

— тармоқларда хом ашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириб бориш.

Тармоқлар тузилмасини шакллантиришда асосий эътибор иқтисодий районларнинг барча тармоқларини ресурслар, капитал маблағлар, хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқ тузилмасининг ривожланиш даражаси талабга жавоб бермайди. Тармоқларнинг ички тузилмасини қайта қуриш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш, чет эл корхоналари билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш, чет эл инвестициялари ҳамда илғор технологияларини сифатли саноат моллари тайёрлашга сарфбар қилиш вазибаларини ҳал этиш лозим.

Асосий фондлар структурасини қуйидаги кўринишда тасаввур қилиш мумкин:

— ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқармайдиган асосий фондлар;

— асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисми;

— алоҳида элементлар улуши.

Саноат ишлаб чиқариш тузилмаси тўла-тўқис ишлаб чиқариш омиллари таркибидан ва шу таркибни ташкил этувчи элементларнинг оқилона вариантыдан

иборатдир. Ана шу омилларнинг умумийлиги ёки боғлиқлигининг мунтазам бузилиши миллий иқтисодиётнинг барча бўғинларига ёмон таъсир қилади, ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтиради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини баркамоллаштиришда инсон омили алоҳида ўрин тутди. У иқтисодиёт тузилмасини жадаллаштиришнинг қўшимча шароити сифатида иштирок этади ва шунда у аҳолининг даромадига, ишчиларнинг малакасини оширишга ва бошқа ижтимоий жараёнларга ҳам таъсир кўрсатади, мутлақо янги малакали ва маълумотли тузилмани шакллантиради. Бу масала қанчалик муҳим бўлмасин, лекин, барибир, у ҳали иқтисодиётни ўрганиш ва режалаштириш амалиётида ўз аксини топмади, чунки шу вақтгача sanoat ишлаб чиқаришини ривожлантириш жараёнида фақат сон қийматиға эътибор берилиб, сифат ҳисобға олинмаган.

Ҳозирги шароитда, яъни иқтисодий ривожланиш суръатини жадаллаштириш ва халқ турмуш даражасини оширишда тармоқлараро ва sanoat ишлаб чиқариши соҳалари бўйича ресурслар, капитал маблағлар ва меҳнат ресурсларини тақсимлашнинг шундай йўналишини излаш лозимки, бу йўналиш қўйилган ижтимоий-иқтисодий мақсадға мумкин қадар самарали эришиш учун имкон берсин.

Қилинган таҳлил натижалари моддий ишлаб чиқариш тармоқлари самарадорлигини баҳолаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилолмайди. Улардан фақат sanoat ишлаб чиқариши тармоқлари тузилмасининг миллий даромадни шакллантириш ва оширишға таъсирини таҳлил қилиш пайтида фойдаланиш мумкин.

Республика sanoat ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишда минтақадаги тармоқларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишни енгиллаштиради. Бундай таҳлил қилиш нафақат моддий ишлаб чиқариш тармоқларини баҳолашға имкон беради, балки иқтисодиётни қайта қуриш, ишлаб чиқариш структурасини ривожлантириш ва структуравий ўзгаришлар йўналишини ҳам белгилаб беради.

Республика иқтисодиётида тармоқ ва ҳудудий тузилмани уйғунлаштириш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш талабларига жавоб бериши керак, яъни якуний натижаларнинг ижтимоий меҳнат

харажатлари ва қўлланиладиган ишлаб чиқариш ресурсларига боғлиқлигини кўрсатади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш самарадорлиги тармоқлар салмоғининг ошишини ва соф маҳсулотнинг ўсишини таъминлайди. Бу эса миллий даромадга ижобий таъсир қилувчи бошқа омилларни инкор этмайди.

Миллий даромаднинг ўсишига 3 хил йўл билан эришиш мумкин:

1. Бандлик таркибининг ўзгариши.

2. Саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ошиши.

3. Тармоқлардаги асосий фондлар ва инвестиция қийматининг кўпайиши.

Ўзбекистонда кўп миқдорда фойдаланилмаган захиралар ҳамда меҳнат ресурслари мавжуд экан, демак, ишлаб чиқариш самарасини кўпайтиришда интенсив омиллар билан бирга экстенсив омиллардан ҳам фойдаланиш лозим бўлади.

Тармоқ таркибининг республикаимиз миқёсида қулайлашуви юқори суръатдаги иқтисодий ривожланишни, аҳолининг турмуш даражасини оширишни ҳамда бир бандлик маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайитиришни таъминлайди. Чунки бу ишлаб чиқаришнинг даражаси ва якуний маҳсулотнинг кўпайишига, умуман ижобий структуравий силжишларга сабаб бўлади. Демак, таркибий ўзгаришнинг ўзи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ўсишининг қўшимча омили бўлиб майдонга чиқади.

Шулар билан бир қаторда юқоридаги барча омиллар ўзаро боғлиқдир. Тармоқ фаолияти натижаларининг структураси ишлаб чиқариш омиллари функциясидан иборат:

$$V = f(\Phi, I_c),$$

бу ерда: Φ — асосий фондлар;

I_c — ишчилар сони

ёки

$$V = f[\Phi(\Phi_1, \Phi_2 \dots \Phi_n), I_c(I_1, I_2 \dots I_n)],$$

бу ерда: Φ_n — фондларнинг таркиби; I_n — ишчиларнинг бандлик структураси.

5.4. Саноат ишлаб чиқаришини тартибга солиш услубияти

Саноат ишлаб чиқариш дастури биринчи навбатда жамиятнинг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ва бу эҳтиёжни қондириш имкониятига қараб белгиланади.

Энг аввало саноат маҳсулотларига бўлган талаб аниқланади. Бунинг учун мамлакат миқёсида давлат эҳтиёжлари учун бўлган талаб (давлат эҳтиёжи) ҳисобланади. Бу кўрсаткич давлат буюртмаси кўрсаткичи ўрнига миллий иқтисодиётни дастурлар асосида тартибга солишда қўлланилади ва саноат маҳсулотининг энг асосий турлари бўйича ўрнатилади. Масалан, қайта ишлаб чиқариш маҳсулотлари бўйича, озик-овқат маҳсулотлари бўйича ва ҳоказо.

Умуман талаб қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёж;
- 2) истеъмол молларига бўлган эҳтиёж;
- 3) экспорт;
- 4) давлат резервларини тўлдириш.

Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёж алоҳида корхоналар ва тармоқлар бўйича аниқланади, кейин вазириликлар ва миллий иқтисодиёт бўйича умумлаштирилади.

Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёж 2 усул билан аниқланади:

а) тармоқлараро натурал қиймат балансларининг ҳисоби асосида. Бунда тармоқнинг бирор маҳсулотга бўлган эҳтиёжи натурал кўрсаткичларда ифодаланади;

б) тўғридан-тўғри ҳисоблаш асосида. Бунда бирор тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча ишлаб чиқариш воситалари кераклиги ҳисобланади. Масалан, миллий иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш имконияти баланс усули ёрдамида аниқланади, яъни меҳнат қуроллари билан меҳнат предметлари баланси ҳисобланади.

Истеъмол молларига бўлган талаб қуйидагича аниқланади: режа бўйича аҳолининг сони ва ҳар 100 ёки 1000 кишига тўғри келадиган истеъмол маҳсулотининг меъёри аниқланади. Бундай норматив усул прогнозларни ишлаб чиқишда қўлланилади. Прогнозларни ишлаб чиқишда аҳолининг маҳсулотларни сотиб олиш қобилияти, пул даромадлари ва харажатлари ҳисобга олинади.

Миллий иқтисодиёт эҳтиёжининг муҳим қисмини моддий ресурслар резерви ташкил қилади. Бу асосан халқ хўжалигини материал, хом ашё, ёқилғи билан таъминлаш ёмонлашганда, табиий офатлар юз берганда, халқаро вазият оғирлашганда уларнинг олдини олиш учун қўлланилади. Унинг ҳажми эса ўша шароитдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга қараб ҳал қилинади.

Саноат маҳсулотларининг экспортга бўлган эҳтиёжи ташқи мамлакатлар билан тузилган шартномага кўра белгиланади.

Саноат маҳсулотларига бўлган талаб аниқлангандан сўнг ишлаб чиқариш имкониятлари кўриб чиқилади.

Саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ва ишлаб чиқариш имконияти ўртасидаги тўғри муносабат моддий баланс ёрдамида олиб борилади. Ишлаб чиқариш имкониятининг ҳисоботлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ишлаб чиқариш қувватлари ҳисоботлари;
- 2) материал ресурслари;
- 3) меҳнат ресурслари;
- 4) молиявий ресурсларни ҳисоблаш.

Имкониятни аниқлаш энг аввало ишлаб чиқариш қувватларини аниқлашдан бошланади, у эса ишлаб чиқариш қувватлари балансига асосланади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати — бу корхонага бирактириб қўйилган меҳнат воситаларидан белгиланган ихтисослашувга ва иш тартибига мувофиқ тўлатўкис фойдаланганда бир йил ичида (суткада, сменада) ишлаб чиқариш мумкин бўлган энг кўп маҳсулотдир. Прогнозлаштириладиган даврда маҳсулот номенклатураси бўйича ишлаб чиқариш қуввати ҳисоблаб чиқилади.

Бир тармоқ ичидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлар йиғиндиси шу тармоқнинг ишлаб чиқариш қувватини белгилайди. Ишлаб чиқариш қувватлари баланси тахминан қуйидагича бўлади:

1. Йил бошидаги ишлаб чиқариш қуввати.
2. Прогнозлаштирилган давр мобайнида ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши, жумладан, а) ташкилий-техникавий тадбирлар ҳисобига; б) реконструкция ва модернизация ҳисобига; в) янги қурилиш ҳисобига.

3. Ишлаб чиқариш қувватларининг ишлаб чиқаришдан чиқиб кетиши.

4. Йил охиридаги ишлаб чиқариш қувватлари.

5. Ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати.

6. Уртача йиллик ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти.

7. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми:

$$K_{\text{йил. охи.р.}} = K_{\text{йил. бош.}} + K_{\text{янги кириг.}} - K_{\text{чиқар.}}$$

$$K_{\text{урт. й.}} = K_{\text{йил. бош.}} + \frac{K_{\text{янги кириг.}} \cdot n}{12} - \frac{K_{\text{чиқар.}} \cdot n}{12},$$

бу ерда: K — қувват;

n — янги киригилган ёки чиқарилган қувватлардан кейин қолган ойлар миқдори.

VI БОБ. АГРОСАНОАТ МАЖМУИ

6.1. Агросаноат мажмуи таркиби ва ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлар ривожланишидаги муаммолар

Агросаноат мажмуи (АСМ) — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд бўлган халқ хўжалиги тармоқларининг жами. Агросаноат мажмуига кирувчи тармоқларнинг барчаси якуний натижада муҳим вазифани — мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлаш вазифасини бажаради.

АСМ таркибида учта соҳа ажралиб туради:

1) қишлоқ хўжалиги ва унга алоқадор тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатадиган саноат тармоқлари (масалан, қишлоқ хўжалик машинасозлиги);

2) қишлоқ хўжалигининг ўзи;

3) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш (тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ташиш, сотиш) билан банд бўлган тармоқлар.

Бир қанча саноат тармоқлари АСМ эҳтиёжларини қондириш мақсадида қишлоқ хўжалик машиналари, ўғитлар, чорвачилик ва озуқа тайёрлаш асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда АСМ тармоқларидаги номуносибликларни ва идоравий тарқоқликларни бартараф этиш-

га ҳамда маҳсулотнинг сақланишини яхшилашга имкон берадиган соҳаларни биринчи галда ривожлантириб боришга, унинг барча тармоқларини бошқариш, режалаштириш ва маблағ билан таъминлашда яхлитликка эришишга катта аҳамият берилмоқда. Қишлоқ хўжалигини бошқариш иқтисодий муносабатлар асосида амалга оширилмоқда. Белгиланган тадбирлар асосий мазмуни деҳқонларга кенг имконият яратиб беришдан иборатдир.

Қишлоқда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ҳар хил турдаги хўжалик ривожланишини тақозо этади. Қишлоқда қўйидаги турдаги хўжаликлар ҳаракат қилади: жамъа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, агрофирмалар, агрокомбинатлар, шахсий хўжаликлар, деҳқон хўжаликлари ҳамда саноат, қурилиш ва бошқа корхоналарнинг агроцехлари.

Ҳозирги шароитда ҳам қишлоқда ижара шакллари-ни ривожлантиришга аҳамият берилиши керак.

Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда фермер хўжалиklarининг аҳамияти анча катта. Уларни ривожлантириш тўғрисида кўпгина фармонлар ва қарорлар қабул қилинган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини белгилловчи асосий кўрсаткич бўлиб, харид қилиш, шу жумладан давлат буюртмаси, маҳсулотнинг ҳосилдорлиги, маҳсулдорлиги ва бошқалар ҳисобланади. Масалан, 1993 йилги давлат буюртмаларининг миқдори хўжаликлар учун қўйидагича белгиланган: пахта, ғалла, гўшт, сут, тухум, жун, каноп ва тамақининг 80 фоизи, пилланинг 70 фоизи, сабзавот-полиз маҳсулотларининг 50 фоизи давлатга сотилиши шарт. 1994 йилда эса давлат буюртмаларининг миқдори қисқартирилди ва пахта ва дон бўйича — 75%, чорва моллари, парранда бўйича — 50%, сут бўйича — 50% ни ташкил этди.

6.2. Қишлоқ хўжалиги , унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни салмоқлидир. 1990—1993 йилларда республика ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисмига яқини, яъни 28—33 фоизи яратилди. Аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг эса 95—97 фоизи етказиб берилди. Маҳсулотларни етиштиришда жами меҳнат ресурсларининг 44 фоизи, асосий воситаларнинг эса 22—25 фоизи қатнашмоқда.

Қишлоқ хўжалиги бошқа ишлаб чиқариш тармоқларидан фарқ қилиб, бир қатор хусусиятларга эга. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўзига хос шундай воситалари қўлланиладигани, уларга ер, ҳайвон ва ўсимликлар кирди. Уларнинг сифати қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг юқорилигига ва маҳсулотнинг мўлқўлчилигига таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий жараёнлар табиий шароит билан мустақкам боғлиқдир. Бу ерда иш вақти ишлаб чиқариш вақтига мос келмайди. Масалан, картошка етиштириш тахминан 100 кунни ташкил этади, бу ишлаб чиқариш вақти ичига уруғни экиш ва етиштирилган ҳосилни йиғишга кетган вақтлар кирди. Иш вақти эса фақат бир неча кунни ташкил қилади, яъни у кўчат илдизига ишлов бериш, экиш ва ҳосилни йиғишга кетган вақтдан иборат. Бу эса меҳнат жараёнининг узлуксизлигини кўрсатади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш жараёни ҳар хил иқлим шароитида содир бўлади ва инсон фаолиятига боғлиқ эмас. Шунинг учун қишлоқ хўжалик дастури саннат дастуридан фарқ қилиб, фасллар бўйича ишлаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши биологик жараёнга, яъни маҳсулот етиштириш, ўсимлик ва чорва молларининг яшаши, ўсиб ривожланиши жараёнига асослангандир. Агар бирон-бир жараённи амалга оширишда биологик қонунлар талаби бузилса, яъни уларга хилоф равишда ишлар бажарилган бўлса, шу жараённи ўтказиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларнинг аҳамияти йўқолибгина қолмасдан, балки жами қилинган харажатлар, ҳатто якуний натижа ҳам кам унумли ёки умуман унумсиз бўлиши мумкин.

Бу хусусиятни писанд қилмасдан, фақатгина меҳнат тақсимотини кенг жорий қилиш натижасида оралиқ натижани келтириб чиқариш содир бўладиган самарага кўра йирик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш эгасизлик, бефарқлик, якуний натижа учун курашиш имконини йўқотади. Қишлоқ хўжалигида машғул бўлган ходимларни юксак якуний натижа олиш, яъни етиштирилган маҳсулот миқдори, унинг сифати ҳамда унга қилинган харажатларни ҳисобга олган ҳолда рағбатлантириш учун айрим иш жараёнларини эмас, балки тўла-тўқис ишлаб чиқариш жараёни учун масъул ва шу имконни берадиган шаклларни кенг жорий қилиш керак.

Бу тармоқни янада ривожлантириш учун ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида янги шаклланаётган бозор муносабатларини қатъийлик билан қадам-бақадам жорий этишга алоҳида эътибор бериш зарур. Даставвал мулк ва мулкӣ муносабатларни мақсадга мувофиқ шакллантириш керак. Чунки ҳар қандай шаклланган ишлаб чиқаришнинг иқтисодий негизини мулк ва унга эгалик қилиш ташкил этади. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати бу муаммога алоҳида эътибор бермоқда. Чунончи, «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш» тўғрисида қонун ва яна бир неча қарор қабул қилинди. Лекин қилинаётган ишлар бозор муносабатлари талабларига тўла жавоб бера олмайди. Масалан, давлат хўжаликлари ихтиёридаги мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган мулкчилик шаклларини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир, даставвал жамоа мулкнинг турли шаклларини ташкил этиш зарур (акциядорлар жамияти мулки, ижарага олинган корхоналар, бўлинмалар мулки, оилавий мулк). Бу мулкчилик шаклларининг қайси бирини ташкил этишдан аввал давлат тасарруфидан чиқарилаётган хўжалик ихтиёридаги мулкни ташкил этувчи барча асосий воситаларни махсус комиссия томонидан аниқ, сифатли, батафсил рўйхатдан ўтказиш керак, яъни шу асосий воситаларнинг қандай ҳолатдалиги, қиймати аниқланиши зарур. Бундан мақсад шу мулкни ундан фойдаланувчиларга қандай баҳоларда, тартибда бериш йўлларини аниқлашдир. Қолган умумий масалалар «Ўзбекистон Республикасида корхоналарни ташкил этиш тўғрисида»ги қонун талабларига мувофиқ ҳал этнади.

Сув тўғрисида ҳали қонун қабул қилингани йўқ. Суғориладиган ерларни ҳозирча хусусий мулк сифатида сотиш мумкин эмас. Чунки унинг миқдори республика ҳудудида жуда чегараланган, аҳоли эса йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу ҳолда «Ер тўғрисида»ги қонунга асосланган ҳолда давлат заҳирасидаги ерларнинг маълум бир қисмини фуқароларга хусусий мулк сифатида қандай баҳоларда сотиш масаласини ҳал қилиш зарур. Ҳозирги даврда суғориладиган ер майдони 4,2 млн. гектарни ташкил этмоқда. Фойдаланилмаётган ерлар маълум бир тартибда аҳолига берилса давлат бюджетини шакллантириш учун имконият яратилади, ишсизлар иш билан таъминламади, у ерлар обод бўлиши мумкин.

6.3. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш дастурини ташкил қилиш. Дастурнинг кўрсаткичлар тизими, уларнинг асосланиши

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш дастурининг асосий бўлимлари қуйидагилардан иборат:

1. Усимликшуносликни ривожлантириш режаси;
2. Чорвачиликни ривожлантириш режаси;
3. Моддий-техник базани ривожлантириш режаси.

Усимликшунослик ривожланишининг асосий кўрсаткичлари:

1. Усимликшунослик маҳсулотларини харид қилиш;
2. Экин майдони;
3. Ҳосилдорлик.

Чорвачилик режасининг асосий кўрсаткичлари:

1. Чорвачилик маҳсулотининг ҳажми;
2. Қорамолларнинг сони;
3. Маҳсулдорлик.

Моддий-техник база дастурида тармоққа техника, асбоб-ускуналар, минерал ўғитлар, электр энергиясини етказиб бериш кўрсаткичлари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини тавсифловчи асосий кўрсаткич бу давлат харидларининг ҳажми ҳисобланади. Бу кўрсаткич асосида АСМ тармоғига кирувчи кўрсаткичлар аниқланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотишни аниқлаш бир қанча унсурлардан иборат:

1. Энг аввало қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турлари бўйича давлат буюртмасининг ҳажми ҳисобланади. Давлат буюртмаси давлатнинг ва аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаби асосида аниқланади.

2. Аниқланган талаб қишлоқ хўжалик имкониятлари (ер, сув, меҳнат ресурслари) билан боғланади.

3. Давлат буюртмаси ҳажми вилоятлар, туманлар ва хўжаликлар бўйича тақсимланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турлари бўйича давлат буюртмасининг асосланиши қуйидаги тархда кўрсатилган:



Давлат буюртмасининг (қишлоқ хўжалик маҳсулотининг) ҳажми ва таркибини режалаштириш давлат ресурсларини, умумий талабни аниқлашдан бошланади. Бунинг учун ялпи ресурслар баланси ва давлат ресурслар баланси ишлаб чиқилади (6—7-жадваллар).

6-жадвал

Ялпи ресурслар баланси

	Ресурслар		Тақсимлаш
1.	Жами йиғиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	1.	Ички хўжалик эҳтиёжлари:
2.	Йил бошидаги захира-лар қолдиғи	а)	уруғга
3.	Бошқалар	б)	чорвани боқишга
		2.	Хўжалик аъзоларига натура кўрсаткичида ҳақ тўлаш
		3.	Ижтимоий истеъмол фондларига ажратма, хўжалик аъзолари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий истеъмоли учун
		4.	Товар маҳсулоти:
		1)	давлатга сотиш учун
		2)	кооперацияга сотиш учун
		3)	бозорда сотиш учун
		5.	Йил охирига қолдиқ
	Жами		Жами

Ички хўжалик эҳтиёжлари норматив усул бўйича аниқланади, яъни уруғга бўлган эҳтиёж экиладиган майдоннинг ҳажми ва бир гектар ерга экиш меъёрига қараб аниқланади. Масалан, меъёр бўйича 1 га ерга 125 кг чигит экилса, экиладиган ер майдони 100 га бўлса, унда $125 \times 100 = 125$ т.

Жамоа хўжалиги аъзоларига натура кўрсаткичида ҳақ тўлаш хўжаликлар томонидан аниқланади ва бунда ўртача иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги ҳисобга олинади.

Товар маҳсулотининг давлатга сотиладиган ҳажми давлат ресурслари балансидан аниқланади.

7-жадвал

Давлат ресурслари баланси

Ресурслар	Тақсимлаш
1. Йилнинг бошидаги қолдиқ 2. Давлат харидлари 3. Ймпорт 4. Давлат резервлари	1. Жами таъминот: а) бозор фонди б) саноатда қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш в) ем-хашак фонди г) бошқа истеъмол 2. Экспорт 3. Давлат резервларини тўлдириш 4. Йилнинг охиридаги қолдиқ
Жами	Жами

Шу балансинг қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш режалаштирилган даврга саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харажатлари меъёри асосида аниқланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айрим турлари (тери, пахта, тамаки ва ҳоказо) бўйича фақат битта — давлат ресурсларининг баланси тузилади.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар балансида республикада, вилоятларда, туманларда бор ерлар майдони кўрсатилади. Буларга ҳайдаладиган ерлар, яйловлар, кўп йиллик ўсимликлар ер майдонлари; қўриқ ерлар ва бошқалар киради.

Ҳайдаладиган ерлар балансига қуйидаги кўрсаткичлар киради;

ҳайдаладиган ерларнинг бор бўлиши (E_6); режалаштирилган даврда ҳайдаладиган ерларнинг кенгайиши (E_k) (қўриқ ерларни ўзлаштириш орқали, ботқоқликларни қуриштириш орқали); режалаштирилган даврда ҳайдаладиган ерлар майдонининг камайиши (E_q); саноат корхоналари ва уй-жойларни қуриш орқали. Режалаш-

тирилган даврдаги ҳайдаладиган ерларнинг майдони E_5);

$$E_4 = E_6 + E_k - E_c.$$

Ўсимликшуносликнинг самарадорлигини кўрсатадиган асосий кўрсаткич бўлиб ҳосилдорлик ҳисобланади. Унинг режалаштиришда ишлатиладиган усуллардан бири омиллар таъсирини аниқлаш усулидир. Бунда ҳосилдорлик ўсишига ҳар бир омилнинг таъсири аниқланади ва кейинчалик шунга асосланиб алоҳида тадбирлар режалаштирилади.

Таъсирчан омилларга қуйидагилар қиради: алмашлаб экишлар; минерал ва органик ўғитларни ишлатиш; янги навларни ишлатиш ва бошқалар.

Ялли ўсимликшунослик маҳсулотлари унинг ҳар бир аниқ тури бўйича аниқланади. Бунда экиладиган ерлар майдонга кўпайтирилади. Масалан, пахта майдони режалаштирилган даврда 1,5 млн. га, ҳосилдорлик — 30 ц. Ялли пахта хом ашёси — $30 \text{ ц} \times 1,5 \text{ млн. га} = 4,5 \text{ млн. т}$.

Чорвачилик маҳсулотларини режалаштириш учун пода обороти баланси, ем-хашак баланси каби баланслардан фойдаланилади. Дастур ҳар бир чорвачилик тармқлари (қорамолчилик, қўйларни боқиш, чўчқаларни боқиш, паррандачилик) бўйича тузилади. Масалан, қорамолчиликнинг ўзи учта гуруҳ бўйича режалаштирилади: сут, сут-гўшт, гўшт.

Чорвачиликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда энг аввало маҳсулдорлик, ундан сўнг қорамолларнинг сони аниқланади. Бунда норматив ва баланс усулларидан фойдаланилади. Норматив усул бўйича қорамолларнинг сонини топиш учун яйловлар майдонини 1 га ерда қорамолларни боқиш нормативига кўпайтириш керак. Бу усул истиқболли прогнозларни ишлаб чиқишда қўлланилади.

Баланс усули қорамоллар сонини аниқлашда кўпроқ ишлатиладиган усулдир. Бундан юқорида айтилган пода обороти баланси ишлаб чиқилади, яъни 1 йил ичида поданинг ўзгариши кўрсатилади.

Чорвачиликни ривожлантириш учун ем-хашак базаси катта аҳамиятга эга. Ем-хашак баланси ҳисоботлари ўсимликшунослик билан чорвачиликнинг ривожланишини таъминлайди. Ем-хашак баланси ҳисоботлари ем-хашакка бўлган эҳтиёжларни, шу эҳтиёжни қондиришда бор имкониятларни аниқлашга асосланади. Шунинг учун ем-хашак баланслари ишлаб чиқилади.

Чорвачиликнинг турли хил ем-хашакка бўлган эҳтиёжи календарь йилга ҳисоблаб топилади. Ем-хашакка бўлган эҳтиёжни топиш учун 1 та молга кетадиган ем-хашак меъёри молларнинг умумий сонига кўпайтирилади. Ем-хашакка бўлган эҳтиёж ем-хашакнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида ҳисоблаб топилади.

Маҳсулдорлик ва қорамолларнинг сони аниқлангандан кейин, ялли чорвачилик маҳсулотларининг ҳажми ҳисобланади. Бунинг учун юқорида айтилган 2 та кўрсаткични бир-бирига кўпайтириш керак. Масалан, сут қорамолчилигида сигирларнинг сони — 500 минг, маҳсулдорлиги — 4 минг кг. Сут ишлаб чиқариш ҳажми: $4 \text{ минг кг} \times 500 \text{ минг} = 2 \text{ млн. т.}$

Моддий-техник базани ривожлантириш 3 йўналишда олиб борилади: 1) механизациялаштириш; 2) электрлаштириш; 3) кимёлаштириш.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалигига керак бўладиган машиналар, тракторлар, комбайнлар ва бошқа турдаги техникаларга бўлган эҳтиёж кўриб чиқилади. Бу эҳтиёж қишлоқ хўжалик ишлари ҳажмини 1 та машинанинг 1 мавсум ишлаши меъёрига бўлиш орқали топилади. Масалан, 10000 гектар майдон бор. 1 та трактор 20 гектар ерда ишлаши керак:

$$\frac{10000}{20} = 500 \text{ та трактор керак.}$$

Тракторларга бўлган қўшимча эҳтпёжни аниқлаш учун умумий эҳтиёж ҳажмидан режалаштирилаётган йил бошидаги тракторлар сони айирилади ва ишдан чиққан тракторлар сони қўшилади. Масалан, умумий эҳтиёж 500 трактор бўлса, мавжуд тракторларнинг сони 470 та, йил давомида 20 та трактор ремонтга юборилади. Бундан тракторларга бўлган қўшимча эҳтиёж 50 та тракторга тенг:

$$П = (500 - 470) + 20 = 50 \text{ (т).}$$

Қишлоқ хўжалигини электрлаштиришни тартибга солишда ишлаб чиқаришнинг энергетик қуввати билан таъминлаш даражаси ҳамда меҳнатнинг энергетика қуввати билан қуролланиш даражасидан иборат 2 та кўрсаткич ишлатилади:

1. Қишлоқ хўжалигини электроэнергия билан таъминлаш даражаси. Умумий электроэнергия қувватининг мавжуд қишлоқ хўжалик ерига нисбати (100 гектар қ/х ери ҳисобида) билан аниқланади.

2. Меҳнатнинг электроэнергия билан қуролланиш даражаси. Мавжуд электроэнергия қувватини ишлаб чиқаришда қатнашаётган ўртача йиллик ишчилар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалигини электрлаштиришни тартибга солишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ва аҳолига керак бўладиган электроэнергия ҳисоблаб чиқилади. Бу кўрсаткичларга қўшимча равишда 1 гектар ҳайдаладиган ерга, 1 сўмлик асосий фондларга тўғри келадиган электроэнергия ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида электр энергиядан унумли фойдаланиш қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади: меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннарни, 1 кишига тўғри келадиган соф даромад, рентабеллик даражаси.

Қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни тартибга солишда 2 та босқич бўлади:

1. Минерал ўғитларга бўлган умумий эҳтиёжни аниқлаш. Буни аниқлаш учун ҳар 1 гектар ерга керак бўлган меъёрдаги минерал ўғит экиладиган ерлар майдонига кўпайтирилади. Масалан, 1 гектар ерга 20 кг кимёвий ўғит керак. Жами ҳайдаладиган ерлар 500 гектар:

$$500 \times 20 = 10 \text{ т ўғит керак.}$$

2. Аниқланган эҳтиёжни вилоятлар, туманлар, хўжаликлар ўртасида тақсимлаш.

VII БОБ. КОММУНИКАЦИЯ МАЖМУИ

7.1. Ўзбекистонда транспорт ва алоқанинг ривожланиш даражаси

Коммуникация мажмуи ўз ичига транспорт, алоқа, телевидение, радиони қамраб олади. Ҳозирги кунда республикада транспортнинг жуда катта ишлаб чиқариш-техникавий потенциали яратилди. Ундан оқилона фойдаланиш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодиётни барқарорлаштириш вази-

Ўзбекистонда юклар ва пассажирлар обороти динамикаси

Кўрсаткичлар	1990 й.	1991 й.	1992 й.	1993 й.	1993 й. 1990 й. га нисбатан, %
Транспорт барча турларининг юк обороти, млрд. т. км.	62,7	76,4	45,5	44,1	70,3
шу жумладан:					
темир йўллар	56,5	70,6	41,3	41,1	72,7
автомобиль транспорти	5,9	5,5	4,0	2,9	49,2
ҳаво транспорти (минг т. км)	93,2	88,7	70,2	74,6	80,0
трубопровод транспорти	0,2	0,2	0,4	—	—
Пассажирлар обороти (млрд. пасс. км.)	37,16	37,48	28,74	25,70	69,2
шу жумладан:					
автобус	20,4	20,6	18,6	17,1	83,8
темир йўл транспорти	3,9	5,2	5,5	5,8	148,7
ҳаво транспорти	11,5	10,5	4,2	2,5	21,7
енгил транспорт таксомотори	1,3	1,2	0,4	0,3	23,1

фалари, ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш транспорт тармоғи олдига юксак талаб қўймоқда.

Республиканинг транспорт тармоқларидаги интенсивлик доимо ўсиб, 1970—1990 йиллар мобайнида бу кўрсаткич умумий фойдаланишда бўлган темир йўлларда 1,6 баробарга ўсди. Лекин республика транспорт тармоқларининг ишлаб чиқариш-техникавий потенциали даражаси миллий иқтисодиёт иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръатларидан анча орқада қолмоқда. Транспорт воситалари паркиннг мавжуд таркиби, уларнинг техник даражаси республика аҳолиси талабларига жавоб бермайди. Транспорт машинасозлиги тармоғи ўзининг ривожланишида анча орқада қолди ва МДХ мамлакатларидаги машинасозлик марказларига ҳамда чет эл фирмаларига бўйсунган аҳволга тушиб қолди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларида (1990—1993) қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқаришнинг кутладиган пасайишига ҳисобга олган ҳолда республикада транспортнинг барча турлари билан ташиладиган юкларнинг ҳажми 1991—1993 йилларда 29,7% пасайди, автотранспортда эса — 50,8% пасайди. Келажақда республика иқтисодиётининг юксалиши билан ташиладиган юкларнинг ва пассажирларнинг ўсиш суръатлари ҳам ошади.

1993 йилда 1990 йилга нисбатан умумий пассажир обороти 30,8%, ҳаво транспорти пассажир обороти эса 78,3% пасайди. Бу пасайиш аҳолининг сотиб олиш қобилиятини ва турмуш даражасининг пасайиши, пассажир ташиш транспорт хизматлари тарифларининг ўсиши натижасида бўлди.

Ўзбекистонда 80-йилларда телефон алоқасининг интенсив ривожланиши бошланган эди. Охириги 10 йил мобайнида уй телефонларининг сони 3 баравар ошди, шу жумладан шаҳарларда — 2,8 баробар, қишлоқ жойларда — 3,7 баробар. 1990 йилда қишлоқлардаги телефонларнинг сони уларнинг умумий ҳажмида 22,8% ни ташкил этди (1980 йилда — 19,9%). Бунга қарамасдан, алоқа воситаларининг ривожланиш даражаси ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Республикада фақат 66% шаҳар ва 17% қишлоқ оилаларининг телефонлари бор.

Транспорт соҳасини тартибга солишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

— ташиладиган юкларнинг ҳажми; юк обороти; пассажир обороти; юк ташишнинг ўртача масофаси; ҳаракатдаги транспорт воситаларидан фойдаланишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари.

Бу кўрсаткичлар ҳар бир транспорт турининг хусусиятига қараб бўлади. Масалан, темир йўл транспорти бўйича техник-иқтисодий кўрсаткичларга: битта вагонга бўлган статик ва динамик оғирлик, вагоннинг айланиш вақти, техник ва участка тезлиги, юк вагонининг ўртача суткалик меҳнат унумдорлиги.

7.2. Юк ташиш ҳажмини аниқлаш ва уни транспорт турлари ўртасида оқилона тақсимлаш

Юк ташиш ҳисоб-китобларида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: ташиладиган юкларнинг ҳажми, юк ташишнинг ўртача масофаси, юк оборотининг ҳажми.

Ташиладиган юкларнинг ҳажмини аниқлаш учун норматив ёки умумлаштирилган ҳисоб-китоблар ҳамда баланс усулларидан фойдаланилади. Биринчи усул асосан ташиладиган юклар ҳажмини аниқлашнинг дастлабки босқичларида қўлланилади. Бу усулнинг асосида юк ташишнинг коэффиценти ётади. Шу коэффицент юкларнинг алоҳида турлари бўйича ҳисобланади ва бунда аввалги йилдаги ташилган юклар шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмига бўлинади. Масалан, 1992 йилда Ўзбекистонда 3292,5 млн. т кўмир қазиб олинган бўлса, бундан 3087,7 млн. т транспорт воситалари билан ташилган бўлса, юк ташиш коэффиценти $K = \frac{3087.7}{3292.5} = 0,94$ ни ташкил этади. Масалан, 1993 йилда 3384,2 млн. т кўмир қазиб олинган бўлса, бунда ташиладиган юкларнинг ҳажми қуйидагича топилади ($3384,2 \times 0,94 = 3181,15$ млн. т). Юкларнинг барча турлари бўйича ташиладиган ҳажми аниқланиб миллий иқтисодиёт бўйича умумийлаштирилади.

Ҳисобланган сумманинг тўғрилигини исботлаш учун баланс усулидан фойдаланилади. Бу усулни қўллаш баланс ҳисоб-китоблар тизимига ва энг аввало маҳсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансига асосланади.

**Ишлаб чиқариш ва истеъмол қилниш туман баланси (млн. т)
(шартли рақамлар)**

Юкларнинг номи	Ресурслар				Уларнинг тақсимланиши				Ташиб кетилиш мумкин бўлган қўшимча (5—9)
	ишлаб чиқариш	Йилнинг бошига қолдиқ	бошқа тушумлар	жами ресурслар	маҳаллий истеъмол	корхона транс-порти таъминлашнинг қисми	Йилнинг охири-даги қолдиқ	жами харажатлар	жами
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1. Нефть маҳсулотлари	1900	75	15	1990	450	25	90	865	1125

Жадвалдан кўриниб турибдики, ташиб кетиладиган юкнинг ҳажми ресурслар жами қисмидан балансни тақсимлаш қисмини айириш йўли билан аниқланади.

Туманлараро баланс ёки шахмат баланси (шартли маълумотлар) (минг т/н минг км)

истеъмолчи туманлар / етказиб берувчи туманлар	А	В	С
Ўзбекистон	305/50	600/67	400/30

Туман ишлаб чиқариш ва истеъмол баланслари ишлаб чиқилгандан кейин истиқболни белгилаш органлари томонидан республикага ташиб келинадиган ва ташиб кетиладиган юкларнинг умумий ҳажми транспортнинг йиғма баланси ёрдамида аниқланади. Ташиб келинадиган юкларнинг ҳажми аниқлаб берилгандан кейин юк

ташпшнинг ўртача масофаси аниқланади. Ўртача масофа туманлараро баланс ёки шахмат шаклидаги баланс ёрдамида аниқланади.

Ташиладиган юкларнинг ҳажми:

$$\sum Q = 305 + 600 + 400 = 1305 \text{ млн. т.}$$

Ўртача масофа:

$$l_{\text{орт.}} = \frac{(305 \times 50) + (600 \times 67) + (400 \times 30)}{1305} = 60,88 \text{ км,}$$

яъни

$$l_{\text{орт.}} = \frac{\sum Q \cdot l}{\sum Q}$$

бу ерда: l — истеъмолчилар ва юкни етказиб берувчилар ўртасидаги масофа;

Q — ташиб келинадиган юкнинг ҳажми.

Ташиладиган юкларнинг ўртача масофасини камайтириш тадбирларидан бири, бу истеъмолчиларни маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга оқилона ҳолда боғлашдир. Ҳозирги даврда бу масалани ечиш учун ЭҲМ ва иқтисодий математик усулдан фойдаланилади. Бунинг учун транспорт масаласи ечилади. Транспорт масаласининг математик кўриниши қуйидагича:

$$\sum_{i=1}^n C_{ij} X_{ij} \rightarrow \min,$$

бу ерда: C_{ij} — i -ишлаб чиқарувчи пунктдан j - истеъмол қилувчи пунктга ташиладиган юкларга сарфланган хажмлар;

X_{ij} — i -пунктдан j -пунктга ташиладиган юкнинг ҳажми.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга олиб боришдаги транспорт харажатлари кам бўлиши керак. Бу масалани ечишда айрим шарт-шароитларга амал қилиш керак.

1. Шарти бўйича i -пунктдан жўнатиладиган юкнинг миқдори шу пунктда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажмига тенг бўлиши керак, яъни

$$\sum_{i=1}^n X_i Y_i = A_i,$$

A_i — бу i -пунктдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона.

2. Барча жўнатиладиган жойлардан j -пунктга келадиган маҳсулотнинг ҳажми шу пунктнинг эҳтиёжини қондириши керак:

$$\sum X_{ij} = B_j,$$

бу ерда: B_j — j -жойдаги маҳсулотни истеъмол қилувчи корхона белгиси.

3. Ташиладиган юкнинг ҳажми манфий бўлмаслиги керак (0 га тенг ёки ундан катта бўлиши керак):

$$X_{ij} \geq 0,$$

бу ерда: X_{ij} — i -пунктдан j -пунктга ташиладиган юкнинг ҳажми.

Бунда транспорт масаласини ечиш истеъмолчилар билан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар орасидаги алоқани қулай равишда талаб этишга имкон беради ва ташиладиган юклар ўртача миқдорининг камайишига олиб келади.

Юкларнинг оқимини ва уларнинг ташиш масофасини билиш учун уларга сарфланган харажатлар миқдорини аниқлаш керак. Бу харажатларнинг энг кам даражаси қуйидагича аниқланади:

$$C_i + E_n K_i \rightarrow \min,$$

бу ерда: C_i — таннарх;

E_n — капитал харажатлар самарадорлигини кўрсатувчи норматив;

K_i — капитал қўйилмалар.

Юк оборотини ҳисоблаш учун қуйидаги формула ишлатилади:

$$\Gamma_{об} = \sum_{i=1}^m Q \times = I_{ypt}.$$

Прогнозлаштириш амалиётида транспортнинг аниқ тури ва ундан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ соҳасини танлашда қуйидаги ҳисоб-китобларнинг мунтазамлиги аниқланади.

1. Алоҳида туман ва минтақалар миқёсида ҳар бир транспортнинг техник-иқтисодий ва эксплуатация хусусиятлари ҳамда афзаллиги аниқланади. Ҳар бир транспортнинг афзаллиги қуйидаги кўрсаткичлар орқали

баҳоланади. Булар юкни етказиб бериш тезлиги, юкларни ташишнинг қиймати ва баҳоси, юк кўтара олиш имконияти, транспортнинг ҳаракатчанлиги, юк ташишнинг узлуксизлиги.

2. Аниқланган транспортнинг хусусиятлари ва афзаллиги асосида қўшимча капитал маблағ сарфланмасдан юк ташиш ҳажмини кўпайтириш мақсадида ҳар бир транспортнинг ўтказиш ва ташиш резервлари аниқланади.

3. Юк ташишнинг барча турлари бўйича ташиш жараёнининг тайёрлов ва охириги операцияларини, ортиш, тушириш, бошқа жойга ўтказиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ эксплуатация харажатлари ҳисобланади.

4. Аниқланган ўтказиш ва ташиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, агарда ўтказиш хусусиятларининг еттишмаслиги маълум бўлса, транспортни ривожлантириш учун керак бўлган капитал маблағлар ҳажми ҳисобланади.

5. Эксплуатация сарфи ва капитал маблағлар харажатларининг йиғиндисини ҳисобга олган ҳолда юкларни транспорт турлари ўртасида тақсимлашнинг қулай варианты топилади.

7.3. Пассажирлар ташишни тартибга солиш

Пассажирларни ташиш ҳажмини аниқлашда шаҳарлараро ва шаҳар ичидаги пассажирлар ҳажми аниқланади. Буларга таъсир этувчи асосий омил аҳоли даромадларидир.

Истиқбол ва жорий даврларда пассажирлар ташишни аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар ишлатилади:

истиқбол даврда: аҳолининг сони; 1 йилда 1 кишига тўғри келадиган пас/км; 1 йилда 1 кишига тўғри келадиган истеъмол фондларининг ўсиши;

жорий даврда: аҳолининг даромадлари ҳақидаги маълумотлар; даромадларнинг 1 сўмига тўғри келадиган пас/км.

Аҳолининг транспорт воситаларидан фойдаланишининг интенсивлик даражасини белгиловчи кўрсаткич бўлиб аҳолининг транспорт қатнови кўрсаткичи ҳисобланади.

Аҳолининг транспорт қатнови дейилганда кишиларнинг юриш ҳаракати, қобилияти тушунилади. Аҳолининг

транспорт қатновига кўп омиллар таъсир қилади. Булар аҳоли даромадларининг ўсиши, бўш вақтнинг бор бўлиши, транспорт ишининг яхшиланиши, савдо марказларининг ошиши ва ҳоказолардир. Бу кўрсаткич бир кишига тўғри келадиган пас/кмда кўрсатилади.

Аҳолининг транспортда қатновини ҳисоблашда 2 та усул қўлланилади. Булар қуйидагилардир:

1. Аҳолининг жорий даврдаги миқдорини коэффициентга кўпайтириш йўли билан аниқлаш. Бу усул асосан истиқболдаги кўрсаткичларни ҳисоблашда кенг қўлланилади. Кўрсатилган коэффициент аҳолининг реал даромади ёки истеъмол фондининг 1 кишига тўғри келадиган миқдорининг ўсишини кўрсатади:

$$П = П_{ж.о.п.г} \cdot К.$$

2. Корреляция модели бўйича аҳолининг транспорт қатновини аниқлаш.

7.4. Юк ва пассажирлар ташишни тартибга солишда керакли ресурслар билан асослаш

Юк ҳамда пассажирлар ташиш ҳажми фақатгина миллий иқтисодиётга ва аҳолининг талабларигагина эмас, балки шу талабларни қондириш имкониятларига ҳам боғлиқ. Шунинг учун миллий иқтисодиёт истиқболда юк, пассажирлар ташишнинг ривожланиши фақатгина талаб томонидан эмас, балки керакли ҳаракатдаги транспорт воситалари, ёқилғи ва бошқа ресурслар томонидан ҳам асосланади.

Юк ва пассажирлар ташишнинг ривожланиши керакли ресурслар билан асослаш жараёнида ҳаракатдаги транспортга бўлган талаб ва уларни қондириш имкониятлари билан аниқланади.

Транспортнинг ҳар хил турларига бўлган талаб ташилиши керак бўлган юк ва пассажирларнинг ҳажмига ҳамда ҳаракатдаги таркибнинг техник-эксплуатация кўрсаткичларига боғлиқ.

Техник-эксплуатация кўрсаткичлари ҳар бир транспортнинг хусусиятига қараб аниқланади. Темир йўл транспорти бўйича техник-эксплуатация кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

1) вагонга тўғри келадиган статик ва динамик оғирлик;

- 2) поезднинг ўртача массаси (брутто, нетто);
- 3) юк вагонининг техник ва участка тезлиги;
- 4) вагоннинг айланиш вақти;
- 5) локомотивнинг ўртача суткалик юриши (км);
- 6) юк вагонининг ўртача унумдорлиги.

Вагоннинг статик оғирлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N_c = \frac{\sum Q}{K_B};$$

$\sum Q$ — юклар ҳажми;

K_B — юк ортилган вагонлар сони.

Вагоннинг динамик оғирлиги ҳаракатдаги статик оғирлигига тенг. Вагоннинг айланиш вақти — бу юклангандан то уларни бўшатишгача бўлган вақт.

Юк вагонининг ўртача унумдорлиги қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$P_{\text{р вагон}} = \frac{N_c + I_{\text{урт}} \times K}{T_{\text{урт}}},$$

бу ерда: N_c — статик оғирлик;

$I_{\text{урт}}$ — ўртача масофа;

K — коэффициент;

$T_{\text{урт}}$ — юк вагонининг ўртача оборот вақти.

Юк ташишга бўлган талаб ҳаракатдаги таркибнинг керакли сони, ёқилғи, электроэнергияси томонидан ҳам асосланиши керак. Юк ташишни тартибга солишда транспорт воситаларига бўлган талабни аниқлашга, ундан фойдаланишни яхшилаш йўлларини белгилашга катта аҳамият берилади. Юк вагонларига бўлган талабни аниқлашда қуйидаги формула ишлатилади:

$$P_B = \frac{Q \times t_B}{365 \times N_c} \cdot K,$$

бу ерда: t_B — вагоннинг суткалик айланиши;

N_c — статик оғирлик;

K — вагонларнинг резерв коэффициенти.

V III БОБ. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

8.1. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида капитал қурилишни такомиллаштириш вазифалари

Бозор иқтисодиётига ўтиш бизнинг иқтисодий сиёсатимизда энг йирик ва масъулиятли қадамдир. Бунинг

натижалари иқтисодиётнинг барча бўғинларига, биринчи навбатда капитал қурилиш тармоғига таъсир қилади. Чунки бу тармоқда кооперациялаш кенг тараққий этган, биринчи бўлиб ижара жамоалари пайдо бўлган, биринчилар қаторида тармоқдаги ташкилотлар ўзларининг акцияларини чиқара бошлашган.

Лекин барча қонуний ва норматив ҳужжатлар бўлса-да, қурилиш бозори ўзидан ўзи пайдо бўлмайди. Биринчи босқичда алоҳида вилоятлар миқёсида ҳудудий қурилиш бозорларини ташкил этиш керак. Уларнинг йиғиндиси Ўзбекистон бозорини ташкил этади ва истиқболда у жаҳон қурилиш бозорига интеграцияланади.

Умумий қилиб айтганда, ҳудудий қурилиш бозорларининг пайдо бўлиши қуйидаги вазифалар билан боғлиқ;

бозор субъектларини ташкил этиш билан қурилиш маҳсулотини мустақил ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотни истеъмол қилувчиларнинг ўзига хос институтлари билан белгиланувчи бозор инфраструктурасини ташкил этиш;

қурилиш бозорини тартибга соладиган ҳудудий органларни ташкил этиш;

бозор иқтисодиётида пудрат ташкилотлар ва буюртма қилувчи ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш.

Қурилиш маҳсулотини мустақил ишлаб чиқарувчиларни ташкил этиш вазифаси корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, демонополизациялаш, хусусийлаштириш орқали вужудга келади ва бунинг асосида пудрат жамоалар ва хусусий корхоналар пайдо бўлади.

Бозор инфраструктурасини ташкил этиш вазифаси моддий-техник ресурслар ва қурилиш материаллари бозорининг ташкил этилиши билан боғлиқ. Бунинг учун махсуслашган ҳолда таъминот ўтказадиган фирмаларни тузиш керак ва бу босқичда пудрат ишлари биржаси, меҳнат биржаси, коммерция банклари ва даллоллик фирмалари муҳим роль ўйнайди.

Қурилиш бозорини тартибга соладиган ҳудудий органларнинг функциялари барқарор бўлган қурилиш бозорини иқтисодий томондан тартибга солиш, ҳудудлар бюджетидан қурилиш жараёнини инвестициялашни ташкил этиш ва олиб боришдан иборатдир.

Қурилиш дастурларининг асосий кўрсаткичлари бўлиб ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларнинг

ишга туширилиши, капитал қўйилмаларнинг ҳажми, уларнинг алоҳида йўналишлар бўйича такомиллашиши, капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги ҳисобланади.

8.2. Ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларнинг ишга туширилишини тартибга солиш

Капитал қурилиш ва капитал қўйилмаларнинг охириги натижаларини тавсифловчи асосий кўрсаткичларга ишлаб чиқариш қувватлари, ишлаб чиқариш ҳамда но-ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектлар, шунингдек ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларининг ишга туширилиши киради.

Ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши-ни аниқлаш ишлаб чиқариш соҳасининг асосий тар-моқлари ва асосий маҳсулотлар турлари бўйича амал-га оширилади.

Режалаштириш даврида қувватларни ишга тушириш миқдори ишлаб чиқариш қувватлари баланси ёрдамида аниқланади. Бу баланс ёрдамида режалаштириш йили-нинг охиридаги қувват, янги қувватларнинг жиритили-ши ва чиқиб кетиши ҳисобланади. Қўшимча қувватлар-нинг ишга киритилиши қуйидаги формула орқали ҳи-собланади:

$$\Delta K_{ил} = K_о - K_б + K_{чик} \pm K_{му},$$

бу ерда: $K_о$, $K_б$ — йилнинг боши ва йил охиридаги қувват ҳажми;

$K_{чик}$ — қувватларнинг чиқиши;

$\pm K_{му}$ — маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг ўзгариши натижасида қув-ватларнинг ўсиши ёки камайиши.

Шунингдек асосий фондларнинг ишга туширилиши ҳам аниқланади. Бу кўрсаткич фақат қиймат кўрини-шида белгиланади. У асосий фондларнинг баланси ёр-дамида аниқланади. Бу баланс ёрдамида умумий та-лаб режалаш йилининг бошидагиси билан таққослана-ди ва формула тарзида қуйидагича ифодаланади:

$$\Delta \Phi = \frac{B_n - \sum \Phi_n \cdot \Phi_o \cdot K_{oc}}{\Phi_{св} \cdot \Phi_o \cdot K_{oc}}.$$

Бу ерда: V_n — прогностлаштирилаётган йилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

$\sum \Phi_n$ — йил бошидаги асосий фондлар;

Φ_o — фонд қайтими;

$K_{\text{хос}}$ — асосий фондларни ўзлаштириш коэффициенти;

Φ_v — асосий фондларнинг ўртача йиллик ишга туширилиши.

Асосий фондларнинг ишга туширилиши қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Phi_v = \Phi_c + U_c + D - \Phi_n,$$

бу ерда: Φ_v — асосий фондларнинг ишга туширилиши;

Φ_c — ўртача йиллик асосий фондлар;

U_c — чиқиб кетган асосий фондларнинг қиймати;

D — фойдаланилмайдиган асосий фондлар;

Φ_n — йил бошидаги асосий фондлар.

8.3. Капитал қўйилмалар ҳажмини ва йўналишларини аниқлаш

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини ишга тушириш ҳисоб-китоблари капитал қўйилмаларнинг тақсимланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Капитал қўйилмаларга бўлган талаб зарур бўлган ишлаб чиқариш қувватлари, асосий фондларни ишга тушириш асосида аниқланади.

Талаб ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш сарфлари бўйича алоҳида аниқланади. Ишлаб чиқариш соҳасида капитал қўйилмаларга бўлган талаб алоҳида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоқларда ва номенклатураси кенг бўлган тармоқларда ҳисобланади.

Бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоқларда капитал қўйилмалар ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K = K_{y_1} \cdot \Delta K,$$

бу ерда: K — капитал қўйилмалар;

K_{y_1} — капитал қўйилмаларнинг салмоғи (яъни бир birlik қувватнинг ўсишини таъминловчи капитал (қўйилмалар));

ΔK — янги қурилиш ва кенгайтириш ҳисобига қувватларнинг ўсиши, яъни қувватларга бўлган қўшимча эҳтиёж.

Капитал қўйилмалар ҳажмига бўлган умумий талаб ҳаракатдаги қувватларни ишга туширишга, техник қайта қурулганишига, янги ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, режалаштириш даврида киритилган ҳамда аввал ишга туширилган объектлар ишларини тамомлаш ва режалаштириш йилининг охирида қурилиш заделини ташкил этиш учун капитал қўйилмаларни суммаси сифатида аниқланади.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги тармоқларда капитал қўйилмаларга бўлган талаб шу соҳа корхоналари сонини кенгайтириш ва капитал қўйилмалар салмоғига бўлган талаб асосида аниқланади. Масалан, савдода савдо майдонининг ўсиши ва капитал қўйилмалар салмоғи асосида, табибатда касалхоналардаги ўринлар сонининг ўсиши ва капитал қўйилмалар салмоғи асосида ва ҳоказо.

Капитал қўйилмаларнинг асосий манбаи миллий даромаднинг жамғарма фонди ҳисобланади. Ҳозирги вақтда капитал қўйилмаларнинг асосий молиявий манбалари қуйидагича:

— корхонанинг ўз маблағлари бюджет, кредит, аҳолининг маблағлари, чет эл инвестициялари ва ҳоказо.

Корхонанинг бозор иқтисодиётига ўтиши натижасида капитал қўйилмаларнинг молиявий манбалари таркиби ўзгаради, яъни унинг асосий манбаи бўлиб, корхонанинг ўз маблағлари ва кредит ҳисобланади. Капитал қўйилмалар таркибининг қуйидаги турлари ажратилади: технологик, буюртмалаштирилган, такрор ишлаб чиқарилган, ҳудудлар бўйича ва тармоқлар бўйича.

1. Технологик таркиб дейилганда қурилиш-монтаж ишлари, асбоб-ускуналар қиймати ва бошқа қурилиш ишлари ўртасидаги нисбат тушунилади.

2. Буюртмалаштирилган таркиб — ишлаб чиқариш ва қўйиллаб чиқариш соҳаларига сарфланган капитал маблағлар нисбати.

3. Такрор ишлаб чиқарилган таркиб — юддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар нисбати (янги қурилиш, реконструкция ва модернизацияга юборилган капитал қўйилмалар салмоғи).

4. Ҳудудлар бўйича таркиб — алоҳида регионлар бўйича капитал қўйилмалар нисбати.

5. Тармоқлар бўйича таркиби — миллий иқтисодиётнинг ҳар хил тармоқлари ўртасидаги нисбат.

8.4. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари

I. Умумий мутлоқ самарадорлик кўрсаткичлари.

1. Миллий иқтисодиёт миқёсида, республика ва тармоқлар бўйича самарадорлик қўйидагича аниқланади:

$$\varepsilon_{\text{м}} = \frac{\Delta D}{K},$$

бу ерда: ΔD — миллий даромаднинг ўсиши;
 K — капитал қўйилмалар.

2. Алоҳида тармоқлар бўйича:

$$\varepsilon_{\text{о.р}} = \frac{\Delta \text{ЧП}}{K} \text{ ёки } \frac{\Delta \text{П}}{K},$$

бу ерда: $\Delta \text{ЧП}$ — соф маҳсулотнинг ўсиши;
 $\Delta \text{П}$ — фойданинг ўсиши;
 K — капитал қўйилмалар.

3. Мажмуий дастурлар, техник-иқтисодий муаммолар, алоҳида лойиҳаланаётган корхоналар, объектлар, тадбирлар бўйича:

$$\varepsilon_{\text{у.т}} = \frac{\text{Ц} - \text{С}}{K},$$

бу ерда: Ц — йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қиймати;
 С — маҳсулот таннархи.

4. Тармоқлар, корхоналар бўйича:

$$\varepsilon_{\text{р}} = \frac{\text{С}_1 - \text{С}_2}{K},$$

бу ерда: $\text{С}_1 - \text{С}_2$ — капитал қўйилмалар киритилмаган ва киритилгандан кейинги маҳсулот таннархи.

Капитал қўйилмаларнинг ўзини қоплаш муддатини аниқлаш кўрсаткичи самарадорлик коэффициентининг тескари катталиги, яъни капитал қўйилмалар ва самарадорлик ўсиши нисбати ҳисобланади.

II. Қийсий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.
Бу кўрсаткичлар ҳар бир вариантдаги минимумга келтирилган харажатлардир. Бу қўйидагича ҳисобланади:

$$\text{С}_i + \text{Е}_n \cdot \text{К}_i \rightarrow \min,$$

бу ерда: С_i — жорий харажатлар;
 К_i — i -варианти бўйича капитал қўйилмалар.

Агарда қиёсланаётган вариантларда капитал қўйилмалар ҳар хил вақтларда амалга оширилса, бундай шароитда вариантлар ва келтирилган коэффициентлар бўйича аниқланади:

$$B = \frac{1}{(1 - E_{ин})} \cdot t,$$

бу ерда: $E_{ин}$ — ҳар хил вақтдаги харажатларни келтириш нормаси;

t — маблағларни ишга туширишдан самара олгунгача бўлган вақт.

Масалан: Бир тармоқ бўйича капитал қўйилмалар самарадорлигининг норматив коэффициенти 0,20.

Вариант	Вариантлар бўйича смета қийматлари	Ишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таъминоти	Келтирилган харажатлар
I	6,2	5,5	6,74 (5,5—0,2·6,2)
II	6,8	5,0	6,33 (5—0,2·6,8)
III	7,4	4,5	5,94 (4,5—0,2·7,4)

Юқорида келтирилган ҳисоботлардан кўриняптики, иқтисодий вариант III вариантдир.

1. БСБ. МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ МАЖМУИ

9.1. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида моддий-техника таъминоти

Ишлаб чиқариш ривожланиб борган сари уни тўхтовсиз ва керакли ашёлар билан таъминлаб туриш катта аҳамият касб этади. Бу вақтда таъминотнинг ўзини худди шу ишлаб чиқаришнинг ўзи барпо этади. Ишлаб чиқариш билан унинг таъминоти узвий бўлади ва уларнинг ривожланиши маълум қонуниятга мос ҳолда кечади. Ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши таъминот ишлари кўламининг ортишига олиб келади. Бундай ҳол айниқса бозор муносабатлари ҳукм сурган шароитда яққол сезилади. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқ лозимки, кўпгина илмий ахборотларда бозор муносабатлари амал қилганда таъминотнинг зарурий хизмат сифатида йўқолиб бориши ҳақида фикрлар билдирилади. Фикримизча, бундай тушунча тор доирадаги тушунчадир. Агар давлат томонидан ташкил қилинган ўта

марказлашган таъминот тизмининг барбод бўлиши назарда тутилса, у ҳолда бу фикрга қўшилмиш мумкин. Бироқ, умуман таъминотнинг туб маъноси билан бозор иқтисодиёти шароитида қўлланилмаслиги мутлақо мумкин эмас. Аксинча, бозор иқтисодиёти таъминотни ниҳоятда юқори даражада ташкил қилишни тақозо этади. Демак, таъминотни ташкил қилиш асослари мутлақо янги сифатда бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам ўта марказлашган тизим ўрнида мустақил ҳамда муайян шароитга мос таъминот ташкилотлари иш юритадилар. Бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият юргизувчи таъминот бўлимларининг аҳамияти янада ортади.

Корхона фаолиятини ташкил қилишда икки асосий омилни назарда тутмоқ керак. Энг аввало шу корхонада таъминот ишларини ташкил қилиш жараёнининг бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлишига эришмоқ лозим. Акс ҳолда самарадорлик натижаси йўқолади. Бундай ҳол айниқса деҳқончилик корхоналари фаолиятида кўп учрайди. Чунончи, трактор, кимёвий ўғитлар ва бошқа кўплаб ишлаб чиқариш воситалари ҳисобига пахта, дон ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Демак, истеъмол қилинган барча саноят маҳсулотлари ўрнига маълум деҳқончилик маҳсулоти етиштирилади. Бундай ҳол ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш ва тайёр маҳсулот орасида узилишга олиб келади, яъни тайёр маҳсулотни мутлақо бошқа ташкилот сотиш билан шуғулланади. Бу ҳам манфаатдорлик билан тартибга солинади. Демак, энг катта муаммолардан бири жавобгарлик билан манфаатдорликнинг бир кўрinishида бўлишини таъминлаш зарурлигидир, яъни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашни якуний хўжалик натижаси билан боғлашдир. Корхона қошидаги таъминот бўлими бундай боғлиқликнинг ажралмас бир занжири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таъминот билан шуғулланувчи воситачи корхона хусусида бундай боғлиқликни бозор иқтисодиёти шароитида рўёбга чиқариш масаласи катта аҳамиятга моликдир.

Воситачи корхоналар, қандай мулкчиликка мансублигидан қатъи назар, ўз фаолиятларидан манфаатдор бўлиши керак. Илгарги қабул қилинган ташкилий шакллар бундай манфаатдорликни инкор қиларди. Шунинг учун ҳам таъминотда йўл қўйилган хатолар якуний натижа — унинг бир томонлама ва ҳукмрон ташкилот

бўлиб қолишига олиб келади. Бундай ҳолининг албатта бозор иқтисодийёти шароитида кечини мумкин эмас.

Фикримизча, якуний натижа билан воситачи таъминот корхоналарининг фаолият кўрсаткичлари ҳам бир асосда бўлиши шарт. Моддий манфаатдорлик эса худди ана шу якуний натижага қараб белгиланмоғи лозим. Бундай серқирра ва муҳим муаммони фақат янгича усул ва қондалар ёрдамида ҳал қилиш мумкин.

Бу ўринда ривожланган мамлакатларда бозор муносабатларини барқарорлаштириш бўйича ишлаб чиқилган маркетинг бошқариш тизимини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу тизим ўзининг туб маъноси билан товар-пул муносабатлари ва қиймат қонуни юқори даражада ривожланган иқтисодий шароитда амал қилади. Шунинг билан бирга бу тизимнинг қўлланилиши маълум тайёргарлик ва иқтисодий ҳолатнинг мавжуд бўлишини тақозо этади.

Моддий-техника таъминоти шу давргача ташкилий жиҳатдан бир қанча босқичларни босиб ўтди. Иқтисодийётнинг ривожланиш босқичларини шартли равишда мамлакатда таъминот ишларининг дастлабки давридан то янги тизим барпо қилингунга қадар бўлган босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Бу даврлар иқтисодий ривожланишда моддий-техника таъминоти ишларини ташкил қилишда кескин бурилишлар юз берганлиги билан бир-биридан ажралиб туради. Ваҳоланки, бу даврлар таъминот ташкилотлари фаолиятида ўз мавқеиларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлиб, маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг ижро этувчи бўлимига айланиб бориши билан белгиланади.

Таъминот ишларини ташкил қилишнинг ҳозирги давр босқичи бирмунча туб ўзгаришлар билан эътиборлидир. Охириги даврларда амалга оширилган йириклаштириш ва ихтисослаштириш жараёнлари, бошқаришдаги ўзгаришлар ўз маънолари билан яна бир бор эски хўжалик юритиш механизми асосида туб ўзгаришларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйди. Ваҳоланки, бу ўзгаришлар фақат юзаки натижа беради. Иқтисодий туб бурилиш эса мутлақо янгича иқтисодий муносабат яратилганидагина юз беради. Шунинг учун ҳам охириги вақтдаги ўзгаришлар ҳеч қандай натижа бермаслиги мутлақо аён эди.

Шундай қилиб, ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири иқтисодий танглик ҳисобланиб, уни ен-

гиб ва янгича муносабатларнинг барқарор бўлишини таъминлаб бориш учун маълум вақт ўтиши керак. Утиш даврининг нисбатан тез кечишини эса ҳозирги иқтисодий ҳолат даражаси белгилаб беради. Ишлаб чиқарувчи кучларни тезкорлик билан янги шароитга мослаш ва ҳўжалик механизмини яратиш жараёни муддатлари ўтиш даврининг вақти ҳисобланади. Шу ўринда янгича шароитда таъминот ишларини ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган услуб таъминотнинг шу даврга хос моҳиятини тўла ёритиш билан бирга унинг ташкилий асосларини белгилаб беради.

9.2. Ишлаб чиқариш воситалари маркетингини қўллашнинг ташкилий асослари

Маркетинг ўзининг келиб чиқиш ва амал қилиш вазифалари бўйича бозор иқтисодиётининг энг самарали бошқариш тизимидир. Бу тизимнинг барпо этилиши иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш механизми ҳисобланади.

Маркетинг бошқариш тизимини нафақат ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш мумкин, балки у воситачилик хизматлари кўрсатишда ҳам самарали ташкил қилинади. Ҳар қандай ҳолда ҳам маркетингнинг асосий мақсади ва якуний натижа кўрсаткичи ўзгармайди.

Маркетинг фаолиятини ташкил қилишда унинг асосий йўналишлари ва фаолият доирасини мукамал ўрганиш тақозо этилади. Чунки маркетинг муайян шароитда шу иқтисодий муҳитга мос омилларга боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш мутахассисларининг фикрича, маркетинг бошқариш тизимининг қўлланилиши маълум бир ишлаб чиқариш доирасида аниқ, бирон-бир товар гуруҳи негизида бўлиши керак. Шу асосда унинг қамраб олиш доираси ҳам белгилаб берилади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётимизда маркетинг тушунчасига ва унинг моҳиятига умуман эътибор берилмаган. Маркетинг фаолиятини режалаштириш аниқ ва муайян шарт-шароитларни тўла ҳисобга олишни назарда тутади. Маркетинг бирон-бир фирма ёки концерннинг иш юритиш тизими бўлиб, ўз бошқариш фаолиятига мос янги хил маҳсулот яратиш, уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини илмий ташкил қилиш ва унинг моддий-техника базасини ўсиб бораётган талаб асосида ривожлантириш ва мустаҳкамлаш,

ижтимоий масалаларни оқилона ҳал қилиш, тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга сотишни ташкил қилиш ва уни рағбатлантириш, товар турларини режалаштириш каби жараёнларни ўз ичига олади. Шунинг билан бирга бу жараёнларни тўғри ва охирги натижага мос ҳолда олиб бориш учун махсус хизмат ходимлари мазкур маҳсулотга бозор талабининг ҳозирги ва келажакдаги миқдорларини, баҳолар сиёсатини ҳамда жамиятнинг ривожланиш йўналишларини чуқур ўрганиб борадилар.

Маркетинг бошқариш тизими мустақил фаолият юргизувчи ҳар бир ишлаб чиқаришнинг юқори фойда олиш мақсадида қўллайдиган рақобат кураши механизmidир. Истеъмолчилар билан тузилган ҳар бир хўжалик алоқаси нафақат маълум ташкилий ишларни бажариш билан чегараланади, балки энг асосий иқтисодий муносабатларни ҳам белгилайди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш жараёнида зарурий воситаларга бўлган талабларни қондиришда бозор иқтисодиёти шароитида илғор мамлакатларда қўлланиб келинаётган самарали ташкилий шаклларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда ташкил қилинаётган фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик ширкатлари, якка ҳолда фаолият юргизувчи шахслар ва бошқа мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши бозор иқтисодиёти томон қўйилган илк қадам бўлди. Уларнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабларини қондириш масалалари эса ҳозирги ўтиш даврида ва ривожланган бозор муносабатлари шароитида катта муаммолардан бири бўлиб қолади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу муаммоларни ҳал қилиш борасида қатор масалаларни ечиш зарурияти туради. Жумладан, ўтиш даврига тааллуқли мулкчиликни тўғри ташкил қилиш, бозор иқтисодиётининг хўжалик механизмини яратиш, давлат тасарруфидаги корхоналар таъминотини ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш, баҳо сиёсатини йўлга қўйиш кабилар шу долзарб масалалар қаторига киради.

Маркетинг бошқариш тизимини қўллаш Ўзбекистон Республикаси учун жуда қулай бўлиб, унинг ривожланишида муҳим шарт-шароитлар мавжуд. Булардан фойдаланиш ва оқилона иш юритиш эса энг аввало бошқаришнинг бозор иқтисодиётига мос ҳолда ташкил қилинишини тақозо этади.

Маркетингни қўллаш ундан келиб чиқадиган янги

маҳсулот яратиш тизимини бунёд этишга олиб келади. Талабларни олдиндан ўрганиш ва истеъмолчилар билан жуда яқин иқтисодий алоқалар ўрнатиш маҳсулот турларининг кўпайишига олиб келади. Бундай натижага эришни албатта бозорни илмий ўрганиш, бошқа ишлаб чиқаришлар фаолияти билан яқиндан танишиш эвазига бўлади. Урганиш эса ишлаб чиқариш учун тааллуқли бўлган барча омилларни тўғри татбиқ қилиш билан боғлиқ.

Келажак талабларини ўрганиш бевосита жорий иқтисодий алоқалар негизида бўлади. Талабларнинг ҳақиқийлиги ва ҳажми ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ва келажакдаги имкониятларининг яратилишини белгилаб беради. Чунончи, қишлоқ хўжалиги учун техника воситаларини ишлаб чиқариш нафақат уларнинг турлари бўйича мослашмоғи, балки қуввати ҳамда иқтисодий кўрсаткичлари билан ҳам бозор талабини қондирмоғи лозим. Демак, талабларни ўрганишни тўғри йўлга қўйиш якуний натижани белгилаш демакдир.

Талабларни ўрганиш сотилиши мумкин бўлган тайёр маҳсулот ҳажмига қараб амалга оширилиши керак, яъни бозорга керак бўладиган маҳсулот ҳажмини аниқлаш лозим. Унинг иқтисодий ва ташкилий белгилари аниқлаб олингандан кейингина шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарурий барча воситаларни сотиб олиш режаси тузилади. Демак, бозор талабини тўғри ўрганиш ишлаб чиқарувчи фаолиятининг иқтисодий жиҳатдан барқарор кечишига олиб келади.

Маркетинг бозор иқтисодиётининг мақсули сифатида шу бозор учун курашда қўлланиладиган махсус восита ҳамдир. Унинг бозор учун курашда намоён бўладиган услублари режалаштириш негизида тузиладиган маркетинг дастурида ўз аксини топади. Шунинг билан бирга ишлаб чиқарувчи фирма ёки концернларнинг бошқариш аппаратларида қабул қилинган иқтисодий муносабатлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзини ўзи молиявий маблағлар билан таъминлаш принципида тузилган тўла хўжалик ҳисобидаги ҳамда мустақил иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган жойлардаги таъмирловчи, воситачи ва техник қаров ўтказувчи ташкилотлар ягона дастурни бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланади. Бажарилган иш учун устама тўловлари шу фаолиятни тўла таъминламоғи ҳамда маълум миқдорда фойда жамғармасига ҳам эга бўлиш им-

кониятини яратмоғи керак. Муайян шаронтга қараб ҳамда иқтисодий шаронтни ва заруратни ҳисобга олган ҳолда устама тўловлари ёки бажарилган иш учун олинган ҳақлар ҳар бир алоҳида олинган ҳудудда ўзига хос бўлиши мумкин. Товарнинг нархи ўзгармаган ҳолда бундай ўзгаришлар юз беради. Бу жараёни бошқариш эса хўжаликлар билан тузиладиган шартнома-ларда ўз аксини топади. Шундай қилиб, маркетинг бошқариш тизимини жорий қилишда жойлардаги филиаллар ёки бошқа барча ташкилотлар фаолияти ҳам ҳисобга олинмоғи ва улар шу дастурнинг ажралмас қисми бўлиб қолиши шарт.

Маркетинг дастурида энг асосий бўлим сифатида эҳтиёт товарлар ҳажми намоён бўлади. Уларнинг кўлами ишлаб чиқаришнинг бетўхтов ва узлуксиз бўлишини таъминлаши зарур. Шунинг билан бирга эҳтиёт товарлар ҳажми энг кам миқдорда бўлиши ишлаб чиқаришгагина эмас, балки барча жабҳаларга самарали таъсир кўрсатади. Бунинг учун эса бозор иқтисодиёти шаронтида ҳам амал қиладиган эҳтиёт товарлар ҳажмини ва уларнинг маркетинг дастуридаги ўрнини белгилаш керак.

Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари бу эҳтиёт товарлар ҳажми ва гуруҳлари ичида ўзгаришлар ҳам бўлади. Бунга асосий сабаб маъмурий-буйруқ-бозлик тизими даврида ўйлаб топилган барча сунъий кўрсаткичлардир. Улар туркумига эҳтиёт товарлар ҳажмининг товар айланишига боғлиқлиги, ўртача миқдор кўрсаткичлари, ҳажмларининг пул ҳисобида ўлчаниши, қайта ҳисобга олишлар, икки турдаги эҳтиёт товарлар ҳажмининг бир-биридан ажратилганлиги, сотиш бўйича товарлар эҳтиёт миқдорини белгилаш ва бошқалар кирради. Маркетинг дастури эса мана шу ноқобилликларни бартараф этишни, ортиқча кўрсаткичларнинг умуман қўлланилмаслигини ҳамда ягона эҳтиёт товарлар ҳажмини белгилашни мақсад қилиб қўяди. Ишлаб чиқариш ва унинг воситачи корхоналари фаолиятида мавжуд бўлган эҳтиёт товарлар ҳажми ягона кўринишда бўлади.

Маркетингни жорий қилишда нафақат ишлаб чиқариш жараёни асосий бўлиб қолади, балки тайёр товарларни сотиш ва шунинг билан боғлиқ барча жараёнлар ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Агар маркетинг тизимининг олий мақсади ишлаб чиқарилиши керак бўлган

товарнинг бозорда сотилишига ишонч туғдирса, у ҳолда сотиш ва унинг билан боғлиқ бўлган жараёнлар шу мақсаднинг янада мукамал бўлишини таъминлайди.

Маркетинг тизимини яратишда фирма ёки концернларнинг техник қаровлар, таъмир ишларини бажариш имкониятлари ҳисобга олиниши шарт. Бундан ташқари истеъмолчилар учун қўшимча ишлаб чиқариш ва муомала хизматлари кўрсатиш, чет эл билан алоқани ўрнатиш ва ахборот хизматларини ташкил қилиш каби хизматлар шу режанинг ажралмас қисми бўлиб қолиши керак. Алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатлараро иқтисодий алоқалар, жумладан ҳудудимизда ишлаб чиқарилмайдиган техника воситаларини сотиб олишни ташкил қилишнинг концерннинг жойлардаги махсус бўлимлари томонидан амалга оширилиши ҳам маркетинг тизимининг ажралмас қисми бўлиши керак. Бундай алоқаларни ташкил қилиш ва ривожлантириш масалалари эса воситачи корхоналарнинг фаолиятида қўлланиладиган маркетинг вазифаларини белгилашдан бошланади. Тайёр товарларни сотиш ва шунинг билан боғлиқ хизматларни ташкил қилишнинг маркетинг дастурини тузишда четдан келтириладиган барча товарларни киритиш мумкин.

Воситачи корхоналарнинг маркетинг фаолиятини ташкил қилишда хўжалик алоқалари билан биргалликда шу товарларни ташиб келтириш масалалари ҳам иқтисодий аҳамият касб этади. Бу ҳолат иқтисодий муносабатлар мазмунидан келиб чиқади. Шундай экан, хўжалик алоқаларини режалаштириш масалаларининг оқилона тартибда ҳал қилиниши товарлар ташиб келтиришнинг самарадорлигини белгилаб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ҳам ўз мазмунини йўқотмайди. Чунки товарларнинг белгиланган ҳажмда, сифатда ва бошқа кўрсаткичлари билан талабни қондириши энг қисқа масофа ва қулай транспорт воситасидан фойдаланишни назарда тутаяди. Демак, воситачи корхона фаолиятида маркетинг бошқариш тизимини жорий этиш истеъмолчилар учун манзур бўлган товарларни энг яқин ишлаб чиқарувчилардан ташиб келтиришни ва уларнинг кам харажатларда бўлишини назарда тутаяди.

Маркетинг фаолиятини жорий этиш барча хизматларнинг моддий-техник базасини барпо этиш ва мустаҳкамлашни назарда тутаяди. Бу масалага оид ахборот-

лар ҳамда улардан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, ҳозирги аҳволи ва келажаги, оқилона жойлаштириш ва капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги алоҳида мавзу бўлгани учун чуқур изланишни талаб қилади. Олдиндан шуни таъкидлаш зарурки, бозор иқтисодиёти шароитида тузилган ҳар бир дастур негизида уни бажариш билан узвий боғланган моддий-техник база мавжуд бўлиши шарт. Йўл қўйилган католикларнинг барчаси тузилган дастур билан унинг бажарилишини таъминловчи моддий-техник базанинг мос эмаслигидан келиб чиққан. Бундай ҳол нафақат бозор муносабатлари шароитида, балки умуман хўжалик юритишда ҳам жуда катта харажатларни келтириб чиқаради.

Ишлаб чиқариш ва воситачи корхоналар фаолиятида маркетингни қўллаш умумий бозор муносабатларининг ривожланиш йўналишига боғлиқ. Баҳо ёки нарх-наволар ҳамда товарлар ва бажарилган иш учун тўловлар шакллари маркетингнинг иқтисодий ҳолатини белгилаб беради.

9.3. Маҳсулотлар ва хом ашё биржаларини шакллантириш

Хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ҳамма нарса — хом ашё, материаллар, моллар давлат режа ва таъминот идоралари томонидан марказлашган ҳолда тақсимланар ва тарқатилар эди. Яқин ўтмишимиз қандай аянчли ва кулгили ҳолларга тушганлигимиздан далодат беради. Жумладан, ён қўшнимиз бўлган Қозоғистон омборлари донга тўлиб-тошиб ётган бир пайтда биз уни Украина ёки Белоруссиядан ташиб келтирардик. Бекобод метали эса Узоқ Шарққа жўнатилар, Тошкент машинасозлари эса пўлатни Уралдан оларди ва ҳоказо. Ишлаб чиқаришда ҳамма нарсани олдиндан режалаб бўлмасди.

Бозор иқтисодиёти шароитида бунга зарурат бўлмайди. Ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида биржалар воситачилик қилади. Бир сўз билан айтганда биржа — улгуржи бозор. Унинг бир неча турлари мавжуд. Уларга товар биржаси, меҳнат биржаси, фонд (сармоя) биржалари киради.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган шароитда энг аввало товар биржаси пайдо бўлади. Биржада хом ашё эгалари ва ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ёки

харидорлар ўртасидаги вазифани брокерлар бажарадилар. Улар харидорлар (корхона, ташкилот, муассаса ёки алоҳида фуқаро) дан у ёки бу хом ашё, мол, материал харид қилиш учун буюртма оладилар. Буюртмачи воситачи — брокерга ўша мол ёки хом ашёни қайси нархда, қанча миқдорда олиш, унинг учун қандай ҳисоб-китоб қилиш ҳақида кўрсатма бериш ҳуқуқига эга. Бунинг учун буюртмачи брокер идораси билан шартнома тузиши керак. Брокер буюртмачи топшириғи бажарилганлиги учун савдо-сотиқ битими умумий қийматидан маълум фоизини олади. Масалан, Россия товар биржасида бу миқдор 2—6 5 фоизни ташкил этади. Албатта, бунда брокерга берилган буюртманинг мураккаблик даражаси ҳисобга олинади.

Биржада мавжуд моллар ва хом ашёдан ташқари муайян муддатдан сўнг буюртмачига етказиб бериладиган маҳсулотлар юзасидан ҳам олди-сотди бўлади. Бундай савдо-сотиқ фьючерс битими деб аталади. Масалан, фьючерс битими етиштирилаётган пахта ва дон ҳосили, ишлаб чиқариши ўзлаштирилаётган моллар юзасидан ҳам бўлиши мумкин.

Хом ашё бўйича жаҳон биржалари ҳам мавжуд. Жумладан, пахта бўйича жаҳон биржалари Нью-Йорк, Чикаго (АҚШ), Ливерпуль (Буюк Британия), Бремен (ГФР) да, дон бўйича — Чикаго (АҚШ), Виннипег (Канада), Лондон, Ливерпуль, Милан (Италия), қанд бўйича — Нью-Йорк (АҚШ), Лондон, Гамбург шаҳарларида жойлашган.

Кейинги пайтларда республикамизда ҳам товар биржалари тез кўпаймоқда. Лекин уларнинг сони кўпайгани билан иш самарадорлиги ҳамиша ҳам талаб даражасида эмас. Масалан, АҚШ да 11 та товар биржаси мавжуд, холос. Лекин улар мамлакат иқтисодиётида катта ўрин эгаллайди. Гап шундаки, бизда ташкил этилаётган товар биржалари моҳияти жиҳатидан савдо-воситачилик идорасидир. Жаҳон тажрибасидаги товар биржалари оммавий эҳтиёждаги хом ашё ва стандарт моллар билан савдо-сотиқ қилишса, бизнинг биржалардаги молларнинг турланиши умуман чегара билмайди.

Бундан ташқари биздаги товар биржаларида сотиладиган молларнинг нархларини белгилашда жаҳон тажрибасидан четга чиқиш, яъни бошқа шакл мавжуд. Масалан, жаҳон биржаларида тақдим этилаётган молни

кимнинг чўнтаги кўтарса ўша олади. Бизда эса мазкур биржанинг таъсисчилари ва аъзолари, яъни брокерлик ўрнига эга бўлганлар камёб молларни биринчи навбатда таъсисчига, кейин биржа аъзосига, ундан кейин эса бошқа харидорларга сотадилар.

Қисқа қилиб айтганда, биздаги товар биржалари кенг қўламдаги товар камёблигини янада кучайтирувчи омилдир. Чунки барча турдаги товарларни сотиб олувчи ва харид қилувчилар истайдими, истамайдими, биржага мурожаат қилишга мажбурдирлар. Биржадаги товарни сотиб олишдаги имтиёзлар эса илгариги маъмурий-тўрачилик тизимининг унсурларини ўзида мужассам этганлиги учун мавжуд молга якка ўзи даъвогарлик қилиш мумкинлигини, нарх-навони сунъий бошқаришни келтириб чиқаради.

Х БОБ. ИЖТИМОИЯ-МАДАНИЙ МАЖМУА

10.1. Ижтимоий сиёсат тушунчаси, унинг хусусиятлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги аҳамияти

Давлат функцияларининг энг асосийларидан бири унинг ижтимоий сиёсати функциясидир. Давлатнинг ижтимоий сиёсати дейилганда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифаларини бажариш мақсадида унинг юқори ва барқарор турмуш даражасини таъминлаш учун давлат томонидан кўриладиган тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Амалиёт шунини кўрсатиб турибдики, ижтимоий сиёсат ҳар хил даврларда ўзига хос хусусиятга эга бўлган ва шу сиёсатнинг натижалари ҳам турли бўлган.

Ижтимоий сиёсат ҳар хил хусусиятга эга бўлишига қарамасдан унинг муҳим белгилловчи йўналишларини ажратиш мумкин. Булар қуйидагилар билан боғлиқ:

1. Моддий ва маънавий бойликни тақсимлаш. Бу шу мақсадда олиб борилиши керакки, улар жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаши керак.

2. Демографик сиёсат. Бу шундай олиб борилиши керакки, бунинг натижасида меҳнат ресурсларидан оқилон фойдаланиш мумкин бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш доирасида меҳнат унумдорлигини ошириш учун аҳоли структурасини аниқлаш, соғлиқни сақлаш хизматини яхшилаш зарурдир.

Давлат ижтимоий сиёсатининг асосий вазифаси бў-

либ, ҳар хил манбалар орқали аҳоли турмуш даражасини ташкил этиш ҳисобланади. Булар қуйидагилардир:

— меҳнатга тўловлар орқали;
— ижтимоий истеъмол фондларидан фойдаланиш орқали;

— шахсий мулкчилик орқали;
— корхона даромадлари орқали.

Бу манбалардан фойдаланиш сабаби шундаки, аҳоли даромадларининг бир қисмига меҳнат сифати билан боғлиқ бўлмаган омилларнинг таъсири бор.

Аҳолининг даромадларини режалаштиришда қуйидаги иккита асосий кўрсаткичдан фойдаланилади:

1. Реал даромадлар;
2. Номинал даромадлар.

10.2. Халқ истеъмоли назарияси, унинг асосий қоидалари

Халқ истеъмоли назарияси, унинг қоидалари иқтисодий назарияда ва алоҳида тармоқлар иқтисодиётида катта аҳамиятга эга. Айниқса у ижтимоий режалаштиришда қўлланиладиган назариялардан биридир. Шу асосда истеъмолнинг ҳажми ва таркиби аниқланади.

Халқ истеъмоли назариясининг асосий қоидалари қуйидагилардир:

1. Истеъмолни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни якуний босқичининг таърифи. Истеъмол билан ишлаб чиқаришнинг такрор ишлаб чиқариш жараёни чегарасидаги ўзаро таъсири.

2. Истеъмол қилиш кўрсаткичлари тизимининг умумий таърифи, уларни режалаштириш услубиети.

3. Моддий ва маънавий неъматларни ва хизматларни истеъмол қилишни режалаштириш услубиети.

4. Товарларга ва хизматларга бўлган талаб ва таклифни бозор механизми орқали тартибга солиш асослари. Бу истеъмол қилишнинг якуний қойдасидир.

Маълумки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилиш якуний босқичдир. Шунинг учун истеъмол қилишни режалаштириш назариясида ва амалиётида ижтимоий ишлаб чиқаришдаги истеъмол қилиш босқичини, унинг моҳиятини белгилаш ҳамда истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш босқичларининг ўзаро боғлиқлик характерини ўрганиш муҳимдир. Бундан ташқари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш босқичлари-

нинг ўзаро боғлиқлик жараёнига тақсимлаш ва айир-бошлаш босқичларининг таъсирини ҳам эътиборга олиш керак. Собиқ Иттифоқ амалиёти ижтимоий режалаштиришда пайдо бўлган салбий натижаларни кўрсатди. Улар ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги мувозанатнинг бузилганлиги туфайли пайдо бўлган. Шунинг натижасида товар ресурсларини ишлаб чиқариш ҳажми билан уларни истеъмол қилиш таркиби ва пул массаси ҳажми ўртасида тенглик бузилди.

Истеъмол назариясининг асосий вазифаси аҳолининг моддий бойликларга ва хизматларга бўлган талабини қондиришдир ва бунга эришиш учун тартибга солишнинг замонавий усулларидан фойдаланилади. Иқтисодий адабиётда истеъмол қилиш турлари, уларни қониқтириш усуллари бўйича бўлинади. Шунинг учун истеъмол қилиш назарияси истеъмол қилиш қуйидаги турларининг таърифини ўз ичига олади:

1. Алоҳида шахс истеъмоли;
2. Жамоа истеъмоли.

Истеъмолнинг бу йirik гуруҳларга бўлиниши халқ истеъмоли амалиётида катта аҳамиятга эга. Чунки шунинг асосида истеъмол бўйича режа ҳисоботлари олиб борилади.

Истеъмолнинг биринчи гуруҳига, масалан, алоҳида шахснинг кийим-кечак, пойабзал, озиқ-овқатга бўлган истеъмоли киряди.

Жамоа истеъмоли дейилганда инсонларнинг неъматларга бўлган биргаликдаги истеъмоли тушунилади. Масалан, кўп кватирали турар жойларда яшайдиган бир нечта оиланинг иссиқлик, газ, лифт ва бошқа коммунал хизматлардан биргаликдаги истеъмоли.

Истеъмол қилиш назариясида истеъмол қилиш кўрсаткичлари тизими ҳам ишлатилади. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Моддий неъматларни истеъмол қилишни белгилловчи кўрсаткичлар. Булар истеъмол буюмлари шаклида ифодаланади.

2. Истеъмол қилинадиган хизматларни белгилловчи кўрсаткичлар. Бу кўрсаткичлар ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга бўлинади: а) неъматларнинг алоҳида гуруҳлар бўйича натура кўрсаткичлари. Масалан, бир йилда бир одамнинг озиқ-овқатга, кийим-кечакларга бўлган истеъмоли; б) умумий (синтетик) қиймат кўрсаткичлари. Улар миллий даромаддан фойдаланиш асосида иш-

лаб чиқилади; в) миллий даромаддаги истеъмол қилиш фонди; г) истеъмол қилиш фондидан аҳолининг истеъмолига сарф қилинадиган қисми.

Истеъмол қилиш назариясида истеъмол қилиш ҳажми, таркиби, моддий неъматларни ва хизматларни истеъмол қилиш кўрсаткичлари билан биргаликда бир жон бошига истеъмол қилиш меъёрлари ҳам ишлатилади.

Ижтимоий режалаштиришда ва дастурлашда ҳар бир соҳанинг ривожланишини белгиловчи асосий ва қўшимча кўрсаткичлар қўлланилади. Қўшимча кўрсаткичлар асосий кўрсаткичларни тўлдириб боради. Масалан, коммунал хўжаликда асосий кўрсаткичлар бўлиб, турар жой фонди ҳисобланади. Унга қўшимча равишда қўлланиладиган кўрсаткичлар шу фондни сифат томондан белгилайди. Булар турар жойни газлаштириш, сув билан таъминлаш, иссиқлик билан таъминлаш ва ҳоказо кўрсаткичлардир. Соғлиқни сақлаш соҳасида асосий кўрсаткич бўлиб, касалхоналардаги ўринлар сони кўрсаткичи ҳисобланади. Қўшимча кўрсаткичлар дори-дармонлар билан таъминланиш даражаси, врачлар сони, ҳамширалар сони ва ҳоказолардир. Бу кўрсаткичларнинг барчаси даволаниш қийматини ҳисоблаганда ишлатилади. Демак, ижтимоий прогнозлаштиришда биринчи навбатда асосий кўрсаткичлар бўйича ривожланиш мақсади ишлаб чиқилади ва ундан сўнг шу мақсадни ресурслар билан таъминлаш аниқланади.

Ресурслар билан таъминланиш даражаси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Бунда давлат ва маҳаллий бюджетга қараб ресурслар ажралади.

10.3. Талаб ва таклиф тушунчаси. Талаб ва таклифни тартибга солиш бозор механизми


Бозор механизмнинг асосий категориялари бўлиб талаб ва таклиф ҳисобланади. Талаб — бу моддий неъматларни ва хизматларни истеъмол қилишнинг аниқ шакли. Талаб умумий эҳтиёжлардан иборат. Умумий эҳтиёжлар ўз навбатида шахсий эҳтиёжларнинг йиғиндисидан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан ташкил топади.

Талаб истеъмол қилишнинг бутун ҳажмига тенг эмас. Чунки у моддий неъматларни ва хизматларни соғлиқ олиш қобилиятини ифодалайди.

Таклиф ишлаб чиқаришнинг натижасидир. У сотиш учун мўлжалланган товарлар ва хизматлар йиғиндиси ҳисобланади. Таклифнинг асосий таркибий қисми жорий ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар заҳираларидир.

Талаб ва таклиф ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва тўғри ўрнатиш истеъмол қилиш назариясининг асосий қондасидир. Бундан ташқари, жаҳон амалиётида талаб билан таклифнинг асосий категорияси бўлиб баҳо ҳисобланади. Шунинг учун амалиётда талаб — баҳо — таклиф тизими вужудга келган. Шу тизимдаги категориялар бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ ва ўзаро таъсир қилади. Буни қуйидаги тархда кўриш мумкин:

Бозор механизми элементларининг ўзаро таъсири



Бу тархда бозор иқтисодиётининг учта асосий категорияси ўртасидаги боғлиқлик ифодаланган. Масалан, баҳонинг ўсиши ёки пасайиши натижасида талаб ва таклиф ўзгаради ва улар ўз навбатида баҳонинг ўзгаришига ҳам таъсирини кўрсатади.

Талаб, баҳо ва таклиф ўртасидаги алоқаларни аниқлаш ва ҳисоб-китобларга тўғри киритиш учун иқтисодий амалиётда талаб ва таклиф графиклари ишлатилади. Бу графикларда бозордаги ҳар хил ишлаб чиқариш ҳолатлари, талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатлар ифодаланади.

10.4. Ижтимоий тармоқларни ривожлантиришнинг моҳияти

Ривожланган хизмат кўрсатиш соҳасининг йўқлиги шундай ҳолатларга олиб келадики, бунда жамият, биринчидан, моддий неъматларнинг олиниши мумкин бўлган ҳажмини ололмайд; иккинчидан миллий даромаднинг катта қисмини йўқотади. Бунда ўртача мувозанатли ҳолат йўқ.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг кўпайтирувчи сифатидаги тутган ўрни кейинги йилларда етарли баҳоланмади, аниқроқ айтсак, умуман кўриб чиқилмади. Хизматлар ривождаги камчиликлар ишлаб чиқарилган маҳсулот ва ҳаётимизнинг юқори бўлмаган сифати орқали баҳоланар эди.

Республика иқтисодий мустақилликка эришувини таъминлаш учун хизмат кўрсатувчи соҳага иқтисодий организмдаги асабнинг маркази сифатида қараш керак. Бунда шунини ҳисобга олиш керакки, хизмат кўрсатувчи соҳа фақатгина меҳнатнинг характеридан келиб чиққан ҳолдагина эмас, балки уни баҳолашда ҳам ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Гап шундаки, алоҳида олинган инсон ва хўжалик субъекти учун бир хил турдаги кўрсатилган хизматларнинг қадри ҳар хил намён бўлади. Бир кишига, қулай бўлгани бошқаси учун зиён бўлиши мумкин. Бу нарса ҳар бир кишига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқаришдаги ва умумий ижтимоий характердаги омиллар бўлиши мумкин.

Кўрсатилган хизматларни баҳолаш ва тақдирлашнинг тарқоқлиги (хилма-хиллиги) хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимлар фаолиятини ва унинг сўнги натижаларини бир хил кўрсаткичга олиб келиш, стандартлаштиришни қийинлаштиради.

Хизматларга бўлган мавжуд бўлган талабларни баҳолаганда, **Ўзбекистонда** унинг маълум даражада чегараланганлигини таъкидлаш зарур. Бу аҳоли жон бошига тўғри келувчи жаъми миллий маҳсулот ҳажмининг ҳозирча юқори эмаслиги билан боғлиқ. Агар ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 12—20 минг долларни ташкил этса, бизнинг республикада 90-йилларнинг бошига келиб, у 1,5 минг сўмни ташкил этди¹. Бундай кичик имкониятларга эга бўлган талаб, албатта, биринчи даражада керак бўлган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларига қаратилган бўлиши тушунарли ҳолдир.

Шунинг учун ҳажми жиҳатдан катта бўлмаган жаъми миллий маҳсулот мавжуд бўлган шароитда хизматларнинг қандай турларига талаб бўлишини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Агар хизматларга бўлган талабни ўстириш имкониятларини аниқ белгилашга эришилса ва шундай равишда маблағлар жамланса, хизматлар гармонини ривожлантириш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўсиш даражасини тезлаштирувчи омил бўлиши мумкин. Бундай ҳолат

¹ *Элшод Набиев*. Хизмат кўрсатиш соҳаси. Иқтисоднёт ва ҳисобот. 1995 йил 3-сон.

да хизматларга бўлган талабни биргалликда ўстирувчи, узаро бойлутувчи жараёни амалга ошириш, сўралаётган хизматларни тақдим этиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг кейинчалик ўсиши, шу жумладан, хизматларнинг ҳам ўсиши мумкин бўлади.

Бундан ташқари бошқа ижобий ҳолатлар ҳам бўлади. Масалан, хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолининг иш билан бандлигининг ошуви, аҳоли даромадлари ҳажмининг ошуви, умумий фаровонликнинг ўсиши ва ҳоказо.

Ушбу масалани ечаётганда шуни эътиборга олиш керакки, хизмат кўрсатиш соҳасининг шаклланиши, юқорида айтилганидек, фақатгина чегараланган талабнинг таъсири остида намоён бўлмайди. Бунда устун самарадорликка эришиш керак, яъни шу хизматларга эҳтиёжни шакллантириш зарур. Шунинг учун хизматларнинг ўзи истеъмолчи учун тўғридан тўғри қулайликлар туғдириши керак. Фақат шундай қилингандагина талабнинг тузилиши ўзгариши мумкин. Бунда давлатнинг таъсири ҳам эътиборга лойиқ.

XI БОВ. УЙ-ЖОЙ, КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК ВА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

11.1 Уй-жой, коммунал хўжалик таркиби ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ривожланиш муаммолари

Уй-жой ва коммунал хўжалик ижтимоий-маданий комплекснинг энг йирик тармоқларидан биридир. У ўз навбатида бир неча тармоқлардан иборат: газлаштириш; сув билан таъминлаш; канализация; иссиқлик билан таъминлаш; ахлатларни олиб чиқиш ва қайта ишлаш; кўча ва хиёбонларни тозалаш; меҳмонхона хўжалиги; кўча ва хиёбонларни электрлаштириш; электротранспорт; қабристонларни тартибли сақлаш хўжалиги.

Уй-жой ва коммунал хўжалик мажмуини давлат тасарруфидан чиқарганда у икки қисмга бўлиб амалга оширилади:

1. Уй-жой қисмини ривожлантиришнинг асосий йўналиши — ҳар бир оилани иложи борида алоҳида уй-жой билан таъминлаш.

2. Коммунал қисми эса давлат томонидан хизмат

жўрсатиш шакллари тараққий эттириб, барча хизмат жўрсатиш турларини маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ташкилотларига бириктиришни ўз ичига олади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида уй-жой, коммунал хўжаликнинг ислоҳ қилиниши йирик бир масаладир. Бунинг моҳияти уй-жой олди-сотди бозорини ташкил қилиш, ҳар бир оиланинг ёки оила аъзосининг яшаш шароитини яхшилаш, уй-жойларни олиш ҳуқуқига эга бўлишни таъминлашдан иборат.

Уй-жой ислоҳотини ўтказиш уч босқични ўз ичига олади:

1. Давлат уйлари текинга ёки маълум миқдорда пул тўлаб харидор номига ўтказиш — хусусийлаштириш.

2. Янги қурилган уйлари тўла сотиш ёки ижарага беришни амалга ошириш.

3. Аҳолининг қилган харажатларини қабул қилинган индексация тизими асосида тўлиқ бозор нархида тўлаш ва коммунал хўжалик корхоналарини маҳаллий кенгашларга ўтказиш ҳамда уларни махсус тижорат фирмаларига сотиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш турар жой муаммосини кескин чоралар билан бартараф этишни талаб қилади. Бунда кишилар давлат уйларида текинга фойдаланишмайди, балки уларни ўз жамғармалари ҳисобидан сотиб оладилар. Жадал суръатларда ва самарадорлик билан ишлаш иш сифатини юқори кўтарибгина қолмай, балки одамларнинг уй-жой билан таъминланишини ҳам тезлатади.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда яна уй қурилиш объектини кенгайтириш, маблағ ажратишда қатъий ўзгартиришлар киритиш муҳим ўрин тутади. Муниципал (маҳаллий) турар жой фонди бундан буён маҳаллий жамғарма ҳисобига киритилганлиги туфайли унинг умумий турар жой қурилишидаги улуши анча қисқарди ва бу фонддан аҳолининг маълум қисми, яъни ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, кам даромадлилар ва табиий офатдан зарар кўрган кишиларгина фойдаланишади. Давлат томонидан ташкил қилинган турар жой фонди Ўзбекистон халқининг бойлиги бўлиб, ундан республиканинг ҳар бир фуқароси фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Уй-жойларни хусусийлаштириш учун биринчи навбатда мавжуд уй-жой фондининг бозор нархларидаги қиймати аниқланиб, кишилар сонига бўлинади ва шу

кишилар ҳар бирига хусусий турар жой сертификатлари берилиши керак. Хусусий ва кооператив уй эгаларига сертификат пул билан ёки ўрнини қолловчи маҳсулот билан тўланади. Давлат уйларида фойдаланувчилар сертификат ҳисобидан ўзлари ҳозирда яшаб турган жойларини бутунлай ёки маълум вақтга сотиб олишлари мумкин. Турар жойи бўлмаган кишилар эса (ижара, ётоқхона) бу сертификатдан кейинчалик уй-жой олишда фойдаланишлари мумкин.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласида янги қурилишнинг ҳам роли анча катта. Уй-жой қурилиши масаласида энг муҳими қурилиши материаллар билан таъминлаш масаласи ҳисобланади. Бунда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида материаллар бозорини, яъни биржаларни яратиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллий қурилиш материалларининг ҳисобига қурилиш базаларини кенгайтириш зарурдир.

Коммунал хўжалик тизимини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни кишиларнинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондиришга қаратилади. Коммунал хўжаликни давлат тасарруфидан чиқаришдан ва хусусийлаштиришдан асосий мақсад унинг ривожланаётган структурасини шакллантириш, аҳолининг коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишдир. Коммунал хўжалик тизимини хусусийлаштириш жараёни биринчи навбатда коммунал хўжаликнинг унча муҳим бўлмаган тармоғини — меҳмонхоналарни ташкил қилади.

Коммунал хўжаликни давлат тасарруфидан чиқариш турли кўринишларда амалга оширилади:

- ижарага бериш;
- аукцион;
- меҳнат жамоалари томонидан сотиб олиш;
- бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Бу жараён ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга:

1. Меҳмонхоналарни хусусийлаштириш давлат томонидан келишилган баҳода олиб борилиши керак.

2. Давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган меҳмонхона ўзининг ихтисоси ва категориясини сақлаб қолган ҳолда хизматларни кенгайтириб бориш ҳуқуқига эга.

3. Турар жой воситачилиги тижорат бюроси қандай ҳуқуқий эркинликка эга бўлса, меҳмонхоналар ҳам шундай ҳуқуқий эркинликка эга бўлади.

Коммунал хўжалик объектларини давлат тасарруфидан чиқариш жараёни бир қанча йўналишларда олиб борилади. Масалан, акция асосида тижорат корхоналарини ва бирлашмаларини ривожлантириш кўзда тутилади. Капитал қўйилмалар ажратилишини концессион-шартнома асосида амалга ошириш мумкин.

Коммунал хўжалик уй хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ. Чунки ҳар бир уйда коммунал қулайликнинг бўлиши шарт. Уй хўжалиги уйлارни сақлаш ва тиклаш функциясини бажаради. Бошқача қилиб айтганда, уй хўжалиги органлари турар жойларни капитал ва жорий ремонт қилиб, уларни яхши сақлашга ҳаракат қилиши керак.

Уй-жой коммунал хўжалигининг ривожланишидаги муаммолардан бири шу тармоқни бошқариш муаммосидир. Ҳозирги даврда тармоқларнинг бошқарилиши жойлардаги ҳокимиятлар томонидан ва уй-жой коммунал хўжалик вазирлиги томонидан олиб борилади. Бозор иқтисодиётига ўтишда маҳаллий органларнинг роли ошган сари шу тармоқни бошқариш функцияси ҳам асосан шу органларга ўтиши керак. Бунда уй-жойларни, коммунал хўжалик объектларини сақлаш ва тиклаш масалалари ўз вақтида ечилади. Бундан ташқари, шу тармоқни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда минтақадаги муаммоларни маҳаллий органлар яхшироқ ўрганадилар ва маҳаллий ресурсларнинг ишлатилишига ҳам ҳаракат қилишади. Хусусийлаштириш жараёнида маҳаллий органлар мавжуд уй-жойларни ва коммунал хўжалик объектларини баҳолаш функциясини ҳам олиб борадилар.

11.2. Коммунал корхоналар иқтисодиёти

Коммунал корхоналар ривожланиш дастурининг асосий қисми бўлиб бизнес режа ҳисобланади. Бу режа қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. Ишлаб чиқариш бўлими;
2. Меҳнат ва ижтимоий ривожланиш;
3. Молия;
4. Капитал қурилиш ва капитал ремонт;
5. Янги техникани ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш;
6. Моддий-техника таъминоти.

Ушбу бўлимларнинг ичида энг асосийси ишлаб чи-

қариш бўлими ҳисобланади. Бу бўлимнинг таркибига ишлаб чиқариш қувватлари ҳисоб-китоблари, ишлаб чиқариш фаолияти сифатини ошириш режаси, ишлаб чиқариш дастури кирди. Ишлаб чиқариш дастурида коммунал хўжалик маҳсулотларини ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича вазифалар кўрсатилади. Бу дастурда ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси, яъни маҳсулотлар ва хизматларнинг натура ва қиймат кўрсаткичлардаги ҳажми ифодаланади. Меҳнат ва ижтимоий ривожланиш бўлимида ишлаётганларнинг сонини аниқлаш бўйича иш ҳақи фонди, меҳнат унумдорлигининг ҳисоб-китоблари кўрсатилади. Бундан ташқари коммунал корхоналардаги технологик жараёни механизациялаш даражаси ҳам берилади. Молия бўлимида маҳсулотлар ва хизматлар таннархининг ҳисоб-китоблари, харажатлар ҳисоб-китоблари кўрсатилади.

Янги техникани ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш бўлимида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш ҳисоб-китоблари берилади ва йил, чорак, ой давомида олиб бориладиган техник-ташқилий тадбирларнинг дастури кўрсатилади.

Моддий-техника таъминоти бўлимида коммунал корхоналарнинг моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг ҳисоб-китоблари берилади.

Ишлаб чиқариш дастури коммунал ишлаб чиқариш корхоналарининг қуввати ҳамда мавжуд меҳнат ва моддий ресурслар асосида ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқариш бўлими бошқа бўлимларга ва кўрсаткичларга ҳам таъсир кўрсатади. Бу дастурни ишлаб чиқишда қуйидаги ўлчовлар қўлланилади:

1. Натура ўлчовлари. Булар асосан физик ўлчовларда ифодаланади. Масалан, истеъмолчиларга етказиб бериладиган сувнинг ҳажми — m^3 ; электртранспортда ташилладиган пассажирларнинг ҳажми — пассажирлар сони.

2. Меҳнат ўлчовлари. Улардан ҳар хил маҳсулотларни ишлаб чиқишда қилинган харажатларни таққослашда фойдаланилади. Масалан, энергетикада меҳнат сарфини таққослаш учун норма-соатлар кўрсаткичи қўлланилади.

3. Қиймат ўлчовлари. Бу кўрсаткичлар коммунал корхоналарнинг даромадларини ва харажатларни аниқлашда ишлатилади. Масалан, фойданинг ҳажми сўмда аниқланади.

Коммунал хўжаликнинг маҳсулотлари ва хизмат-

ларининг умумий ҳажмини аниқлашда ҳар бир тармоқнинг режалари йиғиндисини олиш керак. Сув билан таъминлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш дастури қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

1. Водопровод тармоқларининг узунлиги (км да);
2. Насослар билан етказиб бериладиган сувнинг ҳажми;

3. Узининг истеъмолига кетадиган сув ҳажми;

4. Етказиб бериладиган сувнинг умумий ҳажми;

5. Тармоқда сувнинг йўқолиш ҳажми;

6. Истеъмолчиларга сотилган сувнинг ҳажми (бу кўрсаткич ҳам сўмда, ҳам 1000 м³ да ҳисобланади).

Бу кўрсаткичлар ичида дастлаб насослар билан етказиб бериладиган сувнинг ҳажм кўрсаткичи аниқланади ва бу қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$V_1 - C_y = V_{\text{тар.}}; V_{\text{тар.}} - U_y = V_c,$$

бу ерда: V_1 — насослар билан етказиб бериладиган сувнинг ҳажми;

C_y — корхонанинг ўз истеъмоли учун кетадиган сувнинг ҳажми;

$V_{\text{тар.}}$ — водопровод тармоқларига етказиб бериладиган сувнинг ҳажми;

U_y — водопровод тармоқларида сувнинг йўқолиши;

V_c — истеъмолчиларга соғиладиган сувнинг ҳажми.

Канализация корхоналарининг иш ҳажмини аниқлашда ишлаб чиқариш дастури қуйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлади:

1. Канализация тармоқларининг узунлиги.

2. Ифлос сувларнинг тозалаш иншоотларидан ўтган ҳажми (1000 м³) ва уларни биологик усуллар орқали тозалайдиган сувнинг ҳажми.

3. Тозалаш иншоотларининг қуввати (1000 м³).

Шаҳар электр транспорти ишлаб чиқариш дастури ҳисоб-китобларига қуйидаги кўрсаткичлар киради:

1. Транспорт тармоқларининг узунлиги (км).

2. Ташиладиган пассажирлар сони.

3. Ҳаракатда бўлган транспорт воситаларининг сони ва улардан фойдаланишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари. Масалан, транспорт воситаларидан фойда-

ланиш коэффициенти ўртача тезлиги (1 вагонга пассажирларни киритиш мумкин бўлган имконият).

Газ билан таъминлашда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

1. Газлаштирилган квартиралар сони.
2. Шаҳардаги газ тармоқларининг узунлиги.
3. Истеъмолчиларга сотиладиган газнинг ҳажми (m^3).

Иссиқлик билан таъминлаш тармоғида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Иссиқлик билан таъминлайдиган тармоқларнинг узунлиги.

2. Иссиқлик билан таъминланган квартиралар сони.

3. Қозонхоналар қуввати.

4. Истеъмолчиларга сотиладиган иссиқликнинг ҳажми.

Кўчаларни механизациялашган тозалаш тармоғи.

Бунинг ишлаб чиқариш дастурига кўчаларни ва хиёбонларни супуриш, сув сепиш, ахлатларни олиб чиқиб кетиш ва қишда қорлардан тозалаш киради. Бу тармоқ ривожланишининг энг асосий кўрсаткичи йиғиладиган кўча ва хиёбонларнинг майдони ҳисобланади. Уни ҳисоблашда кўчаларни тозалайдиган машиналарнинг сон кўрсаткичи, ахлатлар қайта ишланадиган ҳажм кўрсаткичларидан фойдаланилади:

Кўкаламзорлаштириш кўрсаткичлари:

1. Шаҳардаги ерларнинг майдони (минг m^2). Шу жумладан, уй-жой, корхоналар қурилган ерлар майдони.

2. Шаҳардаги экилган майдонларнинг ҳажми.

Меҳмонхона хўжалиги кўрсаткичлари:

1. Меҳмонхоналар сони, уларнинг класслар бўйича бўлиниши.

2. Меҳмонхоналардаги номерлар сони.

3. Бир вақт мобайнида жойланиш имконияти.

4. Меҳмонхоналарда койка-сутканинг умумий сони.

Кўчаларни электрлаштириш кўрсаткичлари:

1. Электр тармоқларининг узунлиги.

2. Еритиладиган кўчаларнинг узунлиги.

Уй-жой хўжалигида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Турар жой ерларининг борлиги (минг m^2); шу жумладан, турар жой фондиди қулайликлар билан таъминлаш даражаси.

2. Уй-жойларнинг эскирганлик даражаси.

3. Капитал ремонт ҳажми.

4. Уй-жой фондидининг жорий ремонт ҳажми.

11.3. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни тартибга солиш

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи ўз ичи-га бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидаги соҳаларни олади:

1. Пойабзални тикиш ва тиклаш;
2. Мўйна тери ва тикув маҳсулотларини тиклаш;
3. Бош кийимларни тузатиш;
4. Уй жиҳозларини тузатиш;
5. Уйда, хўжаликда ишлайдиган техникаларни ту-затиш;
6. Автомобилларни тузатиш;
7. Аҳолининг буюртмаси билан уйларни қуриш ва ремонт қилиш;
8. Фотолабораториялар хизмати;
9. Сарторощоналар хизмати;
10. Кир ювиш хизматлари;
11. Ҳаммомлар;
12. Прокат пунктлари хизмати;
13. Кийимларни кимёвий тозалаш хизмати;
14. Мебелларни ремонт қилиш.

Бу тармоқларнинг ривожланишида қуйидаги вази-фаларни ҳал қилиш лозим бўлади:

— маиший хизматнинг кўп хилларини таъминлаш ва такомиллаштириш;

— талабни қондира олмайдиган айрим соҳаларни ривожлантириш ва уларни яхшилаш;

— аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари-нинг қулай жойлашишини амалга ошириш ва уларни замонавий ускуналар билан қуrollантириш;

— аҳолига хизмат кўрсатишни ихтисослаштириш ва кооперациялаш;

— ишлаб чиқариш қувватларининг транспорт воси-таларидан ва асосий фондлардан мумкин қадар тўла-тўқис фойдаланиш;

— бажариладиган ишлар ва хизматларнинг техник ва стандарт талабга жавоб беришини таъминлаш;

— тармоқни бошқарув тизимини такомиллаштириш;

— қишлоқ аҳолисининг маиший хизмат кўрсаткич-лар даражасини шаҳар даражасига яқинлаштириш.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ре-жалаштиришда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдала-нилади:

1. Аҳолига маиший хизматни реализация қилишнинг умумий ҳажми, шу жумладан, қишлоқ аҳолисига.

2. Чакана товар оборотининг таркибида якка меҳнат қилувчилар томонидан келадиган тушунчалар, ремонт ишлари ва аҳоли учун қилинадиган хизматларнинг бошқа турлари.

3. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жараёнида ишлаб чиқаришга янги техникани, технологияларни, автоматлаштиришни жорий этиш.

4. Фойда, бюджетга тўловлар, бюджетни молиялаштириш.

Маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда дастлабки маълумотлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Минтақадаги аҳолининг келгусидаги сони.

2. Аҳолининг ўсиши, унинг таркибидаги ўзгаришлар. Масалан, болалар сонининг кўпайиши ёки камайиши, қишлоқ аҳолисининг кўпайиши ёки камайиши.

3. Аҳоли пул даромадларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар.

4. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган маиший хизматлар ҳажми.

5. Аҳолида истеъмол буюмлари борлиги тўғрисидаги маълумотлар.

6. Истиқболда аҳолига сотиладиган буюмларнинг ўзгариши ва товарлар ассортиментининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар.

7. Аҳолининг маиший хизматларга бўлган талаби тўғрисидаги маълумотлар ва шу талабни қондириш даражаси.

8. Маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг борлиги.

9. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техник базаси.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни режалаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

— норматив усул — бунда аҳолининг истеъмол қилиш меъёрларидан, хизматлардан, аҳолини айрим товарлар билан таъминлаш меъёрларидан фойдаланилади;

— анкеталарни таҳлил қилиш усули — бунда бир минтақада яшаётган аҳоли ўртасида анкета тарқатилади. Бу анкетада аҳолининг маиший хизмат кўрсатиш турларига бўлган талаби, уларни қондириш даражаси-

га оид саволлари қўйилади. Олинган жавоблар таҳлил қилиниб, шулар асосида тармоқни ривожлантириш дастурига зарур ўзгаришлар киритилади. Масалан, кўрсатилган хизматлар турларини кенгайтириш чора-тадбирлари, янги хизмат кўрсатиш корхоналарини қуриш ва ҳоказо;

— иқтисодий-математик усул — узоқ истиқболга ишлаб чиқиладиган дастурларда қўлланилади;

— баланс усули — бунда маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида фойдаланиладиган асосий фондларнинг баланслари, ишлаб чиқариш қувватлари баланси ишлатилади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланишида ишлаб чиқариш базасининг ривожланиши катта аҳамиятга эга. Корхонанинг қуввати ва ўлчамига қараб аҳолига етарли даражада маиший хизмат кўрсатиш мумкинлиги аниқланади. Буларни ривожлантириш қўйидаги омиллар билан боғлиқ:

1. Аҳолига энг юқори даражадаги қулайликларни яратиш.

2. Аҳолининг вақт сарфини тежаш.

3. Маиший хизматнинг комплекс пунктини тузиш асосида кўрсатиладиган хизматнинг сарфини юшириш.

4. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари лойиҳаларини замонавий типларда яратиш.

5. Маиший хизматнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш.

6. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг оптимал ўлчамини аниқлаш.

XII БОБ. АҲОЛИНИНГ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИГА БУЛГАН ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШ

12.1. Шахсий истеъмолни қулайлаштиришда савдонинг роли

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда савдонинг роли жуда катта. Савдо аҳолининг маҳсулотларга бўлган талабини қондиради. Шунинг учун ижтимоий ривожлантириш тадбирлари мажмунига савдонинг ривожлантириш ҳам киради. Унда савдонинг моддий-техник базасини кучайтириш, бутун савдо тизимини оптималлаштириш, аҳолига кўрсатиладиган савдо хизмати маданиятини юшириш асосий муаммолардан ҳисобланади.

Ҳозирги даврда республикамизда айрим маҳсулотларга бўлган камёбликни йўқотишда ҳам савдо алоҳида роль ўйнайди. Бунда савдо ташкилотлари буюртмалар орқали аҳолининг истеъмолини қулайлаштириш учун керак бўлган маҳсулотларни ва неъматларни етказиб беради.

Шахсий истеъмолни қулайлаштириш жараёни — бу маҳсулотларни истеъмол қилиш таркибини такомиллаштиришдир. Бунда албатта ҳар бир инсоннинг замонавий, ижтимоий-иқтисодий, жисмоний талаблари ҳисобга олинади. Аҳолининг истеъмолини қулайлаштириш унинг турмуш даражасини кўтаришга, меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир қилади. Ана шу шартлар бажарилган ҳолда бу истеъмолни қулай деб ҳисоблаймиз.

Аҳолининг истеъмолини қулайлаштиришда тиббиёт истеъмол қилиш норма ва нормативларидан фойдаланилади. Лекин қулайлаштиришда фақат норма ва нормативлардан фойдаланиш билан чекланмасдан ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва хўжалик-ташкилий тадбирлар мажмуини ҳам олиб бориш керак. Ижтимоий-иқтисодий тадбирлар ўз ичига товарларга бўлган баҳоларни, хизматларга бўлган тарифларни, аҳолининг даромадларини ва харажатларни тартибга солишни, замон талабларига қараб режалаштириш жараёнини такомиллаштиришни ўз ичига олади. Илмий-техникавий тадбирларга маҳсулот ассортиментини такомиллаштириш, савдо жараёнида янги техника ва технологияни, материалларнинг янги турларини ишлатиш киради. Хўжалик-ташкилий омилларга ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг савдо билан, **транспорти** хўжаликлари билан оқилона муносабатлар **ўрнатиш вақтида** тара билан таъминланиши киради.

Савдо ишлаб чиқариш билан истеъмол қилиш ўртасида боғлиқлик бўғини бўлиб, у, бир томондан, уларга ўз таъсирини кўрсатади, иккинчи томондан, уларнинг таъсирини сезади. Савдонинг ривожланиши аҳолининг тўлаш қобилиятидан ва товарларнинг тақлифидан келиб чиқади. Шунинг учун бу тармоқнинг молиявий аҳволи саноат ва қишлоқ хўжалиги етказиб берадиган маҳсулотлар билан боғлиқ. Савдонинг ривожланиш механизми (режалаштириш тизими, бошқариш тизими, рағбатлантириш тизими) ижтимоий йўналтирилган ва уни ошириш мақсадида бўлиб, аҳолининг маҳсулотларга бўлган талабини қондиришдан иборатдир.

12.2. Халқ истеъмоли товарлари бозорини ташкил этиш

Халқ истеъмоли товарлари бозорини ташкил этиш аҳолининг талаб ҳажмини аниқлаш ҳисоботлари ва товар ресурсларини ҳамда товар фондларини режалаштириш орқали амалга оширилади.

Аҳолининг товарларга бўлган талаби истеъмолниң ҳажми ва унинг таркиби билан ифодаланади.

Талабнинг ҳажми — бу пул воситаларининг суммаси бўлиб, товарларга ва хизматларга алмашиш учун ишлатилади. У аҳоли сотиб олиш фондларининг катталиги билан ўлчанади. Аҳолининг талаби яна пул воситаларининг миграция ҳажми ва аҳоли талабининг қондирилмаганлик ҳажми билан ўлчанади.

Аҳолининг сотиб олиш фонди — бу ҳисобланган кўрсаткич бўлиб, унинг ҳисоботлари аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси ёрдамида асосланади. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари баланси миллий иқтисодиётнинг ривожланишида ишлатиладиган баланслар тизимига киради. Бу балансда аҳоли пул даромадларининг манбалари, ишлатиш йўналишлари кўрсатилади. Бу балансниң ҳисоб-китоб шакли кейинги мавзуда кўриб чиқилади.

Республика миқёсида аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси режа, статистика ва молия органлари билан биргаликда ҳисоблаб чиқилади. Буни ҳисоблашда ҳисоб-режа маълумотлари ишчи, хизматчи, қишлоқ аҳолиси бюджетларини аниқлаш бўйича маълумотлардан ҳам фойдаланилади.

Аҳолининг сотиб олиш фонди — бу аҳоли даромадларининг бир қисми бўлиб, товарларни сотиб олиш ва хизматларга тўлаш учун ишлатилади. Аҳолининг сотиб олиш фонди, пул даромадлари ва бошқа минтақалардан келиб тушадиган пул воситалари пул миграцияси деб аталади. Шунинг учун у аҳолининг даромадлар ва харажатлар балансида кўрсатиладиган пулниң келиб тушиши билан чиқиб кетиши ўртасидаги фарқ бўлиб ҳисобланади. Статистика, режа ва молия органлари бу маълумотларни таҳлил қилади ва пулларнинг бошқа минтақаларга чиқиб кетишини чегаралаш учун чоратадбирлар кўради ва улар миллий иқтисодиётни ва савдони ривожлантириш режа ва дастурларига киритилади. Масалан, бу тадбирларга айрим минтақаларда аҳо-

лининг товарларининг ҳар хил турларига бўлган талабни қондириш учун чет давлатлардан сотиб олиш имкониятлари киради. Бу товарларни кооператив секторда ишлаб чиқариш имкониятлари ва бошқа тадбирлар ўрганиб чиқилади.

Миграция жараёнлари ва аҳолининг сотиб олиш фондлари умумий талабнинг фақат бир қисмини ташкил этади. Бу қисм товар ресурслари билан таъминланган бўлади. Аҳоли талабининг умумий ҳажмини аниқлаш учун аҳоли талабининг қондирилмаган қисмини ҳам ҳисобга олиш керак. Аҳоли талабининг қондирилмаган қисмини аниқлаш учун қуйидагиларни бажариш талаб этилади:

1. Аҳолининг халқ банкларидаги жамғармалари, иш ҳақи, пенсия, стипендиялари ва пул нафақаларининг ўсиш суръатлари аниқланади ва таққосланади. Бунда аҳоли талабларининг қондирилмаган қисми аҳоли жамғармаларининг умумий ҳажми билан умумий даромадлар ўртасидаги фарқ бўлиб ҳисобланади.

2. Давлат ва кооператив савдонинг ўтган даврдаги маълумотларини баҳолаш.

3. Товарларнинг айрим гуруҳларини текшириш асосида аҳолининг қондирилмаган талаблари ҳажмини аниқлаш.

Аҳоли талабининг ҳажми — сотиб олиш фонди ва қондирилмаган талаблар ҳажми йиғиндисидир. Демак, сотиб олиш фонди — бу товарларни сотиб олиш учун керак бўлган пул маблағлари бўлса, сотиб олиш қобилияти — бу пул бирлигига (масалан, 1 сўмга, 10 сўмга) сотиб олиш мумкин бўлган товарларнинг миқдори. Аҳолининг сотиб олиш қобилияти товарларга бўлган баҳолар билан боғлиқ. Барқарор баҳоларда у даромадларга тўғри пропорционал бўлади. Товар ресурсларини ва товар фондларини режалаштириш вазифаси шундан иборатки, бу аҳолининг саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондиришдир. Бунинг учун қуйидаги функцияларни бажариш керак:

1. Аҳолининг тўлаш қобилиятини аниқлаш.

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ва саноат товарларига режа балансларини ишлаб чиқиш.

3. Аниқ товарлар хусусиятларини ҳисобга олиш.

4. Товар фондларининг бозор ва нобозор истеъмоли учун режа харажатларини аниқлаш.

5. Бозор фондларини ва маҳсулотларни етказиб бериш режаларининг тақсимланишини аниқлаш.

Бу функцияларнинг ичида энг асосийси товар фондларининг ҳажмини аниқлашдир. Бунинг ҳисоб-китоблари товарларнинг аниқ гуруҳлари бўйича моддий балансларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Бозор иқтисо-

11-жадвал

Истеъмол буюмларининг моддий баланси тархи

Ресурслар	Ресурсларнинг тақсимланиши
1. Режалаштирилаётган давр бошидаги заҳиралар 2. Ишлаб чиқариш 3. Импорт 4. Товарларнинг давлат резервларидан келиб тушиши 5. Бошқа тушумлар	1. Бозор фонди 2. Нобозор фонди: а) саноатда истеъмол қилиш фонди б) саноатда қайта ишлаб чиқариш фонди в) давлат бюджетдаги корхоналар истеъмоли 3. Экспорт 4. Давлат резервларини тўлдириш 5. Режалаштирилаётган давр охиридаги заҳиралар
Жами	Жами

диёти шароитида товар фондларини режалаштиришда саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик ва савдо корхоналари билан тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатиш ва хўжалик шартномаларини тузиш катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича республика миқёсида ва алоҳида вилоятлар миқёсида давлат ресурсларининг баланси ва ялпи ресурслар баланси ишлаб чиқилади. Саноат маҳсулотлари бўйича халқ истеъмоли учун керак бўлган товарлар баланслари ишлаб чиқилади. Бу баланслар натура ва қиймат кўрсаткичларида ҳисобланади. Бозор фонди — балансни тақсимлаш қисмининг бош мезонидир. Бу товар ресурсларининг қисми бўлиб, давлат томонидан аҳолига сотиш ва товар заҳираларини тўлдириш учун мўлжалланган. Уни ҳисоблаш учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол меъёрини аҳолининг сонига кўпайтириш керак.

Бозор фондини аниқлашда аҳолининг сотиб олиш қобилиятини ҳам ҳисобга олиш керак. Балансни тақсим-

лаш қисмида катта ўрин эгаллайдиган нобозор фонди ўз навбатида уч қисмдан иборат:

а) саноатда қайта ишланадиган фонд. У ўз ичига саноатда кейинчалик қайта ишланадиган маҳсулотларни олади. Масалан, тикувчилик саноатида — газмоллар;

б) саноатда истеъмол қилиш фонди. Бунга саноатнинг айрим тармоқларида қўшимча материаллар сифатида ишлатиладиган товарлар киради. Масалан, мебель ишлаб чиқаришда — газмоллар;

в) давлат бюджетида бўлган жорхоналар фонди. Бунга мактаб, болалар боғчалари, касалхоналар, дам олиш уйлари, саноат маҳсулотлари истеъмоли киради.

Бозор фонди ҳажми аниқлангандан сўнг унинг тақсимланишини ҳисоблаш керак. Бу жараённинг асосий вазифаси республика, вилоятлар аҳолисини керакли товарлар билан таъминлашдир. Бунинг учун қуйидаги омилларни эътиборга олиш керак:

1. Аҳоли сотиб олиш талабининг ҳажми ва ўсиш суръатларини;

2. Давлат, кооператив ва бозор савдосидаги баҳоларнинг индексини;

3. Товар захираларининг ўтган даврдаги ҳолатини;

4. Минтақалар ўртасида товарлар алмашинувининг таъсирини;

5. Ўтган даврда бозор фондларининг келиб тушиш ҳажми ва таркибини;

6. Алоҳида минтақанинг бозор фондларини ташкил этишдаги иқтисодий ва ижтимоий шароитларни;

7. Савдо моддий-техника базасининг аҳволи ва ривожланиш истиқболини.

12.3. Чакана товар оборотини режалаштириш

Чакана товар оборотини режалаштириш қуйидаги мақсадларга мувофиқ олиб борилади:

1. Аҳолининг тўлов қобилиятига, маҳсулотларга бўлган талабга асосланиб давлат ва кооператив савдо оборотини тўғри аниқлаш.

2. Талаб ва таклифнинг ўсишига қараб товар оборотининг оқилона таркибини аниқлаш.

3. Умумий овқатланишнинг ривожланиш суръатларини аниқлаш.

Чакана товар оборотини барча даражада режалаштиришда шуни ҳисобга олиш керакки, таклифларнинг

Ўсиш суръатлари талабнинг ўсиш суръатларига қараганда юқори бўлиши керак. Чакана товар оборотининг ҳажмини ва ўсиш суръатларини тартибга солишда унинг аҳолига товарларнинг сотилиши кам бўлган жойларда ривожланишига алоҳида эътибор бериш керак.

Чакана товар оборотини тартибга солишда дастлабки маълумот бўлиб қуйидагилар ишлатилади:

— саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш даражаси;

— қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш даражаси;

— аҳолининг сони;

— қишлоқ ва шаҳарларда яшайдиган аҳоли сони;

— аҳолининг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг ўсиши ва таркиби;

— баҳолар индекси тўғрисидаги маълумотлар;

— маҳсулотларни томорқа хўжаликларида етказиб бериш тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказо.

Чакана товар оборотининг режаси савдо режасининг энг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. У ўз ичига қуйидаги кўрсаткичларни олади:

1. Чакана товар оборотининг умумий ҳажми, давлат ва кооператив савдонинг ҳажми.

2. Умумий овқатланиш оборотининг ҳажми.

3. Савдо тизими бўйича чакана товар оборотининг умумий ҳажми.

Аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси ёрдамида аҳолининг даромадлари, хизматларга қиладиган харажатлари ва пул жамғармалари ўртасидаги боғлиқлик ўрнатилади. Бундан ташқари, тартибга солишда пулнинг миграциясини ҳам эътиборга олиш керак. Аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари бўйича ишлаб чиқилади.

12-жадвал

Аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси

Даромадлар	Харажатлар ва жамғармалар
1. Иш ҳақи (V_1^n)	1. Товарларни сотиб олиш (P_1) шу жумладан:
2. Пенсия ва нафақалар (V_2^n)	а) давлат ва кооператив савдода
3. Иш ҳақидан ташқари ташкилот ва муассасалардан	

1	2
<p>олинадиган даромадлар (V_3^n)</p> <p>4. Ижтимоий хўжаликлардан олинадиган хўжалик аъзоларининг пул даромадлари (V_4^n)</p> <p>5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга ва кооперацияга сотишдан тушадиган тушумлар (V_5^n)</p> <p>6. Молия тизимидан тушумлар (V_6^n)</p> <p>7. Стипендиялар (V_7^n)</p> <p>8. Бошқа тушумлар (V_8^n)</p>	<p>б) матлубот савдосида</p> <p>в) жамоа хўжалиги аъзоларидан</p> <p>2. Бошқа харажатларга ва хизматларга тўловлар (P_2)</p> <p>3. Мажбурий тўловлар ва ихтиёрий бадаллар (P_3)</p> <p>4. Жамғарма банкларидаги жамғармаларнинг ўсиши (P_4)</p> <p>5. Аккредитив ва переводлар бўйича юбориладиган пуллар ҳажми (P_5)</p>
<p>Жами даромадлар</p> $\sum_{i=1}^n V_i^n = V^n$	<p>Жами харажатлар</p> $\sum_{i=1}^k P_i = P$

Балансинг маълумотлари аҳоли даромадлари ва маҳсулотларнинг алоҳида гуруҳлари бўйича сотиб олиш фондларининг ҳисоб-китобида ҳам ишлатилади. Бундан ташқари чакана товар оборотининг ҳажмини аниқлашда ҳам ишлатилади. Чакана товар оборотининг ҳажми ўз навбатида бир нечта гуруҳларга бўлинади:

1. Макротаркиб.

2. Товар гуруҳларининг таркиби.

3. Товарлар ва ассортиментлар таркиби.

Макротаркиб дейилганда чакана товар обороти таркибидаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи тушунилади. Товар гуруҳлари таркиби дейилганда кўрсатилган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг номенклатура бўйича бўлиниши тушунилади. Масалан, саноат маҳсулотлари саноат, пойабзал, телевизор каби гуруҳларга бўлинади. Товарлар ва ассортиментлар таркиби дейилганда маҳсулотлар ҳар бир йирик гуруҳларининг ассортимент бўйича бўлиниши тушунилади. Масалан, пойабзалнинг ўлчамлар бўйича аёллар, эркеклар, болалар пойабзали бўйича бўлиниши.

Чакана товар обороти таркибини режалаштиришда ўтган даврдаги маълумотлардан фойдаланилади. Бун-

дан ташқари режалаштирилаётган даврда товарлар заҳираларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлардан ҳам фойдаланилади. Чакана товар обороти ҳажмини ва таркибини режалаштиришда республиканинг ва ҳар бир вилоятнинг иқтисодий, иқлим ва демографик хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Масалан, Андижон ва Қорақалпоғистонда чакана товар обороти режасини ишлаб чиқишда ўтган даврдаги етишмовчиликларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилаётган даврда керакли чора-тадбирларни киритиш кўзда тутилади. Бунда саноат билан савдо ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга ҳаракат қилиниб, бозор фондларини шу минтақада керак бўлган товар маҳсулотлари билан тўлдириш йўллари аниқланади.

ХIII БОБ. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИИЙ МАНБАЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

13.1. Республиканинг экологик аҳволи ва бу соҳадаги вазифалар

Ҳозир республикамизда кўплаб кон-руда саноати корхоналари мавжуд. Ўзбекистон рангли металлургиясининг тўнғичи ҳисобланмиш мис, қўرғошин ва рух конлари асосида ишловчи қудратли кон-металлургия комбинати ишлаб турибди. Оҳангарон, Шарғун конларида кўмир қазиб чиқарилмоқда. Бухоро ва Қашқадарё заминида табиий газ конлари топилди, ишга туширилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ҳудудида яна бир қанча конлар, ер ости сувлари ҳам топилди. Ҳозир Ўзбекистоннинг бир қанча табиий ресурсларидан кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Шу билан бирга республиканинг экологик ҳолати кескин даражада ёмонлашиб бормоқда. Бунга эса табиий муҳитга технократик муносабат, иқтисодий ривожлантиришнинг экстенсив йўли, ишлаб чиқарувчи кучларни тараққий эттириш ва жойлаштиришда йўл қўйилган хатолар сабаб бўлмоқда.

Республикада экстенсив йўл билан иш юритиш шароитида экологик муаммоларнинг асосий ўзаги пахта якка ҳокимлигидадир. Масалан, пахтакор хўжаликларда чигит экиш 1989 йилда 73,4%, Қорақалпоғистонда 74,7, Хоразм вилоятида эса 70,8 фоизга етган эди. Бу дунёда мисли кўрилмаган кўрсаткичдир. Ҳолбуки, фан-

да чигит экишнинг 50 фоиздан ошиши гумуснинг йўқ бўлишига, тўроқнинг ориқлаб кетишига, унумдорликнинг пасайишига ва оқибат натижада ернинг бузилишига олиб келиши тасдиқланган.

Пахта етиштиришнинг кўпайиши янги ер майдонларини ўзлаштириш, каналлар, суғориш шохобчаларини кенгайтириш, дарёлар оқимини жиловлашни талаб қилади. Сувдан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришда йўл қўйилган янглишишлар натижасида ерларнинг табиий чўлга айланиши ва шўрланиши, экологик бузилишлар, ҳайвонот ва наботот оламининг таъназулга учраши, ичимлик суви сифатининг бузилиши рўй беради.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий асосда юритишни кўзда тутувчи ерни муҳофаза қилиш усулини жорий этиш тупроқ сифатини яхшилаш, унинг унумдорлигини тиклашнинг муҳим йўлларидан биридир. Унда илмий асосланган беда алмашлаб экишни жорий қилиш етакчи ўрин тутади. Бу экинларнинг жойлаштирилишини такомиллаштириш, ғўза ва шоли яккахокимлигидан қўтилиш имкониятини беради.

Ўзбекистонда 1986 йилдан бошлаб алмашлаб экиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ беда алмашлаб экишни ўзлаштириш йўлига ўтилган эди, афсуски, буни ишлаб чиқаришга жорий қилиш суғ бормоқда. Масалан, республика пахтакор хўжаликларида беда алмашлаб экиш 1981 йилда 48, 1988 йилда — 52,7, 1992 йилда — 57,1 фоиз ўзлаштирилган. Оролбўйида беда алмашлаб экишни ўзлаштириш айниқса ёмон аҳволдадир. Ҳолбуки, бу усул мазкур ер учун ниҳоятда зарур. Қорақалпоғистонда алмашлаб экиш 1986 йилда 42,9, 1988 йилда — 31,7, 1990 йилда — 31,8, 1992 йилда — 35,9 фоиз ўзлаштирилган. Кейинги йиллар мобайнида Сирдарё ва Амударё сувларидан меъёридан ортнқ даражада фойдаланилди. Бу дарёлар ҳавзасидаги сув манбалари йилига 104,4 куб. километрни ташкил этди. Қайтадиган сувлар ҳисобга олинмаганда, Ўзбекистонга йилига 63,0 куб километр сув тўғри келади. Нуфузли истеъмолчилар (саноат, коммунал хўжалиги) ни ҳисобга олмаганда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига йилига 51,7 куб. километрдан ортнқроқ сув сарф бўлади.

Кейинги йилларда республика дарёларидан сув олиш ҳажми йилига 62—65 куб. километр атрофида барқарорлашди, сув етишмаслиги йилига ўрта ҳисобда 3,6

куб. километрни ташкил этмоқда. Сув танқислиги халқ хўжалигини ривожлантиришда жиддий тўсиқ бўлиб қолиши мумкин.

Сув манбаларининг камайиши, яъни миқдорий камайиши сувнинг гектар бошига сарф бўлиши анча кўпайгани, ундан фойдаланиш коэффициенти пастлиги, эгатлар бўйича суғоришнинг «капилляр» (томчилаб суғориш) усули устушлик қилишидадир.

Пахта майдонларини суғоришда сувдан хўжасизларча фойдаланиш Амударё ва Сирдарё сувларининг Орол денгизига оқиб боришини кескин камайтириб юборди. Охирги ўттиз йил мобайнида (1960—1990 йилларда) денгиз сатҳи 14,5 метрга пасайди, ҳажми 390 куб. километр камайди. Бунинг устига дарё оқими 1981—1990 йиллар мобайнида йилига 1—3 куб. километр атрофида сақланиб қолди. Сув юзасини эгаллаган майдонларнинг камайиши муносабати билан сув юзасига ёғаётган ёғингарчилик йилига 4—6 куб. километрни, денгиз юзасидан буғланиш эса йилига 36—39 куб. километрни ташкил этди.

1987—1992 йилларда сувнинг кўп бўлиши муносабати билан Оролга тегишли равишда Сирдарёдан 10 куб. километр ва Амударёдан 24 куб. километр сув оқизилди. Бироқ шунга қарамасдан, сув сатҳи пасаймоқда. Денгизнинг суви қуриган тубидаги майдонлардан ҳар йили 25—80 миллион тонна чанг ва туз кўтарилиб, 350—500 километр масофадаги ер ва ҳавони заҳарламақда.

Республика ер-сув манбаларини ўзлаштириш суръатларининг ошиши минерал хом ашё ва ёнилғи-энергетика манбаларини ўзлаштириш ҳаракатини кучайтириб юборди. Ангрен конларининг қўнғир кўмирларидан фойдаланиш асосида электр энергияси ва иссиқлик ишлаб чиқариш, Қалмоққир, Олтинтопан, Қўрғошинкон ва бошқа конлар негизида мис, молибден, қўрғошин эритмалари тайёрлаш, фосфоритлардан минерал ўғитлар олиш, портландцементлар, шунингдек маҳаллий очиқ конлардан сопол буюмлар ишлаб чиқариш атроф-муҳит билан материал ва энергетика алмашинувининг кенг миқёсидаги манбаи ҳисобланади.

Тоғ жинсларини такомиллашмаган технологик туркумлар асосида жадал қазиб олиш, уларни қайта ишлаш оқибатида қолдиқлар шу даражада тўпланиб қолмоқдаки, улар қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган

катта-катта майдонларни эгаллабгина қолмасдан, тупроқ, юза ва ер ости сувлари, ҳавонинг ифлосланиш манбаи ҳамдир.

Республикада тўпланиб қолган турли ишлаб чиқариш чиқиндилари 1.000 млн. т. ни ташкил этади, улар 100 гектар майдонни эгаллаб ётибди. Тоғ ишлари билан бузилган ерлар 1500 гектардан иборат. Ҳар йили 40 млн. т ҳажмда тоғ жинслари, чиқиндилар, шлаклар ва бошқа ишланган фойдали қазилмалар қолдиғи тўпланиб қолаётган бўлса-да, унинг бор-йўғи 0,5 млн. т. сидан ёки 1,2 фоиздан фойдаланилмоқда, холос.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши устидан мунтазам олиб борилган кузатув маълумотларини таҳлил этиш Тошкент ва Фарғона вилоятларининг sanoat туманлари, шунингдек Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё тумани, Навоий вилояти 1990—1992 йилларда энг ифлосланган жойлар эканлигини кўрсатди. Республиканинг 28 та шаҳар ва аҳоли пунктлари санитариявий меъёрдан анча юқори. Улар орасида Андижон, Олмалик, Ангрен, Бекобод, Фарғона, Чирчиқ, Навоий, Тошкент каби шаҳарлар бор.

Ифлослантирувчи моддалар йиғилиши ва уларнинг заҳарлигини ҳисобга олиш бўйича ҳавонинг ифлосланиш кўрсаткичи Андижон шаҳрида энг юқори (24,62%), Нукус шаҳрида энг пастдир (4,46%).

Республикамизнинг қатор туманларида, айниқса Фарғона вилоятидаги Тошлоқ туманида ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши давом этаётганлиги жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари шаҳар ва аҳоли пунктларини марказлашган ҳолда хўжалик истеъмол суви билан таъминлаш манбаи бўлган Зарафшон дарёси айниқса оғир аҳволда қолмоқда.

Атроф-муҳитдаги ўзгаришлар демографик нуқтаи назарга ҳам эгадир. Бу республиканинг чўл ва тоғли туманларида янги шаҳарлар, шаҳар типидagi турар жойларнинг пайдо бўлиши, тоғ водийларида жойлашган Тошкент ва Фарғона, Марғилон типидagi йирик шаҳар агломерацияларининг ташкил топиши билан боғлиқ. Самарқанд, Андижон ва Нукус агломерациялари шаклланилмоқда. Бироқ республикадаги 42 та шаҳарнинг 29 тасигина канализация ва тозалаш иншоотларига эга. Туман ихтиёридаги шаҳарларнинг канализациялари йўқ бўлиб, оқовалар тозаланилмасдан сув ҳавзаларидан

даволаш муассасалари оқовалари билан бактериал ифлосланиш ҳоллари қайд этилмоқда.

Тоғ водийларида жойлашган саноат корхоналарининг зарарли ташламалари катта масофаларга тарқалмоқда. Масалан, Олмалиқ шаҳрида ҳавонинг олтингургуртли газ билан ифлосланиш даражасида, Тошкент вилояти ҳудудида ёғадиган ёғингарчиликда сульфат кислотаси миқдори юқори бўлиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон водийларида ва тоғ қияликларида дарахтлар кесиб юборилиб, бу ерлар экинзорлар ва яйловларга айлантирилмоқда. Дарёлар бўйидаги дарахтзорлар ва тўқайларнинг аҳволи яхши эмас, уларнинг кўп қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва дам олиш зоналари учун ажратилмоқда, кўп жойларда улар йўқ қилиб юборилмоқда.

Тўқайларнинг кесиб юборилиши, сувни муҳофаза қилиш минтақаларининг йўқлиги, дарёлар, кўллар, сув омборларининг шўрланиши ёввойи ҳайвонлар яшаш жойларининг ёмонлашишига, улар тарқаладиган ерларнинг камайишига, (ҳозир қушларнинг 410, балиқлар ва ёввойи ҳайвонларнинг 79, ноёб ўсимликларнинг 400 хили Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган) олиб келди.

Ҳозир одамлар саломатлигини таъминлаш учун қулай шароитлар яратиш, биосфера мувозанатини яхшилаш, табиатдан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали ва барқарор ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш зарур. Аслига қайтариладиган табиий манбаларни тиклаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш лозим. Табиатнинг ўз-ўзини тартибга солувчи хусусиятларини маҳаллий ва регионал даражаларда тиклаш керак.

13.2. Табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари

Республикада ердан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, тупроқни сақлаш ва унинг унумдорлигини ошириш учун илмий асосланган алмашлаб экишни тўла-тўқис жорий этиш лозим. Умуман ҳозир республикада йилга алмашлаб экиш тузилишида беда экиш 27 фозга, чигит экиш 44—45 фозга, пахтачилик мажмуида 50—53 фозга (бу гектар бошига 8—9 тоннадан

табий ўғит солинганда гумуснинг тупроқдаги манбаи етарли бўлишини таъминлайди), табий ўғитлардан фойдаланиш 29—30 млн. т. га етказилди. Ерларни суғоришнинг илғор усуллари ва технологияларини жорий этиш, тупроқнинг шўрланиши (жумладан, такрор шўрланиш) ва ерларнинг сув босилишининг олдини олиш комплекс чораларини кўриш, сувнинг сарф бўлиш нормаларини қисқартириш имкониятини яратади. Ташкилий-хўжалик, ўрмон-мелиоратив ва гидротехник талабларни амалга ошириш йўли билан эрозия жараёнларининг сусайишини таъминлаш мумкин.

Табий муҳит билан мунтазам ўзаро муносабатда бўлувчи жинслар, рудалар, минераллар, ер ости сувлари ва литосфералар газлари тобора ўсиб бораётган антропоген таъсирга дучор бўлмоқда. Уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш хўжалик фаолиятининг кўпдан-кўп маҳсулотлари ва табиатнинг таркибий қисмлари кўчишига олиб келмоқда. Шунинг учун фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш асосида фойдали қазилмалар жойлашган ерларни самарали ва комплекс ўзлаштириш ҳисобига корхоналарнинг муайян товар маҳсулотини ишлаб чиқариш йиллик ҳажмини кўпайтиришга эришиш, тоғ жинсларини қазиб олиш миқдорини қисқартириш ва шу йўл билан атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишни камайтириш мумкин. Айни чоғда мазкур маҳсулот таннархи ҳозирги босқичдаги муайян кўрсаткичларга нисбатан 10—20 фоиз, капитал маблағлар салмоғи 30—35 фоизга камайиши мумкин.

Сув манбаларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш учун саноатда тоза сувни тежашни айлана сув таъминоти ҳисобига 1996 йилда 85 фоизга, жумладан, иссиқлик энергетикасида тегишли равишда 44 ва 64 фоизга етказиш мумкин.

Суғориш тармоқларини бутунлай қайта қуриш, сувнинг исроф бўлишини пасайтириш имконини берадиган бошқа тадбирларни амалга ошириш ҳисобига суғориш чоғида сувнинг гектарига сарф бўлишини 1996 йилда 15 фоиз камайтириш имконияти яратилади.

Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида сувнинг бундан буён ифлосланишининг олдини олиш учун муҳим тадбирларни амалга ошириш лозим. 1996 йилда буғланган оқар сувларни юза ва ер ости манбаларига ташлашни тўла-тўқис тўхтатиш, мавжуд сув омборларининг иш тартибини қулайлаштириш, дарёларнинг сув манбала-

рини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиб, уни барпо қилиш керак.

Коллектор сувларини тўплашни тартибга солиш, шўрланган сувларни тўплаш бўйича Амударёда сўл ва ўнг соҳил каналлар қуришни амалга ошириш сувни Орол денгизига оқизиш имкониятини яратади.

Ҳавони муҳофаза қилишдаги асосий йўналишлар қуйидагилардир:

— ҳавонини ифлосланиши йўл қўйиладиган даражадан ошиб кетган шаҳар ва аҳоли пунктларида 1996 йилга бориб ҳаво ҳолатини норматив талабда яхшилаш;

— 2000 йилгача республиканинг барча шаҳарларида, аҳоли пунктлари ва саноат марказларида ҳаво сифатини санитария-гигиена нормативлари даражасида яхшилаш;

— иқлимга салбий таъсир кўрсатишни камайтириш.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб этилади:

— яқин йилларда республиканинг энг ифлосланган шаҳарлари (Тошкент, Чирчиқ, Навоий, Фарғона, Ангрен, Олмалиқ, Андижон, Қўқон, Наманган, Бекобод) да ноқулай вазиятни юзага келтираётган корхоналардан, прогноз йилнинг (2000 йил) охиригача республиканинг қолган барча корхоналаридан ҳавога чиқадиган ташламалар ҳажмини белгиланган нормативлар даражасига тушириш;

— 1996 йил охиригача чиқитсиз технологияга, энергиянинг муқобил турларига ўтиш, янги чанг-туз тозалаш асбоблари, ёнилғи, олтингургуртдан тозалаш қурилмаларини ўрнатиш, мавжудларининг самарадорлигини ошириш, ишлатиб бўлинган ва эскирган технологик ускуналарни алмаштириш ҳисобига ҳавони ифлослантирувчи моддалар ҳажмини 0,99 млн. тоннага, 2000 йилгача эса — 0,85 млн. т. га тушириш;

— 2005 йилгача автотранспортдан заҳарли моддалар чиқаришни умуман республика бўйича 1,4 млн. т. га, яъни 1989 йилга солиштирганда икки ҳисса камайтириш керак. Этил бензинидан фойдаланишни тўхтатиш ва автомобилларни ишланган газларни бартараф қилувчи воситалар билан таъминлаш бу муаммони ҳал этишда муҳим йўналиш бўлади.

Ташламаларни камайтиришнинг бошқа чоралари:

— автомобиллар ва двигателларнинг тузилишини та-

комиллаштириш, ёнилғининг турли хилларидан, тутунга қарши қўшимчалардан фойдаланиш, газ билан ишлайдиган автомобиллар паркларини кўпайтириш, диагностика станциялар, техник хизмат кўрсатиш, ремонт қилиш шохобчаларини кўпайтириш, автомобилларнинг ишланган газлар заҳарлилиги ва сертутунлигини назорат қилиш самарадорлигини ошириш йўллари топиш;

— экологик жиҳатдан хавфли бўлган барча корхоналар атрофида санитария минтақалари яратиш ва 1996 йил охиригача бу минтақалар чегарасида яшайдиган аҳолини кўчиришни таъминлаш ва ҳ. к.

Ўрмонларни зараркунандалар ва касалликлардан биологик усулда ҳимоя қилиш, шаҳарликлар, аҳоли пунктлари ва саноат корхоналари теварагидаги яшил минтақалар майдонини кўпайтириш ва республиканинг жанубий туманларида сердарахт жойларни, ўрмон экинларини яратиш ҳисобига кўпайтириш, ўрмонларни бир бутун ҳолида ҳимоя қилишнинг минтақа шаклларини жорий этиш асосида зараркунандалар ва касалликларнинг дарахтзорларга салбий таъсири қисқартирилишини таъминлаш;

— ёнғоқзорлар ва арчазорларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш, бундай дарахтлар ўсадиган ерларда мол боқишни тўхтатиш;

— асосан санитария-гигиена ва соғломлаштириш ва зифасини ўтайдиган ўрмонлардан туризм, рекреация ва ўрганиш мақсадларида фойдаланишни ривожлантиришни тезлаштириш, уларнинг роли ва ҳуқуқ мақомини ошириш;

— доривор ўсимликларни саноат негизида такрорлаш чикаришни ташкил этиш.

Ўсимликлар қоплами, унинг манбалари ва сифати, наботот оламининг ранг-баранглигини таъминлаш, шунингдек ўсимликларнинг табиий туркумларидан фойдаланиш самарадорлигини ва биологик махсулдорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

— Ўзбекистон Республикасида наботот оламининг мавжуд таркибини сақлаш, турлар таркиби, айниқса ўсимликларнинг ноёб, йўқ бўлиб кетаётган турлари камайишига йўл қўймаслик;

— ўсимликларнинг хўжалик жиҳатидан қимматли, ноёб ва йўқ бўлаётган турларини ҳисобга олиш ва карталашни ўтказиш;

— ўсимликларнинг ноёб ва йўқ бўлаётган турларининг аҳволини даврий назорат қилиш тартибини йўлга қўйиш;

— ёввойи тарзда ўсадиган доривор ва эфир мойи берадиган ўсимликлар тайёрлаш ҳажмини, айниқса уларнинг манбалари озайиб кетган районларда (умумий миқдорларини камайтирмаган ҳолда) пасайтириш.

13.3. Ҳозирги даврдаги регионлараро экологик муаммолар

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг регионлараро моҳиятга эга бўлган муаммоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон — Марказий Осиё республикаларининг атроф-муҳитини сақлаш, табиий манбаларидан самарали фойдаланиш юзасидан узоқ муддатли йиғма дастурни ишлаб чиқиш лозим. Бу дастурда биринчи навбатда қуйидагилар назарда тутилади: Орол денгизи ҳавзасида сув, ер ва биологик манбалардан фойдаланишнинг комплекс тарҳини ишлаб чиқиш, Сирдарё ва Амударё ўзаниларида, уларнинг асосий минтақаларида сувни муҳофаза қилиш минтақалари қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, Тожикистон алюминий заводи, Аназоб очиқ кўмир кони, Қувасой цемент заводи ва бошқа шу каби sanoat корхоналари жойлашган минтақалардаги экологик жиҳатдан хавфли бўлган корхоналар ҳамда ишлаб чиқаришларни қайта ихтисослаштириш, қайта қуриш, кўчириш тадбирларини ишлаб чиқиш. Чордара ва Туя-мўйин сув омборлари минтақасида балиқ манбаларини муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, муҳофаза қилинадиган ҳудудлар, қўриқхоналар, халқ боғлари ягона регионал тармоғини яратиш. Устюрт ясси тоғлиги жанубида мавжуд Қоплонғир қўриқхонаси асосида ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб турини сақлаш учун республикалараро қўриқхона ташкил этиш ва ҳ. к.

Марказий Осиё давлатлари дастурининг мақсади ва вазифалари, уларни ҳал қилиш йўллари бевосита Орол бўйи муаммоси билан боғланган бўлиб, Орол денгизини табиий объект сифатида сақлаб қолиш, бу региондаги экологик ва санитария-гигиеник вазиятни тубдан яхшилаш ишига хизмат қилади.

Орол денгизини қисқарган акваторияда бўлса ҳам, сақлаб қолиш, республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни Орол денгизи районида экологик мувозанатни ушлаб қолиш билан оқилона қўшиб олиб бориш ва Оролбўйининг чўлга айланишини бартараф қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

— Марказий Осиё давлатлари Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида олиб борилаётган сув хўжалиги сиёсатини биргаликда қайта кўриб чиқишлари, айти замонда ўзларининг ички сув резервларини, Орол денгизига бера оладиган сув ҳажмини аниқлашлари керак. Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан комплекс фойдаланиш асосини денгизни табиий объект сифатида сақлаб қолиш ғояси ташкил қилиши керак. Орол денгизининг қуриган минтақасида, дарёлар дельтасида сув чиқариладиган ва суғориш зонаси вазифасини бажарувчи ҳимоя тўсиғини вужудга келтириш лозим. Сув камлигидан Оролбўйининг чўлга айланиш жараёнининг олдини олиш, региондаги биологик фаолликни қайта тиклаш, чорвачилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш имконини беради. Орол денгизининг қуриган тубини филтёр ва мелиорация қилиш, органик ўғитлар ва заҳарли химикатлар чиқарилишини тартибга солиш, ўсимликлар ҳимоясида биологик усулларни қўллаш бўйича илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш керак бўлади. Орол денгизи минтақасида сув хўжалиги тадбирларини барча табиий кўллари сақлаб қолган ҳолда амалга ошириш керак. Зовур сувларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун зарарли ҳисобланган тузларни чиқариб ташлашнинг илмий асосларини ва технологиясини ишлаб чиқиш лозим. Бундан ташқари аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишларни амалга ошириш, дарёлардаги сув сифатини балиқ хўжалиги сув ҳавзалари нормаларига мувофиқ келадиган даражада қайта тиклаш ишини биринчи навбатда ҳал қилиниши зарур бўлган масалалардан бири, деб ҳисоблаш зарур. Саноат корхоналарида айланма ва ишлатиладиган сувдан қайтадан фойдаланиш ҳажмини кўпайтириш, янги қурилаётган ва таъмирланаётган корхоналарда сувсиз ёки сув кам ишлатиладиган технологик жараёнларни жорий қилиш йўлида кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар мажмуини амалга ошириш

керак. Республикада сувдан фойдаланиш масалаларини аҳоли сонининг ўсиши, саноат потенциалининг ошириши, мавжуд суғориладиган экин майдонларини ва Орол денгизига берилладиган сув миқдорини сақлаб қолишни назарда тутган ҳолда ўзимизнинг сув ресурсларимиздан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда ташқаридан сув олиш ҳисобига ҳал қилмоқ зарур. Бироқ бу ерда юз берган экологик фалокат шу қадар миқёс касб этганки ва унинг натижасида табиий муҳит шу қадар барқарор ўзгарганки, бу муаммони фақат Ўзбекистон Республикаси имкониятлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабли ҳозирги кунда Марказий Осиё давлатлари томонидан тузилган мақсадли дастурлар асосида халқаро даражадаги ягона узоқ муддатли комплекс дастур ишлаб чиқилмоқда ва мазкур дастурда бу ерда вужудга келган кескин экологик вазиятнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳисобга олиш кўзда тутилган.

13.4. Иқтисодий механизмни жорий қилиш

Экологик билим асосларига ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига таянадиган иқтисодий механизм халқ хўжалигини бошқариш бир бутун тизимининг ажралмас қисмидир. Бошқарувнинг республика ва маҳаллий маъмурият органлари табиатни муҳофаза қилишнинг самарали системасини ташкил этиш, табиий манбалардан комплекс фойдаланиш ва республика ҳудудида экологик вазият ҳолати учун бутун маъсулиятни ўз зиммаларига олишлари лозим. Бу органларнинг ҳуқуқлари тубдан кенгайиши муносабати билан табиатни муҳофаза қилишда тармоқ бошқарувидан ҳудудлараро бошқариш ва режалаштиришга ўтиш зарур.

Табиатдан фойдаланишнинг экологик механизми асосларини қуйидагилар ташкил этади: табиий манбалардан фойдаланиш (истеъмол қилиш) лимитлари, ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқариш (ташлаш) лимитлари, табиий манбалардан фойдаланганлик тўғрисида тўловлар, табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар, табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудлараро фондлари ва корхоналарнинг шундай фондлари тизими, бозор иқтисодиёти шароитида маблағларни шакллантиришнинг янги молия-кредит механизмлари.

Яқин келажакда қуйидаги ташкилий-иқтисодий ху-

сусиятга молик комплекс тадбирларни амалга ошириш зарур:

— табиий манбаларга тўлов нормативларини, шунингдек, табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик (ташланганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун тўлов нормативларини корхоналарга узоқ мuddатли нормативлар таркибига киритиш учун етказиш;

— ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқаришга йўл қўйиладиган (белгиланган лимитлар) даражадан оширганлик учун, шунингдек табиий манбалардан самарасиз фойдаланганлик учун бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлардан оширилган ҳақ чегириб олиш (иқтисодий нормативга нисбатан қисқа миқдорда);

— табиий манбалар учун амалдаги тўловларни ҳудудларaro табақалаштириш даражасини ошириш ва яхшилаш, шунингдек табиатдан фойдаланиш учун тўловлар тартибини тўлдириш, жумладан, ер, ўрмон, сув манбалари, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва наботот олами муҳофаза қилишга кетадиган харажатларни тўлдириш учун тўловларни унинг таркибига киритиш;

— табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий фондларига банк муассасаларининг қарзлар бериш ва бошқа шунга ўхшаш жараёнларни бажариш бўйича вазифалар билан шуғулланиши киритилган ҳолда табиатдан фойдаланишни молиявий-кредит тартибга солишнинг янги усулларини жорий этиш;

— нарх қўйишни ислоҳ қилиш жараёнида маҳсулотларнинг улгуржи ва харид нархларини жаҳон нархларига яқинлаштириш, табиатдан пул тўлаб фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва экологик-иқтисодий оқибатларга ижтимоий зарур харажатлар сарфланишини назарда тутиш;

— табиатни муҳофаза қилиш қонунларига намунали риоя қилинганлик учун корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

— табиатни муҳофаза қилиш жиҳозлари, материаллар, реагентлар, асбоблар ва атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан корхоналар, ишлаб чиқаришлар, кооперативларга солиқ солишнинг имтиёзли тартибини, шунингдек экологик жиҳатдан

хавфли маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун солиқ солишни белгилаш;

— хўжалик ҳисоби асосида табиатни муҳофаза қилиш ишлаб чиқариш фондлари (тозалаш иншоотлари, қурилмалар ва бошқалар) дан самарасиз фойдаланганлик учун меҳнат жамоалари, корхоналар раҳбарлари ва алоҳида ходимларнинг иқтисодий масъулиятини ошириш.

Табиий манбалар ва атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик (ташлаганлик) учун тўлов нормативларини белгилаш бўйича услубий ҳужжатларни текширишдан ўтказган ҳолда табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг янги иқтисодий механизми қисмларини тажрибада синаб кўриш ва яқин йилларда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқаришнинг янги тизимини тўла-тўқис ишлатиб кўриш ва шу тариқа табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари асосан экологик усулда амалга оширилишига таъсир кўрсатиш таълаб этилади.

II БУЛИМ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА УТИШ ИУНАЛИШЛАРИ

XIV БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА УТИШНИНГ АСОСИЙ ИУНАЛИШЛАРИ

14.1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг объектив зарурлиги

Бозор иқтисодиётига ўтиш объектив заруриятдир. Фақат шу йўл билангина иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, илғор техника ва технологияга ҳамда самарали ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш биздан илғор индустриал давлатлар тажрибасидан фойдаланишни талаб этади. Лекин ҳеч қандай тажрибани кўр-кўрона, маҳаллий шароитнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олмасдан жорий қилиб бўлмайди. Ушбу бобда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида фикр юритилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти қандай пайдо бўлди? Иқтисодиётнинг ўта марказлашуви, маъмурий-буйруқбозлик тизими ўзини оқламади. Иттифоқ даврида мамлакат иқтисодиёти оғир, инқирозли аҳволга тушиб қолди. Дунёда қудратли техника инқилоби давом этди. Мамлакатимизда эса иқтисодиётни бошқаришдаги маъмурий-буйруқбозлик усули билан фан-техника тараққиёти рад этиладиган ҳолатга тушиб қолди. ~~Технологиядаги қолоқлик кучайди. Бунинг устига инсон камолотига, ташаббусига, омилкорлик кўрсатишига ундайдиган жиддий шароитлар йўқ бўлган муҳитга тушиб қолинди.~~

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга илгарироқ киришиш учун зарур шарт-шароитлар етилмаган эди. Иқтисодиёт қатъий марказлаштирилган режалаштириш, тақсимлаш, назорат асосига қўйилган бир пайтда бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Шунинг учун бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик бир неча босқичдан иборат бўлмоқда.

Мамлакатда гарчи қийинчиликлар билан бўлса-да, 1991 йилдан бошлаб ижарачилар ҳаракати ривожлантирилди. Бу ҳаракат ҳозирнинг ўзидаёқ миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Ижарачилар

«енг фикрли, масалага давлат манфаатларини кўзлаб ва катта масъулият туйғуси билан ёндашадиган кишилардир. Хўжалик юритишнинг янги шароитлари, инсоннинг иқтисодиётдаги ҳолати унинг фуқаролик мавқеига катта таъсир ўтказа бошлади. 1994 йилнинг бошигача республикада 7600 та корхона хусусийлаштирилди, 1300 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилди.

Маҳаллий саноатда, савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда мат.л.убот кооперацияси, мева-сабзавот саноати тизимида хусусийлаштириш ишлари давом этмоқда.

Биргина 1993 йилда маҳаллий саноат корпорацияси тизимида 200 дан ортиқ корхона, «Ўзбексавдо» уюшмасида 3 мингтага яқин, «Ўзбекбирлашув» да салкам 4 мингта корхона, «Ўзмаишийхизматуюшма» тизимида эса 5 мингтадан кўпроқ объект қайта ташкил қилинди.

1992—1993 йилларда республикада умуман 15 мингтадан кўпроқ корхона нодавлат мулкчилик шаклларига, шулардан 10500 таси ёки салкам 70 фоизи хусусий ва оилавий мулкчилик шаклига айлантирилди.

Ўтган йиллар мобайнида аграр соҳада ҳам хўжалик юритишнинг янги шакллари зўр бериб изланди. Шундай ҳаракатлар бўлмаганда иқтисодий ислохотни жадаллаштириш юзасидан янги вазифаларни ўртага қўйиш амри маҳол бўлур эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Мулкчилик тўғрисидаги, Ижара ҳақидаги, Ер тўғрисидаги қонунларнинг аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Улар шундай ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб бермоқдаки, бу шарт-шароитлар мулкчилик муносабатларини чуқур ислох қилиш ва кўн укладди иқтисодиётни барпо этиш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида иқтисодий турмушнинг янги шаклларига ўтиш имконини беради.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти мамлакатимиз истеъмол бозоридаги ҳақиқий аҳвол, молиявий аҳвол, бутун ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётидаги аҳвол бошқариладиган бозор муносабатларига ўтиш жараёнини янада тезлаштиришни талаб қилмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг қай даражада муҳимлигини қуйидаги маълумотлар ҳам кўрсатади. Ижтимоий ишлаб чиқариш миқёсларининг ва самарадорлигининг камайиши 1991—1992 йилларда давом

этди. Масалан, ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 1992 йилги 9,6 фоиздан 1993 йилнинг биринчи ярмида 3 фоизгача, саноат ишлаб чиқаришида эса 6 фоизгача тушди.

1993 йилда республика иқтисодиётида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар стратетик жиҳатдан муҳим мақсадни амалга оширишга имкон берди. Натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилги 40 фоиздан 1993 йилда 61 фоизга кўпайди.

Пахта толасини республикада қайта ишлаш ҳам анча ошди. Масалан, ўзимизда қайта ишланаётган тола 1993 йилда 10 фоиздан 16,5 фоизга етди.

Республика мудофаа тармоқларида тайёрланаётган буюмларнинг ўзгартирилиши ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар улушини оширишда муайян роль ўйнади. «Алгоритм» радиоэлектрон аппаратлар заводида, «Восток», «Ўзэлектроаппарат», «Ўзэлектрокабел» бирлашмаларида ва бошқа корхоналарда аграр сектор учун техника, телевизор, радиоприёмниклар, видеоманитофонлар, хилма-хил электр хўжалик ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. ИЛ-114 самолётини республикада кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

1993 йили халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 89% га бажарилди, холос. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтиш орқали иқтисодиётимиздаги аҳволни барқарорлаштириш кўзда тутилмоқда.

1992—1994 йилларда иқтисодиётдаги ҳолатни умумий ҳолда қуйидагича тавсифлаш мумкин:

а) иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайганлиги ва ижтимоий ишлаб чиқариш миқдорининг камайганлиги;

б) инвестиция соҳасидаги камчиликлар;

в) ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши натижасида ишлаб чиқариш соҳасидаги фойданинг ва бюджетга тушадиган даромаднинг камайиши;

г) талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бутунлай бузилганлиги ва пул муносабатлари ҳолатининг ўзгарганлиги;

д) ташқи иқтисодий фаолият натижаларининг ёмонлашуви, импортнинг ўсганлиги сабабли ташқи мамлакатлардан қарзлар миқдорининг кўпайиши;

ж) жаҳон бозоридан мамлакатимизга бўлган ишончнинг камайганлиги;

з) экспортга мол етказиб бериш интизоми бузилиш ҳолларининг кўпайганлиги ва бошқалар.

Буларнинг барчаси мамлакат иқтисодиётининг инқирозли ҳолатга келишига таъсир этди. Бундан ташқари истеъмол бозоридаги тақчиллик, баҳоларнинг кескин ўсганлиги, аҳоли ижтимоий ҳимояланишининг ёмонлашуви, сиёсий тангликнинг кучайиши бозор муносабатларига ўтишни объектив зарурият қилиб қўйди. Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш орқали юқорида қайд қилинган салбий ҳолатлар бартараф қилиниши лозим. Бозор иқтисодиётига эса бирданига шу ҳолатда ўтиб бўлмайди, бунинг учун маълум чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш талаб этилади.

14.2. Бозор муносабатларининг моҳияти

Бозор муносабатларига ўтилар экан, биринчи навбатда, бозорнинг нима эканлигини билиб олиш зарур. Шундан кейингина бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор муносабатларининг афзалликлари ҳақида фикр юритиш мумкин.

Бозор — бу иқтисодий муносабатлар йиғиндиси бўлиб, товарларни олиш-сотиш билан боғлиқ бўлган жараёнлардир. Бозордаги асосий субъектлар ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар), истеъмолчилар (сотиб олувчилар) ва ўртада турувчилар (воситачилар) ҳисобланади.

Бозор таркиби ўз навбатида капитал бозори ва товарлар бозоридан иборат. Шунга қараб бозорга янада бошқача таъриф бериш мумкин. Бозор — бу иқтисодиётни ташкил қилишнинг махсус усулидир, у ерда одамлар пул орқали ўзларининг меҳнатлари нагижаларини олди-сотди қиладилар.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш айрим шарт-шароитлар мавжуд бўлишини талаб қилади. Булар корхоналарнинг мутлақо мустақиллиги ва иқтисодий жавобгарлиги, баҳо белгилашдаги эркинлик, рақобат, моддий-молиявий шароитнинг ҳамма учун бир хиллиги, бозор структурасининг ишлаб чиқариш структурасига мос туриши, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиниши, иқтисодий бошқарув бўғинларини яратиш ва бошқалардир. Аммо бу шарт-шароитларни тезда яратиш қийин, у маълум бир вақтни талаб қилади.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шarti бўлиб моддий-молиявий шароитни тез орада

яратиш ҳисобланади. Бунга пул миқдорини камайтириш, молия-кредит сиёсатини ўзгартириш ва баҳо белгилашни янгича ташкил қилиш орқали эришиш мумкин.

Бозор муносабатларини ташкил этиш ва ривожландиришнинг асоси шундаки, бунда ҳар хил мулкчилик шакллари пайдо бўлади, улар асосида корхоналар мутлақо мустақилликка эришади. Бозор муносабатларининг негизи яна шундаки, нархларнинг давлат томонидан қатъий белгиланиши кескин камаяди. Иқтисодиётда бир неча хил нархлар мавжуд бўлади: эркин нархлар, давлат томонидан белгиланадиган нархлар ва шартнома асосида белгиланадиган нархлар.

Бозор иқтисодиёти негизи учта қисмдан иборат. Биринчи қисми бозор муносабатлари ташкил қилади, унда бозор иштирокчилари ўз-ўзини эркин равишда топади, рақобат ва юқорида айtilган нархлар ташкил топади. Иккинчи қисми давлат томонидан иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ишлари ташкил қилади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда XIX асрдаги эркин бозор муносабатлари йўқотилган, уларнинг ўрнига давлат томонидан тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти ташкил топган. Учинчи қисм эса бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидир. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинмас экан, нархлар ошиши натижасида вужудга келадиган зарар аҳоли зиммасига тушади. Бундан ташқари бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш унга хос бўлган иқтисодий ташкилотлар мавжуд бўлишини тақозо этади. Бундай янги ташкилотлар таркибига фонд биржаси, меҳнат биржаси, товар биржаси, банклар, концернлар, ассоциациялар, ташқи савдо ташкилотлари ва ҳоказолар киради.

Юқорида айтиб ўтилганлар умумлашган ҳолда бозор муносабатларининг асосини ташкил этади. Ҳозирги шароитда бозор иқтисодиётига ўтилар экан, бунда давлатнинг бозорни тартибга солишдаги роли катта аҳамиятга эга.

14.3. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш зарурлиги ва йўллари

Ҳозирги кунда бирорта ҳам мамлакатда соф бозор мавжуд эмас. Барча мамлакатларда иқтисодиёт озми-кўпми тартибга солинади. Агар иқтисодиёт давлат то-

монидан тартибга солинмас экан, ишлаб чиқариш соҳасида албатта инқироз ҳолатлари вужудга келади. Ҳозирги кунда ривожланган бозор хўжаликларида давлатнинг у ёки бу даражада иқтисодиётга аралашуви мавжуд. Лекин барча ривожланган мамлакатларда ҳам давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бир хил эмас. Масалан, Швеция, Финляндия каби мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кенг миқёсда бўлиб, бу асосан ижтимоий соҳага тегишли янги ижтимоий демократизм сиёсатидир. Англия, Италияда эса давлат иқтисодиётга кам аралашади.

Бозор иқтисодиётининг асоси товар ишлаб чиқарувчиларнинг қай даражада эркинлиги билан белгиланади. Агар товар ишлаб чиқарувчилар мутлақо эркин бўлишса, бозор муносабатлари ривожланган бўлади ва шу билан бирга инқирозга олиб келиши мумкин. Масалан, АҚШ да қишлоқ хўжалигининг ривожланишига давлат уч хил усулда: қонун йўли билан, маъмурий йўл билан, иқтисодий йўл билан аралашади. Шунини таъкидлаш керакки, агар иқтисодиётни самарали иқтисодиётга айлантирмоқчи бўлсак, бозор шароитида ҳам уни тартибга солиш албатта лозим бўлади.

Илғор мамлакатлар тажрибасида қўлланган ва бугунги кунда ҳам қўлланилаётган бозор иқтисодиётини тартибга солишнинг турли хил йўллари мавжуд. Шунини ҳам айтиш керакки, бу мамлакатларда қўлланиладиган усуллар бизнинг шароитга тўғри келмаслиги мумкин. Мазкур мамлакатларда иқтисодиётни тартибга солиш йўллари инглиз иқтисодчиси Ж. Кейнс томонидан яратилган махсус циклларга қарши сиёсатдан бошланган эди. Бу сиёсатнинг негизи миллий пул даромадларини яратиш учун мўлжалланган моделдир. Бу моделининг камчилиги шундаки, у реал иқтисодиёт қонунларига риоя қилмайди. Давлат даромадини ва харажатини тўғрилаш, шунингдек солиқ ставкасини ўзгартириш бу сиёсатнинг моҳиятини ташкил этади. Солиқ ставкасини ўзгартириб эҳтиёжларни кенгайтириш ва камайтиришга эришиш мумкин.

АҚШ нинг атоқли олими М. Фридманнинг назарияси бўйича давлат томонидан иқтисодий тартибга солиш учун пул массасининг ўсиш суръатларини доимо бир маромда сақлаш лозим. Шунингдек, ҳозирги кунда бозор иқтисодиётини ривожланган мамлакатлар солиқлар, кредит, валюта сиёсати, баҳоларни назорат қилиш, ин-

вестицион қонунчилик, режалаштириш, дастурлаштириш ва бошқа маъмурий таъсирлар орқали тартибга солимоқдалар.

Солиқлар орқали тартибга солиш шунга асосланган: бирорта маҳсулот кўпроқ ишлаб чиқарилиши лозим бўлса, шу маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга камроқ солиқ солинади, агар шу маҳсулотни камроқ ишлаб чиқариш лозим бўлса, кўпроқ солиқ олинади.

Кредит орқали эса ишлаб чиқарувчиларга кредит бериш миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш, фонзини ўзгартириш натижасида таъсир кўрсатилади.

Бозор иқтисодиётини тартибга солишда баҳолар айниқса катта ўрин тутади. Давлат томонидан олиб борилаётган нарх сиёсатига қараб мақбул равишда иқтисодиётни бошқариш мумкин.

Бундан ташқари ҳозирги кунда илгор мамлакатларда иқтисодиётни бошқаришда дастурлаштириш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, иқтисодиётни бошқаришда мулк шакллариининг хилма-хиллиги ниҳоятда катта роль ўйнайди. Масалан, АҚШ да яратилаётган миллий маҳсулотнинг 40 фонзи, капитал қурилишининг 25 фонзи давлат секторига тўғри келади ва бозорнинг ўзгаришига қараб бу нисбат ўзгартириб турилади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бизнинг олдимизда турган муҳим вазифалардан бири мулкнинг қанча қисмини хусусийлаштиришни оқилона даражада аниқлашдан иборат.

Ҳозирги кунда барча ривожланган мамлакатларда бозорни тартибга солувчи восита сифатида режалаштириш ва дастурлаштиришдан кенг фойдаланилмоқда. Биз ҳам бозор иқтисодиётини тартибга солишда режалаштиришдан муқобил равишда фойдаланишимиз лозим. Чунки бизда шу вақтгача ҳам режалаштириш мавжуд эди. Энди иқтисодиётни тартибга солишда режалаштиришнинг моҳиятини бутунлай ўзгартириш кўзда тутилмоқда, яъни директив (кескин, қатъий) режалар ўрнини индикатив (тавсиявий) режалар эгаллаши мумкин. Бунинг маъноси шуки, эндиликда марказлашган қатъий режалаштириш ўрнига тавсиявий режалар ишлаб чиқилади. Бу режалар ишлаб чиқаришни, истеъмолни ривожлантиришнинг энг мақбул йўллариини ўзида мужасамлаштиради. Биринчи навбатда, шундай режалар бир йил муддатга тузилиши кўзда тутилмоқда. Корхоналар хоҳласа шу режа асосида ишини давом эттирадилар,

агар хоҳламаса, ўзлари билганича иш юритади. Бу, албатта, хусусий сектордаги корхоналар учун шундай бўлади. Давлат корхоналари эса (давлат томонидан) марказдан тузилган режалар бўйича иш юритади. Кейинчалик эса 10—15 йилга мўлжалланган тавсиявий режалар ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Шундай қилиб, биз хулоса қилишимиз мумкинки, бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, бозорни тартибга солиш йўлларининг энг мақбулларини танлаб олиб, ишлаб чиқаришни, бозорни тартибга солишда улардан фойдаланишимиз лозим.

14.4. Бозор муносабатларининг республика иқтисодий мустақиллигига таъсири

Бошқариладиган бозор иқтисодиёти юқори самарали меҳнат унумдорлиги ютуқларига таяниб боради. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор механизмасиз юқори самарали иқтисодиёт ҳам йўқдир.

Бозорга ўтиш даврида қуйидагиларга катта эътибор бериш керак: молия ҳолатини яхшилаш, сўмнинг қадрсизланишини камайтириш, истеъмол бозорини баланслаштириш.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич даврида салбий оқибатлардан қочиб бўлмайди. Ишлаб чиқаришнинг бирмунча пасайиши асосан «А» гуруҳ маҳсулотлари ва саноат қурилишида кўзга кўринади. Ишсизлар сони бир оз ортади. Аҳолининг моддий аҳволи баҳолар ошиши натижасида ёмонлашади.

Фақат Ўзбекистоннинг ўзида бозор муносабатларига ўтиш билан ишсизлар сони, ҳисоб-китобларга қараганда, 2—2,5 баробар кўпайиши мумкин. Бу салбий оқибатларнинг олдини олиш учун эса ижтимоий ҳимоя қилиш механизми зарурдир. Бу ижтимоий ҳимоя доирасига асосан ишсизлар, меҳнатга яроқсиз кишилар, кўп болали оналар кириди. Давлат бу тоифа кишиларни ижтимоий ҳимоя қилишни икки йўл орқали амалга ошириши мумкин:

1. Қам таъминланган кишиларнинг меҳнати билан ўзларининг молиявий аҳволларини бирмунча яхшилашлари учун шароит яратиш.

2. Марказлашган ҳолда ночор кишилар ва oilаларни маблағ билан таъминлаш.

Агар биринчи йўл рағбатлантиришга асосланса, иккинчиси ижтимоий компенсация қилишга асосланган. Бу ўринда асосий масала ишсизликни йўқотиш муаммосидир. Ўзбекистон аҳолисини иш билан таъминлашнинг оқилона йўлларини топиш учун аввало фаол таркибий сиёсат ўтказиш лозим. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш ва янги иш жойларини ташкил этиш билан чет эл давлатлари сармояларини жалб қилиш керак.

14.5. Бозор иқтисодиётига ўтиш дастури ва унинг асосий йўналишлари

Бозорга муносабат ҳар хил. Баъзилар уни ҳар қандай мушкулотлардан қутилтирадиган омил, замонавий, гуллаб-яшновчи жамият қуриш учун бирдан-бир имконият деб билмоқдалар. Бошқалар ўтиш босқичидаги турмуш шароитининг ёмонлашувидан хавфсираб, бозорга шубҳа билан қарамоқдалар. Учинчи кишилар бу ғояни мутлақо қабул этмаяптилар.

Мана шундай бир пайтда ҳукумат фавқулодда мураккаб иш қилиниши лозимлигини пайқаб турибди. Бу вазият эса қуйидагиларни тақозо этмоқда.

Биринчидан, бозорга ўтишни ҳам, шунингдек, мамлакатдаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришни ҳам таъминлайдиган чора-тадбирларни аynи бир вақтда амалга ошириш зарур. Аввало, бюджетнинг камомадини камайтириш, пул муомаласини соғломлаштириш, сўмнинг обрў-эътиборини ва харид қобилиятини мустаҳкамлаш, истеъмол бозорини мўл-кўл таъминлаш вазифаларини алоҳида ажратиб олиш талаб этилади.

Иккинчидан, воқеа ва ҳодисаларга аниқ қараш, муҳокама қилинганда иқтисодий турмушни бир кун тўхтатиб бўлмаслигини унутмаслик лозим. Поезд ва самолётларнинг қатновида, металл қуйишда, кимё корхоналарида, чорвачилик соҳасида ва новвойхоналарнинг ишида узилишлар бўлмаслиги зарур. Бунинг олдини олиш учун бозор муносабатларини ривожлантириш билан бирга, қандай ҳамлиб бўлмасин, хўжалик алоқаларини сақлаб қолш ҳамда бу алоқаларнинг узилишига йўл қўймаслик лозим.

Учинчидан, сиёсий барқарорликка, қонунни ва ҳуқуқ-тартиботни ҳурмат қилишга, ижрочилик интизомига қаттиқ риоя этилишига эришмоқ керак. Қонунга амал қилмай қўйган мамлакат муқаррар равишда ўзаро ку-

рашувчи гуруҳларнинг олишув майдони бўлиб қолади, унда порахўр унсурларнинг таъсири кучаяди, бузғунчилик жараёнлари бошқарув тизимига тобора кўпроқ тўсқинлик қилади.

Иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини чуқурроқ идрок этиш, уларнинг ҳаётий зарурлигини аниқ-равшан англаб этиш лозим. Республикадаги ҳар бир раҳбар, ходим, илғор фикрловчи киши ислохотлар ғояси билан яшаши керак. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий дастурининг энг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

— бозор муносабатларига ўтиш — иқтисодий дастурнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу принципга мувофиқ бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш керак. Авваламбор, ўзини оқламаган маъмурий-буйруқ-бозлик бошқарув принципларидан, ўта марказлаштирилган тақсимлаш тизимидан, шаклланган текисчилик ва боқимандалик кайфиятидан қатъиян воз кечиш лозим;

— бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгаллик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Бу борада бугунги кунда республикамиз иқтисодиёти олдида турган энг муҳим масалалар қуйидагилардан иборат:

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган хусусий, акционерлик, жамоа ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан аралаш кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш;

— нарх-наволарни босқичма-босқич эркинлаштириш, монополияга қарши қаттиқ сиёсат ўтказиш, давлат корхоналарининг фаолиятини тижоратлаштириш ҳисобига рақобат муҳитини вужудга келтириш;

— бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, иш кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, бозор инфраструктурасини вужудга келтириш, бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрлар тайёрлаш.

Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиши бирин-

чи навбатда ҳаётнинг ва иқтисодиётнинг барқарорликка эришуви билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам иқтисодиётнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Иқтисодиёт барқарор бўлгандагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Ҳозирги вазият тангликни бартараф этиш ва пулнинг қадрсизланишини жиловлашни тақозо этмоқда. Аҳолининг турмуш даражаси кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун тезкорлик билан қаттиқ, баъзида кўпчиликка хуш келмайдиган чоралар кўрилиши зарур. Иқтисодиётни барқарорлаштириш бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Республикада иқтисодиётни барқарорлаштира бориб бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш лозим ва шу мақсад йўлида қуйидагиларга амал қилиш керак:

— қатъий молиявий сиёсат ўтказиш, яъни бюджет маблағлари қаттиқ назорат остида бўлиши ва давлат томонидан даромад тушишига қарабгина ажратилиши лозим. Солиқ сиёсатини ҳам янада такомиллаштириш зарур. Иқтисодий вазиятни умумий тарзда соғломлаштириш бюджет даромад қисмини кўпайишининг асоси бўлиши керак;

— кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш керак. Банк кредитлари биринчи навбатда халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик ҳамда бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиганларга берилиши лозим. Айни вақтда асосиз кредит экспансиясига, заём маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўймаслик қатъий талаб этилади. Банклар инвестиция дастурининг қатнашчиларидан бири, шунинг учун ҳар бир тармоққа тўғридан-тўғри қўйиладиган сармояларнинг кафиллари бўлиши керак;

— ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга кўмаклашиш ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантиришдир, чунки ишлаб чиқаришни қайтадан тикламай туриб ички молиявий ва ижтимоий барқарорликка умид боғлаб бўлмайди;

— пулнинг қадрсизланишига ва монополияга қарши таъсирчан чора-тадбирларни ўтказиш, монополист кор-

хоналарнинг улгуржи ва чакана нархларни ошириб юборишларига йўл қўймаслик зарур.

Иқтисодий дастурнинг стратегик вазифаси — иқтисодиётимизнинг таркибини қайта қуришдир, яъни иқтисодиётнинг бир ёқлама хом ашёга йўналтирилганлигини қатъиян бартараф этиш ички сиёсатнинг энг муҳим устивор йўналишидир. Стратегик жиҳатдан ўсишга эришмоқ учун ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш зарур. Ҳақиқатан ҳам бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиёти марказдан бошқариладиган ягона халқ хўжалик мажмуининг таркибий қисми эди. Марказ қабул қиладиган кўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Хуллас, чор империяси давридагидек, республика хом ашё стратегик база эди. У тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозорга айланиб қолганди. Республика улкан табиий бойликларидан фойдаланилмаган ҳолда даромадлар унинг ҳудудидан олисда қолиб кетарди.

Шунинг учун республика иқтисодиётини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича ишлаб чиқарилаётган чора-тадбирлар аввало қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилиши лозим:

— қишлоқ хўжалик хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқурроқ қайта ишлашни, уларни тайёр маҳсулот даражасига етказиш, қишлоқ хўжалик ресурсларини қайта ишлашга алоҳида аҳамият бериш керак. Янги қайта ишлов қувватларини яратиш, кенг миқёсларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, трикотаж, тўқимачилик, тикувчилик саноатини, сермеҳнат тармоқларни ривожлантириш, тайёр буюмларнинг хилларини кўпайтириш, уларни ташиб келтиришни камайтириш ва экспортни ошириш;

— пахта тозалаш ва қайта ишлаш саноатидан иборат бўлган халқ хўжалиги мавжуд таркибининг истиқболли йўқдир. Шунинг учун асосий вазифа илм-фанга асосланган техник жиҳатдан мураккаб тайёр маҳсулот улушини кўпайтириш ва унинг рақобат қобилиятини таъминлаш, ақлий салоҳият негизда юксак техникага эга бўлган корхоналарни вужудга келтириш;

— илғор технологияларга, замонавий ишлаб чиқариш таркибига ўтишни таъминлаш, минерал ресурсларни комплекс қайта ишловчи ўзаро боғлиқ тармоқлар тизимини шакллантириш.

**XV БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
МУАММОЛАРИ**

15.1. Аҳоли ва иқтисодиётнинг ўсиши

Аҳоли ва унинг энг фаол қисми бўлган меҳнат ресурслари макроиқтисодиётнинг асосий қисми ҳисобланади. Макроиқтисодиёт аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий йўналишларини тадқиқ этиш орқали уни самарали бошқариш ва миллий иқтисодиётни юксалтиришни мақсад қилиб олади, чунки меҳнат ресурслари ва унинг фаол қисми бўлган иш кучи ишлаб чиқарувчи кучларнинг энг асосий қисмидир. Шу билан бирга меҳнат ресурслари бозор иқтисодиёти муносабатларининг таркибий элементиدير.

Меҳнат ресурслари ҳамда иш кучининг манбаи бўлиб аҳолининг табиий ўсиши ҳисобланади. Аҳолининг табиий ўсиши кўп омилларга боғлиқ. Шулардан асосийси мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлардир.

13-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг ҳудудий тузулмаси

Вилоятлар	Майдони (минг км ²)	Аҳоли сони (минг киши)			Аҳоли сони зичлиги (1 км ² ҳисобига)
		1979	1989	1991	
Ўзбекистон Республикаси	447,4	15391	19905	20708	46,3
Қорақалпоғистон Республикаси	164,9	902	1215	1274	7,7
Андижон вилояти	4,2	1349	1727	1795	427,4
Бухоро вилояти	142,1	1263	1629	1708	12,0
Жиззах вилояти	20,5	511	738	780	38,0
Қашқадарё вилояти	28,4	1121	1599	1698	59,8
Наманган вилояти	7,9	1100	1477	1558	197,2
Самарқанд вилояти	24,5	1183	2291	2386	97,4
Сурхондарё вилояти	20,8	895	1254	1336	64,2
Сирдарё вилояти	5,1	449	569	580	113,8
Тошкент вилояти	15,6	1779	2135	2179	275,5
Фарғона вилояти	7,1	1694	2154	2226	313,5
Хоразм вилояти	6,3	747	1015	1068	169,6
Тошкент шаҳри		1798	2102	2120	

Ижтимоий-иқтисодий вазиятни соғломлаштириш учун энг аввало иқтисодиётни барқарорлаштириш ва уни тартибли, илмий асосда бошқариш зарур. Бозор иқтисодиёти


ти шароитида республикамизда меҳнат бозорини, меҳнатни бошқариш институтларини ва иқтисодий-ҳуқуқий механизмларни яратиш талаб этилади. Бозор иқтисодиёти эркин ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг горизонтал муносабатларига асосланар экан, ишсизлик, қашшоқлик, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг беқарорлиги каби салбий ҳодисаларнинг бўлиши мумкинлигини назарда тутиш зарур. Бундан ташқари, республикамиз ҳудудлари аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Булар вилоятлардаги туғилиш, аҳолининг зичлиги, малакаси, мутахассислиги ва ишчи кадрларнинг тақсимланиши, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати, урф-одатлар ва шу каби хусусиятларда кўринади. 125-бетдаги 13-жадвалда берилган маълумотлардан оддий ижтимоий-иқтисодий статистика ҳисоб-китоблари ёрдамида аҳоли ва меҳнат ресурслари муаммоларини янада чуқурроқ тасаввур этиш мумкин.

Демак, макроиқтисодиётнинг муттасил ўсиш суръатларини таъминлаш учун республика аҳолисининг табиий ўсиш суръатларини тартибга солиш лозим. Аҳолининг ўсиши эса иш кучининг манбаидир. Улар бир-бири билан боғлиқ ҳолда батафсил ўрганилади.

15.2. Меҳнат бозори ва ундаги рақобат

Меҳнат бозорида ҳам талаб ва таклиф қонунлари амал қилади. Меҳнат бозорида иш кучининг рақобат шароитида олди ва сотдиси амалга оширилади. Бунда ўзига хос мувозанат баҳо ўрнатилади. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф қонуни ва унинг моҳиятини англашдан олдин иш кучининг иш билан бандлиги концепциясини билиш лозим. Иш билан бандликнинг классик назариясини ёритиш ҳозирги меҳнат бозоридаги рақобат шароитида «талаб ва таклиф» нинг умумбашарий функциясидан бошланади. Ҳозирги рақобат шароитида ишбилармонлар иш кучидан шундай миқдорда фойдаландиларки, бунда меҳнатнинг юқори маҳсули реал иш ҳақи билан тенг бўлиши ёки иш ҳақи ҳажмининг пулдаги ифодаси меҳнатнинг юқори маҳсули қийматига тенг бўлиши керак. Агар реал иш ҳақи ҳажми ошса, ишбилармон иш кучига бўлган талабни қисқартиради, агар реал иш ҳақи ҳажми камайса, иш кучига бўлган талаб ортади. Бу ерда ишбилармон шу йўл билан даромаднинг камайишини мувозанатлаштиради.

Макрокўламдаги талаб ва таклиф назарияси асосида меҳнатга бўлган талабнинг эгри чизиги қуйидаги кўринишга эга бўлади (2-график).



бу ерда: L — талаб қилинадиган меҳнатнинг миқдори;
 $\frac{W}{P}$ — реал иш ҳақи миқдори;
 L_a — меҳнатга бўлган талабнинг эгри чизиги.

2-график. Меҳнат бозоридаги талаб эгри чизиги.


Бу графикдан кўришиб турибдики, эгри чизикнинг салбий томонга оғиш тенденцияси мавжуд. Реал иш ҳақини қисқартириш натижасида меҳнатга бўлган талаб ошмоқда, ва аксинча, реал иш ҳақи ошса, меҳнатга бўлган талаб камаяди.

Энди меҳнатнинг таклиф функциясига келсак, бу ерда индивид ўзининг самарали хизматини таклиф қилади. Индивид ўз хизматини иш ҳақининг пулдаги ифодасидан келиб чиқиб эмас, балки иш ҳақининг ўлчовларидан келиб чиқиб таклиф қилади. Буни яққолроқ кўриш учун графикдан фойдаланамиз (3-график).

бу ерда: LS — меҳнат таклифининг эгри чизиги;

$\frac{W}{P}$ — реал иш ҳақи;

L — таклиф қилинаётган меҳнат миқдори.




3-график. Меҳнат бозоридаги таклиф эгри чизиғи.

Бу ерда таклиф эгри чизиғининг оғиши қонуний тенденциядир. Кўриниб турибдики, агар реал иш ҳақи катта бўлса унга мос равишда меҳнатнинг таклифи ҳам юқоридир, агар кичик бўлса пастроқ бўлади. Талаб ва таклиф эгри чизиқларини умумлаштириб графикда ифодаласак қуйидаги график келиб чиқади (4-график).

4-графикдан кўриниб турибдики, $\left(\frac{W}{P}\right)_E$ га тенг бўлган иш ҳақи доирасида меҳнат бозорида мувозанат вужудга келади. Бунинг маъноси шуки, биринчидан, агар иш ҳақининг шу доирасида ким иш излаётган бўлса, у иш билан таъминланади, иккинчидан, ҳамма ишбилармонлар ўзларига керак бўлган иш кучи миқдорини топиш имкониятига эга бўладилар. Маълум вақтдаги мувозанат нуқта («E» ҳарфи билан белгиланган нуқта) тўла иш билан бандлик ҳолати деб аталади, чунки бу ҳолатда ўзларига иш излаб тополмаганлар бўлмайди, яъни ҳамма иш билан таъминланиши мумкин бўлади.

Реал иш ҳақининг бошқача қийматида меҳнат бозорида мувозанатни ўрнатиб бўлмайди. Аниқроқ қилиб айтганда:



4-график. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф эгри чизиғи ва уларнинг мувозанати.

1. Агар иш ҳақи мувозанат ҳолагидан юқори бўлса, масалан, $(\frac{W}{P})'$ нуқтада меҳнатнинг таклифи $A'B'$ катталиқдаги талабдан ошиб кетади, яъни $L_2' > L_2$;

2. Агар иш ҳақи мувозанат нуқтасидан паст бўлса, масалан, $(\frac{W}{P})''$ нуқтада меҳнатга бўлган талаб $A''B''$ катталиқдаги таклифдан ошиб кетади, яъни $L_1' > L_2''$.

Биринчи ҳолатда ишсизлик вужудга келади, иккинчи ҳолатда эса иш жойлари бўшаб қолади. Иш билан бандлик классик назариясининг асосий тезиси шундан иборатки, ҳозирги рақобат шароитида бу икки ҳолат барқарор бўла олмайди.

Бозор кучлари ҳар доим меҳнат бозоридаги «талаб» ва «таклиф» орасидаги муносабат мувозанатини ўрнатиш йўналишига ва иш кучининг тўла бандлигига эришишга ҳаракат қилади.

Амал қилаётган меҳнат бозори (талаб ва таклиф

ўртасидаги мутаносиблик ютуқлари) жуда кўп омилларга боғлиқдир. Бу омиллар таъсирида меҳнат ресурсларига бўлган талаб ўзгариб туради.

Демак, бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф қонуни амал қилар экан, бу ўзининг таъсирини меҳнат бозорида ҳам кўрсатади. Лекин макроиқтисодиётда меҳнат бозори «соф» ҳолда ўрганилмайди. У ишлаб чиқариш, инвестиция, баҳо билан узвий боғлиқликда ўрганилади. Буни яққол кўриш учун Кейнснинг иш билан бандлик назариясини кўриб чиқамиз.

15.3 Кейнснинг иш билан бандлик назарияси

Маълумки, классик иқтисодий назарияда иш билан тўла бандлик бозор иқтисодиётининг нормаси, энг яхши иқтисодий сиёсат деб эса давлатнинг иқтисодиётга ара-лашмаслиги тушунилади.

Кейнс назарияси бўйича соф капитализм учун ишсизлик хос бўлиб, ишсизликнинг мавжуд бўлиши табиий бир ҳолдир. Ресурсларнинг исроф бўлмаслиги учун давлат иқтисодиёт билан фаол шуғулланиши лозим. Бу ғоя ишчи кучига тегишлидир. Бозор иқтисодиёти ва унинг механизмлари ресурсларни самарали тақсимлаши мумкин. Бунинг учун бозор структураси такомиллашган бўлиши, бозор инфраструктураси учун самарадорликни таъминловчи норматив актлар ишлаб чиқарилиши лозим.

Кейнс назарияси «Буюк депрессия» йилларидан бошлаб АҚШ макроиқтисодиётининг асосий назариясига айланган. Ҳозирги даврдаги макроиқтисодиёт ҳам худди шу назариянинг такомиллаштирилиши асосида яратилган.

Шуни айтиш керакки, Кейнс назарияси макроиқтисодиётнинг барча соҳалари билан боғлиқ, чунки ишчи кучи макроиқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида ишлатилади.

Қуйида Кейнс назариясини кўриб чиқишдан олдин иш билан бандлик классик назарияси тўғрисида фикр юритилади.

«Буюк депрессия» йилларигача (XIX ва XX асрнинг бошларигача) бўлган назарияда (ҳозир бу назария классик назария дейилади) бозор иқтисодиёти барча ресурсларни тўла (самарали) ишлата олади деб тушунилган. Баъзи ҳолатлар (урушлар, табиий офатлар, қурғоқчилик, сув тошқинлари) тўла иш билан бандликни издан чиқаради деб ҳисобланган. Бироқ кейинчалик бо-

зор иқтисодиётнинг тартибга солувчи механизмлари бу иқтисодий қийинчиликларни ўз-ўзидан (автоматик) ҳал қилади деб тушурилган.

Классик назарияга амалиётда маълум даврларда содир бўладиган, узоқ вақтга чўзиладиган ишсизлик ва инфляциянинг мавжудлиги зиддир. Масалан, АҚШда 1924, 1927 йилларда ишлаб чиқаришнинг маълум даражада пасайганлигини классик назария асослаб бера олса-да, «Буюк депрессия» йилларидаги ишлаб чиқаришнинг пасайиши, чуқур инфляция ва ишсизликни эса асослаб бера олмади. Классик назарияда ишсизликнинг йўқлиги исботланса, амалиётда ишсизлик мавжуд бўлган. «Буюк депрессия» йилларида эса ишсизлар янада кўпайиб, АҚШнинг улкан ижтимоий-иқтисодий ва снёсий муаммосига айланган. Натижада иқтисодчилар классик назариянинг принциплари ва асосий жиҳатларини қаттиқ танқид қила бошлаганлар.

1936 йилда таниқли инглиз иқтисодчиси Жон Кейнс иқтисодиётда янги, иш билан бандлик назариясини яратди. У ўзининг «Пул, процент ва иш билан бандликнинг умумий назарияси» асарида классик назарияни қаттиқ танқид қилиб, унинг нотўғри жиҳатларини исботлашга уринди. Шу билан макроиқтисодиётдаги ишчи кучи, ишсизлик, иш билан бандлик масалаларига жавоб топишда янги фикрни илгари сурди. У ҳозирги замон иш билан бандлик иқтисодий назариясининг биринчи илмий пойдеворини яратди. Кўп иқтисодчилар унинг назариясини ривожлантириб ҳозирги иш билан бандлик иқтисодий назариясини такомиллаштирмоқдалар.

~~Кейнс назариясининг энг қатъий жиҳати шуки, у бозор иқтисодиётида иш билан тўла бандликни таъминловчи ҳеч қандай механизм йўқлигини аниқлаб берди. Макрокўламда иқтисодий мувозанатга эришиш мумкин, шунда ҳам маълум салмоқда ишсизлик ва инфляция сақланиб қолиниши илмий жиҳатдан исботланган.~~

15.4. Ишсизлик ва унинг келиб чиқиши.

Ишсизликнинг турлари

Макроиқтисодиётнинг асосий мақсадларидан бири аҳолини юксак даражада иш билан бандлигини таъминлашдир. П. А. Самуэльсоннинг таърифича, иш қидирмаётганлардан ташқари барча ишловчилар ва ишламоқчи бўлганлар ишчи кучини ташкил этади.

«Аҳолининг тўла иш билан бандлиги» деган тушунча бор. Лекин бундай натижага ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, чунки 100% аҳолининг ишламоқчи бўлган қисмини деярли иш билан банд қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам маълум миқдорда аҳолининг ишсиз бўлиши иқтисодий жиҳатдан нормал ва асослидир.

Ишсизларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Иш қидираётган ёки яқин вақтлар ичида иш билан таъминланишни кутаётган ишчи кучлари. Бу гуруҳ ишсизлар иқтисодчилар тилида *фрикцион ишсизлик* ҳам дейилади.

Маълумки, меҳнат бозорида доимо ўзгаришлар бўлиб туради. Баъзан иш жойи камаяди, баъзан кўпайиши мумкин. Бунинг сабаблари ҳам кўп. Масалан, мавсумий ишлар, корхонадаги эски моделнинг янгиси билан алмаштирилиши ва ҳоказо сабабларда *фрикцион ишсизлик* келиб чиқади.

Фрикцион ишсизликнинг бўлиши маълум даражада иқтисодий жиҳатдан зарурат ва маълум даражада унинг бўлиб туриши объективдир.

Фрикцион ишсизлик даврида ишчи кучи «икки хил меҳнат оралиғида» қолади. Масалан, эски моделдаги автомобиль конвейердан олиб ташланиши оқибатида ишсиз бўлиб қолган ишчи кучи янги, даромадли иш жойига интилади ва натижада у ўша жойда кўп даромад яратади ва олади. Бу меҳнат ресурсларининг тармоқлар ва ҳудудларда самарали тақсимланиши ва ялпи миллий маҳсулотни кўпроқ яратиш имконини беради.

2. *Структурали ишсизлик*. Фрикцион ишсизлик билан структурали ишсизликда маълум ўхшашликлар ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Асосий фарқи шундаки, *фрикцион ишсизлик*да маълум малака ва тажриба мавжуд бўлади ва ундан фойдаланиб қисқа вақтда ишчи кучини сотиш ёки иш топиш мумкин. Структурали ишсизликда ишчи кучи дарҳол ёки қисқа муддатли иш топа олмайди. У малакасини ўзгартириши, қайта малака ошириши, маълумот олиши, касб эгаллаши лозим. Ҳатто яшаш жойини ўзгартиришга ҳам тўғри келади.

Структурали ишсизлик истеъмом бозори маълум маҳсулот билан тўлдирилганда ва у маҳсулотга эҳтиёж қолмаган тақдирда ташкил топади. Бошқача сўз билан айтганда, маҳсулотга эҳтиёж бўлмаганлиги учун шу маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ҳам ишсиз қолади. Янгидан яратилган маҳсулотларга талаб катта бўлган-

лиги учун янги мутахассисликларга катта эҳтиёж пайдо бўлади. Натижада янги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга талаб ошади, эскилари ишсиз қолади. Меҳнат бозорида эса тезлик билан ўзгартириш қилиш қийин масала бўлганлиги учун структурали силжишларнинг ўзгарishiдан структурали ишсизлар пайдо бўлади.

Саноатнинг жойлашувида (географиясида) бўлган ўзгаришлар ҳам структурали ишсизларни келтириб чиқаради. Масалан, АҚШда шиша идишни пуфловчи ишларни бажарувчи станоклар яратилиши билан шу касб ишчилари ишсиз бўлиб қолган. Уларнинг қайтадан жиддий малака оширмасдан янги иш жойи билан таъминланиши мумкин эмас эди. Яна бир мисол. АҚШда қишлоқ хўжалигини механизациялаш натижасида кўплаб ишчилар ишсизларга айланган. Уларнинг янги иш жойи билан таъминланиши жиддий маълумот олишни, малака оширишни талаб этган ва ишсизлик узоқ муддатга чўзилган.

3. *Циклик ишсизлик.* Циклик ишсизлик ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайиши ва ишсизларнинг пайдо бўлишидир. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг пасайиши (1992 ва айниқса 1993 йилда) циклик ишсизлик кўпайишига олиб келивди.

Ишлаб чиқаришнинг пасайиши, мавжуд иқтисодий алоқаларнинг кескин даражада бузилиши, республикада шу даврда бозор структурасининг яратилмаганлиги, хом ашёни қайта ишлаш саноатининг паст ривожланганлиги ва шу каби сабаблар билан боғлиқ ҳолда ишсизлар сони кўпаяди.

Ривожланган мамлакатларда бўлиб турадиган ишлаб чиқаришнинг пасайиши истеъмол бозорининг тўлдирилиши ва натижада талабнинг пасайиши билан кўпроқ боғлиқдир.

Циклик ишсизликда ишсизлар кескин кўпаяди. Масалан, АҚШда «Буюк депрессия» йиллари (30-йиллар) ишсизлик тахминан 25% га тенг бўлган, охириги ишлаб чиқариш пасайган йиллари (1922 йили) ишсизлик 9,7% га тенг бўлди.

Тўла иш билан бандликни аниқлаш. Тўла иш билан бандлик барча ишчи кучининг 100% иш билан таъминланганлигини билдирмайди. Фрикцион ва структурали ишсизлик иложсиз ҳол бўлганлигини ҳисобга ол-

сак, биз мутлақ тўла иш билан бандликка эришиш мумкин эмаслигини тушунишимиз мумкин. Агар циклик ишсизлик бўлмаса (0 га тенг бўлса), у ҳолда тўла иш билан бандликка эришилади. Тўла иш билан бандлик давридаги ишсизлик табиий ишсизлик даражаси дейилади.

Табиий ишсизлик даражаси билан боғлиқ ҳолдаги реал миллий маҳсулот ҳажми иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциали дейилади. Ресурслардан тўла фойдаланиш асосида иқтисодиёт яратиши мумкин бўлган реал маҳсулот ишлаб чиқариш потенциалини кўрсатади.

Табиий ёки тўла иш билан бандлик деб иш қидираётганлар билан бўш иш жойи тенг бўлгандаги ҳолга айтилади.

Табиий ишсизлик мавжудлигининг маълум маънода ижобий томонлари ҳам бор. Чунки фриクション ишсизларнинг иш жойи билан таъминланиши учун маълум вақт талаб этилади.

Структурали ишсизларнинг малакаларини, маълумотларини оширишлари, ёки бошқа ерга кўчиб иш жойи топишлари учун ҳам янада кўпроқ вақт керак бўлади. Агар иш қидирувчиларнинг сони мавжуд бўш иш жойидан кўп бўлса, демак, меҳнат бозорининг тенглиги (мутаносиблиги) йўқ, циклик ишсизлар эса мавжуддир.

Бошқа бир ҳолда бўш иш жойи кўпроқ, иш қидирувчиларнинг сони камроқ бўлади. У ҳолда ишсизлик даражаси табиий ишсизлик даражасидан паст бўлади. Меҳнат бозоридаги жуда танг аҳвол инфляция билан боғлиқ.

«Ишсизликнинг табиий даражаси»нинг икки жиҳатини билиш лозим. Биринчидан, «ишсизликнинг табиий даражаси» иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциалидан тўла фойдаланилаётганини кўрсата олмайди. Амалиётда ишсизлик даражаси ишсизликнинг табиий даражасидан кўпроқ бўлади. Камдан-кам ҳоллардагина ишсизлик «ишсизликнинг табиий даражаси» дан паст бўлади. Масалан, АҚШда иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий маҳсулотларга бўлган эҳтиёж чексиз кўп бўлган вақтларда ишсизликнинг табиий даражаси 3—4% ни ташкил этган. 1943—1945 йилларда ишсизлик ҳақиқатда 2% дан камроқ, 1944 йилларда эса 1,2% га тенг бўлган. Бу йилларда иқтисодиёт ўзининг ишлаб чиқариш имкониятидан ошиб кетган.

Иккинчидан, «ишсизликнинг табиий даражаси» доимий эмас. У қонун ва миллий анъаналар билан боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Масалан, АҚШда 60-йилларда иқтисодчилар «фрикцион» ва «структурали» ишсизликнинг минимум миқдори 4% ни ташкил этиши лозим, деб ҳисоблашган бўлса, ҳозир эса 5—6% ни ташкил этади деб ҳисобламоқдалар. АҚШда «ишсизлик табиий даражаси»нинг 60-йилларга нисбатан кўпайишининг икки сабаби бор. Биринчидан, аёллар ва ёшлар меҳнат ресурсларининг компоненти сифатида кейинги йилларда ўз аҳамиятини, ролини йўқотиб бормоқда. Уларнинг барча меҳнат ресурсларидаги салмоғи юқори бўлган. Иккинчидан, қонунда ўзгаришлар бўлди ва бу ўзгаришлар ушбу тоифадаги ишсизларнинг ишсизлик компенсациясини (товон) оширади. Ишсизларга берилган компенсация ва нафақалар уларни бемалол хотиржамлик билан иш қидиришларига имкон беради. Демак, улар «фрикцион ва «структурали» ишсизларга айланадилар.

15.5. Ўзбекистонда меҳнат бозорини ташкил этиш ва тартибга солиш асослари

Меҳнат бозори фаолияти қуйидаги омилларга боғлиқ:

— аҳоли сони, ёши ва жинсининг салмоғидаги ўзгаришларга;

— иш билан бандликдаги тармоқ ва ҳудудий ўзгаришларига;

— қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезонига;

— ишлаб чиқариш ҳажмига, унинг ўсиш суръатига, ишлаб чиқариш структурасига;

— ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашувига;

— меҳнат ресурсларини бошқариш усулига.

Меҳнат бозоридаги вазият юқоридаги омилларнинг таъсирида ўзгариб туради ва шунга мос равишда иш кучига бўлган талаб ва таклиф ҳажми аниқланади. Масалан, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб таклифдан кўпроқ бўлса, бозорга ишчи кучининг қўшимча манбаларидан таклиф этилади. Қўшимча манбалар бўлиб меҳнат нафақаси олувчилар, талабалар, ўқувчилар ҳисобланади. Ишга жойлаш идораларининг фаолиятлари кучайтирилади ва такомиллаштирилади, бошқа ҳу-

дудлардан қўшимча ишчи кучининг оқиб келиши рағбатлантирилади, ишсизларнинг шахсий ҳисоблари олинди ва ҳоказо.

Агар меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб таклифдан кам бўлса қўшимча иш жойларини ташкил этиш, иш сменасини кўпайтириш, иш билан бандликнинг ноанъанавий йўлларида фойдаланиш, бошқа ҳудудларга ортиқча ишсизларнинг ҳаракатини рағбатлантириш механизмларидан фойдаланилади.

Агарда ишчи кучига бўлган талаб таклиф билан тенг бўлса ва мувозанат ўрнатилса ишлаб чиқариш воситаларини реконструкция ва модернизация қилиш, иш вақтини йўқотишни камайтириш, ишчиларнинг малакасини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш ва иш ҳақини самарали ташкил этиш зарурати қелиб чиқади. Бу эса иш билан бандликнинг самарадорлигини ошириш билан бирга макронқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиради.

Бозордаги талаб ва таклифни тартибга солиш учун иқтисодий механизм моделидан фойдаланилади. У қуйидаги элементлардан ташкил топади:

1. Қўп босқичли иш танлаш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизими.

2. Кенг қўламли иш билан бандлик марказлари. Бу марказларда доимо бўш иш жойларининг, иш қидираётганларнинг ҳисоблари олиб борилади. Кадрлар зарур бўлган корхоналарга ишчи кучи етказиб беришда ҳамкорлик қилади.

3. Алоҳида ижтимоий демографик қатламлардаги аҳолининг иш билан бандлиги махсус дастурлари.

4. Республика ва маҳаллий меҳнат бозоридаги ҳолатни доимо прогност қилиш ва ўрганиш учун ижтимоий-иқтисодий концепция.

Ўзбекистонда меҳнат бозорига аҳолининг қуйидаги гуруҳлари киради:

1. Ўқишни битириб биринчи маротаба иш қидириб юрган ёшлар.

2. Тармоқ корхоналаридаги таркибий ўзгаришлар натижасида ишсиз бўлиб қолган ходимлар. Шунингдек, давлат секторини хусусийлаштириш ва бошқа мулкчиликка ўтиш натижасида пайдо бўлган ишсизлар.

3. Рақобатда синган ва паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган корхона ва ташкилотлар.

4. Қамоқхоналардан озод этилган шахслар.

5. Вақтинча ишсиз юрган ва меҳнат биржалари кўмагида янги иш жойи қидириб юрган шахслар.

Меҳнат биржаларида ишсизларни аниқлаш, ишга жойлаш, қайта тайёрлаш ва шу каби бир қанча масалалар ҳал қилинади. Меҳнат биржалари ҳозирги пайтда республикамизнинг барча вилоятлари ва туманларида фаолият кўрсатмоқда.

XVI БОБ. ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИ

16.1. Пуллар

Ҳар доим товарларнинг умумий массасини айирбошлашда ўртада турувчи ролини ўйнайдиган бир ёки бир неча товарлар бўлади. Булар чиганоқлар, мўйналар, олтин, ароқ ва бошқа товарлар бўлиши мумкин. Бундай товарлар умумий эквивалент бўлиб ҳисобланади, бошқа барча товарлар унга тенглаштирилган. Утмишда ва айниқса XIX асрда кўпроқ бундай ролни олтин ўйнаган. Бу унинг табиий хусусиятлари билан боғлиқдир.

Пул бошқа ҳар қандай товар каби ўз қиймати ва баҳосига эга. Агар олтиннинг баҳоси тушса, бошқа барча товарларнинг баҳоси кўтарилади.

Ҳозирги шароитда олтин баҳосининг ўзгариши бошқа барча товарлар баҳосининг кўтарилиши ёки пасайишига олиб келади. Чунки ҳозирги пул товарининг ўрнига қоғоз пуллар келди. Қоғоз пуллар меҳнат қиймати назарияси нуқтаи назаридан ўз қийматига эга эмас. Лекин қоғоз пуллар одамлар учун фойдали, улар томонидан баҳоланади ва қийматга эга.

— Пул — бу ижтимоий кўринишдир. Бутун пулларни давлат ташкилотлари белгилайди. Бу бирон-бир сиёсий арбобнинг сурати туширилган қоғоз, эртага бу суратли ёки суратсиз пластмасса карточка бўлиши ҳам мумкин. Энг асосийси унга бирон нарса сотиб олиш мумкин бўлса бас. Шунинг учун пуллар қонуний пуллар дейилади. Давлат уларнинг тиражларини — пул эмиссиясини назорат қилиб туради ва шунинг учун ҳам пул қийматга эгадир.

Замонавий пулларнинг олтин билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, шунинг учун улар банк пуллари деб аталади. Ривожланган мамлакатларда барча пулларнинг 9/10 қисми банк пулларига тўғри келади. Уларга биринчи навбатда чеклар киради. Шундай қилиб, товарларни

сотиш ва сотиб олиш бўйича муомаланинг асосий қисми умумий пулларнинг иштирокисиз олиб борилади.

Пуллар ривожланишининг янги ютуғи сифатида кредит карточкаларининг пайдо бўлишини айтиб ўтиш мумкин. Бунда барча даромад ва харажатлар жойлардаги бўлимлар орқали марказий компьютерларда белгилаб турилади. Улар ёрдамида дўконларда ҳисоб-китоб қилиш, кўчалардаги автоматлардан қоғоз пул олиш мумкин бўлибгина қолмай, бошқа давлатларда ҳам ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш имконияти пайдо бўлади.

Пулларнинг моҳияти уларнинг функциясидан келиб чиқади. Уларнинг учта асосий функцияси мавжуд (айирбошлаш воситаси, қиймат ўлчови, жамғариш воситаси).

Айирбошлаш воситаси. Пуллар товар алмашувида ва хизматларда ўртада турувчилик функциясини бажаради. Уларнинг ёрдамида иқтисодийёт фидираклари доимо айланиб туради.

Қиймат ўлчови. Барча товарлар ва қийматлар пулларда баҳоланади. Пулларда миллий ишлаб чиқариш ҳажми, яъни халқнинг иқтисодий аҳволи, унинг ютуқлари ва муваффақиятсизликлари баҳоланади. Пуллар ва товарлар ҳамда хизматларнинг баҳоси орасида ўзаро алоқа бор. Агар пулларнинг харид қобилияти пасайса (D), баҳолар (P) ошади ва аксинча, харид қобилияти кўтарилса, баҳолар пасаяди:

$$P = \frac{1}{D}.$$

Пулларнинг харид қобилиятига биринчи навбатда чиқарилаётган пулларнинг миқдори таъсир қилади.

Жамғариш воситаси. Пуллар бойлик орттириш, жамғариш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Пулларни бошқа товарларга нисбатан сақлаш жуда қулай, фақат шу шарт биланки, уларнинг харид қобилияти пасаймаслиги керак. Инфляция, айниқса гиперинфляция шароитида пулларни сақлаш фақат зиён келтиради. Жамғаришда банк пуллари қулайдир. Улар фақат бойлик жамғариб қолмай, яна фоиз ҳам келтириб туради.

16.2. Пул таклифининг тузилмаси

Пулларнинг харид қобилияти ва миқдоридан факатгина баҳолар эмас, балки халқнинг фаровонлик да-

ражаси, унинг ҳаётий стандартлари келиб чиқади. Шунинг учун макроиқтисодиётда пулларга нималар киришининг таърифи катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бутун пул айланиши 2 турга бўлинади: нақд пул муомаласи ва нақд бўлмаган пул муомаласи. Нақд бўлмаган пул муомаласи барча олиб борилаётган олди-сотди ишларининг асосий қисмини ташкил қилади. Барча давлат ва жамоа-кооператив корхоналарининг ўзаро ҳисоб-китоблари нақд бўлмаган пул ҳаракати орқали олиб борилади. Нақд пул муомаласи аҳолининг алоҳида ҳисоб-китобларига тегишлидир. Ривожланган мамлакатларда пулларни аниқлаш ва ўлчаш учун ҳозирги пайтда олди-сотди учун пуллар — « M_1 » ва кенг маънодаги — « M_2 » деган тушунчалар ишлатилади.

Олди-сотди учун ишлатиладиган пуллар ўз ичига қуйидагиларни олади: тангалар; қоғоз пуллар; кундалик ҳисоблар.

Кундалик ҳисоблар M_1 ўлчовга киради, чунки улар ҳам тангалар ва қоғоз пуллар каби пулнинг барча функцияларини бажаради, яъни депозитларни — кундалик ҳисоблардаги омонатларни оддий қоғоз пуллар каби сотиб олиш учун ишлатиш мумкин. Уларни ҳар доим қоғоз пулларга алмаштириб олиш мумкин. M_2 кенг маънодаги пуллар ўз ичига M_1 жамғарма ҳисобларини олади. Жамғарма ҳисоблари — бу ўша депозитлардир, улар кундалик ҳисоблардагига қараганда каттароқ фоиз келтиради, фақат маълум белгиланган вақтдан олдин уларни олиш мумкин эмас. Турли давлатлар пул-кредит тизимларининг ўзига хослиги турли ҳисоблар бўлиши мумкинлигини, банклар томонидан турли хил янги хизматлар бўлишини келтириб чиқаради.

16.3. Кредит тизимининг тузилмаси

Пул-кредит тизимининг асоси — бу банкдир. Ҳар қандай бошқа корхона каби унинг фаолиятининг асосини фойда ташкил қилади. Банкнинг асосий функцияси пулларни сақлаш ва керак бўлганда ссуда беришдан иборат. Шунинг билан бирга, пулларни давлат чиқариши билан биргаликда, банкларнинг ўзлари ҳам пул чиқаради. Бу қуйидагича бўлади. Айтайлик, банк жамғарма сифатида 10 минг сўм пул қабул қилади. Аслини олганда банк бу пулларни жамғарма қўйган киши та-

лаб қилганда қайтиб бериши учун сейфда сақлаши лозим. Лекин бунда банк фоииз тўламаган, фақат пулларни сақлаш учун қабул қилган бўлади. Лекин шу маълум бўлдики, бу пулларни сақлаб туриш шарт эмас. Жамғарманинг маълум қисми сақланиб турса бўлади. Турли мамлакатларда ва турли банкларда омонатчиларга уларнинг жамғармаларидан нақд пул бериш 3% дан 15% гачани ташкил қилади. Бу сумма резервлар деб аталади. Бизнинг мисолимизда резервлар ҳиссаси 10% ни ташкил қилсин. Унда бизнинг банкмизнинг баланси ҳисоби қуйидагича бўлади (а-жадвал):

а-жадвал

1- банкнинг баланс ҳисоби

Активлар:	Пассивлар:
Резервлар — 1000	Омонатлар — 10 000
Ссудалар — 9000	
Жами — 10 000	Жами — 10 000

Шундай қилиб, пул миқдори 10 000 дан 19000 сўмгача ошди. Бу пулларни ташкил қилди. Бу билан жараён тўхтаб қолмайди. Ссуда олганлар уни ўзларига керакли нарсани сотиб олишга ишлатадилар, бирон-бир маҳсулот сотганлар пулларини банкка қўядилар. Банк олган омонатидан резерв қолдириб, қолганини ссудага беради. Бу қайтарилади ва 2- банкнинг баланс ҳисоби б- жадвалда кўрсатилганидек бўлади:

б-жадвал

2- банкнинг баланс ҳисоби

Активлар:	Пассивлар:
Резервлар — 900	Пассивлар:
Ссудалар — 8100	Омонатлар — 9000
Жами — 9000	Жами — 9000

2- банк қўшимча 8100 сўмни ташкил қилади. Энди 2- банкдан ссуда олганлар бу ссудани учинчи шахсларга хизматлар учун сарфлайди, улар эса пулларни қабул қилиб, уни 3- банкка қўядилар. Бу яна қайтарилади. Бу жараён бирламчи омонатнинг бутун суммаси резерв сифатида қўллангунча давом этаверади.

Шундан келиб чиқиб, бошланғич омонат ва резерв миқдорини билган ҳолда ташкил топган пулларнинг умумий миқдорини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бизнинг мисолимизда ташкил топган пуллар миқдори қуйидагига тенг:

$$10\,000 \times 10 = 100\,000 \text{ ёки}$$

$$10\,000 + 9000 + 8100 + \dots = 10\,000 \times \frac{1}{0,1} = 100\,000 \text{ ёки}$$

$$M = K \times \frac{1}{1/10},$$

бу ерда: $\frac{1}{10}$ — резерв талаблари;

K — резервлар;

M — қайтадан ташкил топган пул миқдори.

Биз кўрдикки, мисолимизда ҳар бир сўм резерв 10 сўмни ташкил қиляпти. Янги ташкил топган пулларнинг резервга нисбати пул таклифининг мультипликатори деб аталади.

$$\text{МДП} = \frac{1}{\text{резерв ҳиссаси}}$$

$$\text{Бизнинг мисолимизда } \text{МДП} = \frac{1}{1/10} = 10.$$

Биз кўриб ўтган мисол фақат идеал ҳолатда рўй беради, яъни барча пуллар банкка қўйилади, банклар фақат резервларни ушлаб туради ва ҳеч ким омонатларини олмайди. Айтайлик, кимдир пулини банкка қўйишни хоҳламайди. Бунда резерв миқдори худди шу суммага қисқаради ва оқибатда қайтадан ташкил топган пуллар миқдори ҳам камаяди. Банклар марказий банк таклиф қилгандан кўра кўпроқ резерв ҳиссасини ушлаб туришни хоҳлаб қолган ҳолда ҳам ташкил топган пуллар миқдори қисқаради, пул таклифи мультипликатори бошқача бўлади.

Агар кимдир чет элга олиб кетиш учун ёки давлат облигациялари сотиб олиш учун омонатини олса, унда жараён бошқача (тескари) ҳолатда боради. 10 000 сўм пул олиниши бутун тизимда пул миқдори суммасининг 100 000 сўмга қисқаришига олиб келади. Бу жараён бутун монетар сиёсатнинг асосини ташкил қилади, бу эса макронқтисодиётнинг асосий инструментидир.

Кредит тизими дейилганда йиғилиб турадиган пул

маблағларини ташкил қиладиган молия-кредит муассасалари тушунилади. Молия-кредит муассасаларининг фойдасини улар берган кредитлар фонзи ва олган кредитлари учун тўланган фоизларнинг фарқи ташкил қилади. Банк фойдаси ўз номига эга — марка. Ўз ривожланишининг бошида кредит тизими фақат банклардан иборат эди. Банк бўлмаган молия-кредитлари кейинроқ ташкил топиб, бизнинг давримизда ривожланиб борди.

Жуда кўпгина ривожланган мамлакатларнинг кредит тизимлари молия-кредит муассасаларининг турли хиллиги билан тавсифланади. Уларни шартли равишда 4 қисмга бўлиш мумкин: Марказий банклар, тижорат банклари, махсус банклар, молия-кредит институтлари. Масалан, АҚШ кредит тизими ўз ичига федерал резерв банкларини, тижорат банкларини, ссуда-жамғарма ассоциацияларини, пул бозори фондларини, ўзаро жамғарма банкларни, кредит иттифоқларини, пенсия фондларини, молия ва суғурта компанияларини олади.

Марказий банк асосий банк бўлиб, у пул эмиссияси ва умумий кредит тизимини бошқариб боради. Ҳозирги вақтда ҳар бир давлатда ўз Марказий банки бор. Масалан, Англия Марказий банки ёки Франция Марказий банки. Англия ва Франциядан фарқли ўлароқ АҚШ Марказий банки ўз ичига Вашингтон федерал резерв Кенгаши ва 12 та округ федерал резерв банкларини олади. Тижорат банклари фирмаларга, корхоналарга, аҳолига хизмат кўрсатади, банк чекларини қабул қиладди ва тўлайди, кредитлар беради. Кўпдан-кўп қўшимча хизматларни инвестиция ва суғурта компаниялари, молия уйлари, молия корпорациялари, қурилиш жамиятлари, фонд биржалари кўрсатади. Фонд биржалари алоҳида ўрин тутлади. Уларнинг асосий мақсади қимматбаҳо қоғозлар сотиш ва сотиб олиш бозорининг самарали олиб борилишини таъминлаш, саноат учун капитал ташкил қилишдир. Акция ва облигацияларни фонд биржалари орқали жойлаштиришни асосан йирик банклар олиб боради. Фонд биржаларининг аъзолари алоҳида шахслар ва фирмалар, брокер ва дилерлар бўлади. Биринчиси қимматбаҳо қоғозлар сотиш ва сотиб олиш ниятида бўлган ўз мижозларига инструкция берса, иккинчиси ўз махсус ҳисобларига савдо қилади.

Миллий молия-кредит институтларидан ташқари халқаро кредит институтлари ҳам мавжуд: халқаро ва-

люта фонди, халқаро ривожланиш ва таъмирлаш банки, халқаро ҳисоб-китоблар банки ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг кредит тизimini Ўзбекистон Давлат Банки, Ташқи иқтисодий алоқалар банки, Халқ банки ва ҳозирда ташкил топаётган тижорат банклари (Пахтабанк, Тадбиркорбанк ва бошқалар) ташкил қилади.

XVII БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА УНИНГ КАМОМАДИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

17.1. Давлат бюджети камомати ва унинг олдини олиш муаммолари

Бюджет танқислигининг мавжудлиги узоқ йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодиётидаги ва жамиятимиздаги салбий ҳодиса ва жараёнлар ифодасидир. Улар бирданга пайдо бўлиб қолмай, узоқ даврлар мобайнида вужудга келди ва оқибат натижада иқтисодиётимизга катта таъсир кўрсатди. Булар эса ўз навбатида давлат бюджети ва пул муомаласида ўз ифодасини топди.

Бюджет танқислиги иқтисодиётнинг баланслаштирилмаганлиги, хўжалик юритишнинг экстенсив усули, ўзгалар ҳисобига яшаш, иқтисодиётнинг дотацион харақтердалиги ва пассив молиявий сиёсатнинг натижасидир.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, бюджет танқислиги давлатнинг марказлаштирилган молиявий фондида 10 ёки 100 миллиард сўмлаб маблағларнинг ошмаслигини англаиб қолмайди. Бюджет танқислиги инфляция жараёнларининг кучайганлигини, савдо шохобчаларида у ёки бу маҳсулотларнинг кескин камайиб кетганлигини, моддий бойлик ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий жабҳаларда таъминот муаммоларининг кучайганлигини ҳам билдиради. Бир сўз билан айтганда, бюджет танқислиги жамиятнинг ижтимоий ривожланиши йўлидаги улкан тўсиқдир.

Халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларида кўрсатилганидек, бюджет танқислигига барҳам бериш учун биринчи навбатда бюджет харажатларини кескин қисқартириш зарур. Бу харажатларни қисқартиришнинг асосий йўналишлари 14-жадвалда кўрсатилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, бюджет харажатларини қисқартириш учун дастлаб капитал қўйилмаларни

молиялаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш зарур. Буни тайёргарлик даражаси паст

14-жадвал

Бюджет харажатларини қисқартиришнинг асосий йўналишлари

**БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ
АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ**

- ⇒ Капитал қўйилмаларни молиялаштиришни қисқартириш
- ⇒ Иккинчи даражали ва шароитнинг ўзгариши билан ўзининг мақсадга мувофиқлигини йўқотган харажатларни қисқартириш
- ⇒ 3—5 йилдан илгарироқ самара бермайдиган олдинги қабул қилинган инвестицион дастурларни бекор қилиш
- ⇒ Қиймати 100 млн. сўмдан ортиқ бўлган янги бюджет дастурларини қабул қилишни 7 йил давсимида тўхтатиб туриш
- ⇒ Мудофаа вазирлиги ва Давлат хавфсизлик қўмитаси харажатларини қисқартириш
- ⇒ Бошқа мамлакатларга бериладиган ёрдамни камайтириш
- ⇒ Ҳокимият ва бошқариш органларини сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартириш
- ⇒ Зиёнга ишловчи корхоналарга бериладиган дотация миқдорини камайтириш

бўлган барча қурилиш объектларини (истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, уй-жой қурилиш ва ижтимоий соҳанинг ривожланишини таъминлашга мўлжалланган объектлардан ташқари) тўхтатиб қўйиш орқали амалга ошириш назарда тутилган.

Бюджет харажатларини қисқартиришнинг муҳим йўналишларидан бири Мудофаа вазирлиги ва Давлат хавфсизлик қўмитасининг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ харажатларни қисқартиришдан иборат. Бунга қурол-аслаҳа сотиб олишни ва ҳарбий объектлар қуришни камайтириш эвазига эришилади. Шундай бўлишига қарамай, бизнинг назаримизда, харажатларни қисқартириш бюджет танқислигини камайтиришнинг ҳал қилувчи омили бўла олмайди. Шу маънода бу мураккаб муаммони ҳал қилишнинг бошқа йўлини излаб топиш лозим.

Бизнингча, бу йўл бюджетга бориб тушувчи даромадларнинг умумий миқдорини кучайтириш йўлидир. Лекин бунинг асосида халқ хўжалигининг барча тармоқларида, корхона ва бирлашмаларда даромад ва жамғармаларнинг умумий миқдорини кўпайтиришни ташкил қилиш лозим. Шунинг учун бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти натижасида зиён кўрувчи корхоналар сонини кескин камайтириш ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларига пул маблағларини жалб этишнинг хилма-хил тамойилларини фаол қўллаш ҳисобига даромадларни кескин кўпайтириш мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети танқислигини камайтириш тўғрисида фикр юритилганда шунини таъкидлаш керакки, бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда республикамизнинг ўзига хос хусусиятлари маълум даражада эътиборга олинган. Жумладан, 1994 йилнинг охири ва 1995 йил давомида давлат бюджети танқислигини камайтириш мақсадида қуйндаги тадбирлар амалга оширилди:

1. Вазирликлар 1994 йилда бюджет олдидаги мажбуриятларини бажармаганлиги учун 1995 йил бюджетидан уларга бериладиган режали ажратмалар миқдори камайтирилди.

2. Қўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш учун вазирликлар ихтиёридаги марказлаштирилган фондлар ва резерв суммаларнинг 9% и республика бюджетига ўтказилди.


3. Республика бюджетидан молиялаштириладиган халқ хўжалигидаги операцион харажатларнинг миқдори камида 10% га камайтирилди.

4. Айрим маҳсулотларга нисбатан коммерция баҳо-

ларни қўллаш, оборот солиғи жорий этиш ва бошқалар.

Бу амалга оширилган тадбирлар республикамиз бюджетни танқислигини маълум даражада камайтирса-да, уларни ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тадбирлар деб бўлмайди. Чунки ҳисоб-китобларга кўра, бу тадбирлар муваффақиятли амалга оширилса ҳам 1995 йилда республикамиз бюджет танқислиги 5—6 фоздан кўпроқни ташкил қилди. Кўриниб турибдики, юқори-

15-жадвал



даги тадбирларни амалга ошириш билан республикамиз бюджетни танқислигини кескин камайтириб бўлмас экан.

Ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган, ижтимоий адолат тамойилларига мос келадиган ҳамда минтақаларнинг ўзини-ўзи бошқариш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш имконини берадиган бюджетни режалаштиришнинг янги механизми қандай бўлиши керак, деган савол кўндаланг бўлади. Аввало шу нарсани таъкидлаш керакки, у ёки бу минтақа бюджетларини шакллантириш асосини янги шароитда уларнинг ўзлаштирилган даромадлари ташкил этиши керак, харажатларнинг ҳажми эса шу даромадлар чегарасида белгиланиши лозим. Бундан ташқари, бюджет тизими барча бўғинларининг вазифаси аниқ белгиланган бўлиши керак. Улар ўз навбатида, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари деб аталувчи категорияларда намоён бўлади. Бюджет даромадлари эса солиқлар ва давлат корхоналарининг тўловларида ўз ифодасини топади. Тарх тарзида қуйидагича ифодалаш мумкин (15-жадвал).

17.2. Иқтисодиётда фискал сиёсат ва камомадни молиялаштириш

Давлат секторининг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётни барқарорлаштириш асосан фискал сиёсат орқали амалга оширилади, яъни ишлаб чиқаришни ўстириш, бандликни таъминлаш ва инфляциянинг олдини олиш борасида қилинаётган мақсадларга эришиш учун давлат бюджетини манипуляциялаштиришдир. Фискал сиёсатнинг асосий мақсади шундан иборатки, у ишсизликнинг ёки инфляциянинг олдини олиши керак. Ҳозирги шароитда рағбатлантирадиган фискал сиёсат ҳақида савол туғилади, яъни давлат харажатларини ошириш ёки солиқларни камайтириш ёхуд иккаласини ҳам бир вақтда билиб бориш тўғрисида. Бошқача қилиб айтганда, агарда бюджетнинг балансланганлиги таъминланган бўлса, фискал сиёсат депрессия ёки турғунлик даврида давлат бюджетининг камомадига қараб ҳаракат қилиши керак. Агарда иқтисодиётда керагидан ортиқча талаб инфляцияга жой бўлса, бундай вазиятда ўзини тута оладиган фискал сиёсат керак. Унинг таркибига давлат харажатларини камайтириш ёки солиқларни ошириш, ёхуд уларнинг иккаласини бир вақтда олиб бориш киради. Агар иқтисодиёт олдида инфляция устидан назорат қилиш вазифаси турган бўлса, фискал сиёсат давлат бюджетида ижобий қолдиқ қолишга йў-

налтирилган бўлиши керак. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, соф миллий маҳсулот (СММ) қиймати нафақат давлат харажатлари ва солиқлари, балки камомад миқдори ва ижобий қолдиқлар ўртасидаги фарқга ҳам боғлиқ. Шунингдек, бюджетнинг мутлақ миқдорига ҳам боғлиқдир. Шундай экан, у давлат бюджети камомadini молиялаштиришга боғлиқдир.

Давлат камомadini молиялаштиришда икки хил усул мавжуд. Улар қуйидагилар: аҳолидан қарз олиш ҳисобига (фонзли қоғозларни сотиш йўли билан), янги пул яратиш ва муомаладан чиқариш.

1. *Аҳолидан қарз олиш ҳисобига.* Агар давлат пул бозорига чиқса ва у ерда ўзининг заёмларини алмаштирса хусусий ишбилармонлар билан молиявий воситалар соҳасида рақобатга киришади. Воситаларга бу қўшимча фонд ставкаларининг даражасини оширишни билдиради, демак, айрим шахсий инвесторларнинг харажатлари ва истеъмол харажатлар миқдорига эҳтиёж олиб келади.

2. *Янги пул яратиш.* Агар давлат бюджетининг камомади янги пул эвазига молиялаштирилса, шахсий инвестициялардан қутулиш мумкин. Истеъмолга ва инвестицияга кучли таъсир қилмасдан туриб ҳам давлат харажатларини ошириш мумкин. Шундай қилиб, янги пул яратиш ўз характери жиҳатидан камомад харажатларини молиялаштиришда, заёмлар чиқаришни кучайтиришда нисбатан яхшироқ усул ҳисобланади.

3. *Муомаладан чиқариш.* Бошқа томондан давлат ўзининг ортиқча бюджетидан катта инфляцияга қарши таъсирга эга бўлиши мумкин. Ортиқча маблағларни муомаладан чиқариш давлатнинг умумий даромадлари ва харажатлари сотиб олиш қобилиятини камайтириб қўяди. Агар ортиқча солиқ даромадлари иқтисодиётга яна таъсир қилмаса, унда бюджетнинг айрим ортиқча қисмларининг ҳаракат қилиш имконияти йўқолади. Ортиқча маблағларни тўлиқ муомаладан чиқариш воситалари давлат қарзини тўлашга ишлатишга нисбатан яхшироқ тадбирдир. Чет мамлакатларда рўй берадиган ҳодисалар ва қабул қилинаётган иқтисодий сиёсат тадбирларининг бизнинг экспортимизга ва иқтисодиётимизга таъсир қилади. Бунинг биз бугунги таҳлилимизда ифода қилар эканмиз, янги талабнинг халқаро зарбасига дучор бўлишимиз мумкин, яъни у соф экспорт самарасини қисқартириши ва фискал сиёсатимиз тадбирларининг


қадрензлантириши мумкин. Масалан, тахмин қилайлик, бизнинг республикамизда давлат харажатлари ва солиқлари миқдори шу даражагача қисқардики, яъни ялпи талабнинг ўсишини таъминлашга етарлидир. Энди фараз қилайлик, бизнинг асосий савдо ҳамкоримиз бўлган давлатлар иқтисодиёти кутилмаганда ўса бошлады. Таъминланганлик даражасининг ошиши ва даромадларнинг ўсиши бу мамлакатларда республикамиздан товарларни сотиб олишнинг ўсишига олиб келади. Бизнинг соф экспортимиз ўсади ва биз талаб инфляцияси олдида турибмиз. Агар биз олдиндан билган бўлсак соф экспортимиз шунчалик ўсиши учун рағбатлантирадиган қулай фискал сиёсат юритган бўлар эдик.

Товарларга талабнинг ошиши ҳозирги шароитда сўмга ёки долларга — унинг баҳосининг ошишига олиб келади. Шундай қилиб, доллар ёки сўмнинг бошқа валютага тенглаштирилган нархи ошади, бошқача айтганда, доллар ёки сўм қимматлашади. Бу долларнинг ўсиши бизнинг соф экспортга қандай таъсир қилади? Бизнинг товарларни сотиб олиш учун кўпгина чет эл валюталари бирлиги керак бўлади, хорижликлар учун бизнинг экспорт қиммат ҳисобланади, демак, у камаяди. Энди халқимиз ёки америкаликлар ўзларининг сўмини ёки долларини чет эл валюталарига кўпроқ алмаштиришга, кўпроқ сотиб олишга ҳаракат қилишади. Бу қийин жараённинг зарурий натижаси шундан иборатки, республикамизнинг соф экспорт харажатлари қисқаради, бизнинг рағбатлантирувчи фискал сиёсатимиз бетараф қолади.


Графикда ялпи талаб ва таклиф сифатида берилган вазият бизга буни тушунишга ёрдам беради. Рағбатлантирувчи фискал сиёсат белгиланган ялпи талабнинг ўсишини AD_1 дан AD_2 гача, фонз ички ставкаларининг даражасини ошириши мумкин ва охирида соф экспортнинг миқдорини камайтиради. Соф экспортнинг камайишини ялпи талаб компонентлари кўпроқ рағбатлантирувчи фискал сиёсатга қарашли қилади. Эгри ялпи талаб AD_1 дан AD_2 га қараб йўналади ва СММ 470 млрд. доллардан 490 млрд. долларга ўсади (150-бетдаги 5 — 6-графиклар).


Соф экспортнинг фискал сиёсатга таъсири билан бир қаторда кўрсатилган вақт омили иқтисодий муаммо, инфляция ва сиқиб чиқариш рўй беради, ялпи талабни бошқаришни ниҳоятда қийинлаштиради.

6-график. Фискал сиёсат ва соф экспорт самараси.



5-график. Соф кўринишдаги фискал сиёсат.
баҳо даражаси





7-график. Фискал сиёсат ва инфляция.

Фискал сиёсатнинг соф экспортга таъсири икки йўналишда рўй беради. Фоизли ички ставка олшнни камайтириш, босиқ фискал сиёсат соф экспорт миқдорининг ўсишига интилади (16-жадвал).

16-жадвал

Фискал сиёсат ва унинг соф экспортга таъсири

Рағбатлантирувчи фискал сиёсат	Босиқ фискал сиёсат
Муаммо: инқироз, секин ўсиш	Муаммо: инфляция
↓	↓
Рағбатлантирувчи фискал сиёсат	Босиқ фискал сиёсат
↓	↓
Энг катта ички фоиш ставкаси	Энг кичик ички фоиш ставкаси
↓	↓
Долларга ташқи талабнинг ошиши	Долларга ташқи талабнинг камайиши
↓	↓
Долларнинг қимматлашуви	Долларнинг арзонлашуви
↓	↓
Соф экспортнинг камайиши (рағбатлантирувчи фискал сиёсатнинг қисман қарама-қаршилигидан ялли талаб камаяди)	Соф экспортнинг кўпайиши (босиқ фискал сиёсатнинг қарама-қаршилигидан қисман ялли талаб ўсади)

Соф экспорт самараси, халқаро савдо фискал сиёсати орқали фоиш ставкаларининг ошиши мумкинлиги,

яъни инвестицияни қисқарттиришга олиб келади. Бу нарса фискал сисёатни бекор қилади. Фонз ставкаларининг ўсиши соф экспортга бевосита таъсир қилади. Фараз қилайлик, биз рағбатлантирувчи фискал сисёат олиб боряпмиз, яъни у иқтисодиётга юқори ставкали фонз олиб келади. Бундай фонз ставкалари четдан молия капиталларини жалб қилади. Четдан келган молиявий инвесторлар қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишдан олдин ўзининг ҳисобида ўша мамлакатнинг валютасига эга бўлиши керак.

17.3. Қимматли қоғозлар ва уларнинг турлари

Қимматли қоғозлар — бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкый ҳуқуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи, дивиденд ёки фозизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир.

Қимматли қоғозлар бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счётлардаги ёзув шаклида бўлиб улардан ҳисоб-китоб қилишда, шунингдек кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланиш мумкин. Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади.

Киритилган улуш шаклидан қатъи назар, қимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса чет эл валютасида (акциялар бўйича — мулкни ўтказиб бериш йўли билан ҳам) ифодаланadi ва йўлланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозлар қуйидаги турларга бўлинади:

- акциялар;
- облигациялар;
- хазина мажбуриятлари;
- депозит сертификатлари;
- векселлар.

Акциялар, облигациялар ва хазина мажбуриятларида акс эттириладиган реквизи́тларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, депозит сертификатлари ва векселларда акс эттириладиган реквизи́тларни эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

Акциялар — акциядорлик жамиятининг низоми фон-дига юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшган-диган гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жа-мият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивиденд олиш ва қоида тариқасида, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қил-иш муддати белгиланмаган қимматли қоғозлардир.

Облигациялар уларнинг эгаси пул маблағларини берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қиймати уларда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоииз тўланган ҳолда, башарти облигация-ларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғозлардир.

Қуйидаги турларда облигациялар чиқарилади:

— республика ички заёмларининг ва маҳаллий за-ёмларнинг облигациялари;

— корхоналар облигациялари.

Облигациялар оддий ва ютуқли, фоиизли ва фоиизсиз (мақсадли), эркин муомалада юритиладиган ёки муо-мала доираси чекланган қилиб чиқарилиши мумкин. Мақсадли облигацияларнинг рекувизити облигациялар қайси моллар учун чиқарилган бўлса, шу молларни (хизматларни) акс эттириши шарт.

Хазина мажбуриятлари — уларнинг эгалари бюджет-га пул маблағлари берганликларини тасдиқловчи ҳамда бу қимматли қоғозларга эгалик қилишнинг бутун му-ддати давомида қайд этилган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи, тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозлар туридир.

~~Хазина мажбуриятларининг қуйидаги турлари чи-қарилади:~~

беш йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари;

бир йилдан беш йилгача муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари;

бир йилгача бўлган муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари.

Депозит сертификатлари — бу пул маблағлари — омонат қўйилгани тўғрисидаги, омонатчи ёки унинг ҳу-қуқий ворисининг белгиланган муддат тугаганидан ке-бин омонат суммасини ва унга тегишли фоиизларни олиш-га бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи банк-эмитент гувоҳно-масидир. Депозит сертификатларини чиқариш ва рўй-

хатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

Векселлар уларда кўрсатилган муддат келганда вексель берувчи муайян пул суммасини вексель эгасига (вексель олувчига) сўзсиз тўлаши лозим бўлган мажбуриятдан гувоҳлик берувчи қимматли қоғозлардир. Векселлар хазина ва тижорат воситаларига, оддий ва юбориладиган векселларга бўлинади. Векселларни чиқариш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги билан биргаликда белгилайди.

17.4. Қимматли қоғозлар муаммоси. Қимматли қоғозлар эмиссияси

Қимматли қоғозлар муаммоси дейилганда уларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган қимматли қоғозлар эгаси алмашинувиغا олиб келадиган бошқа ҳаракатлар тушунилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозларни (депозит сертификатлари ва векселлардан ташқари) муомалага чиқариш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини Молия вазирлиги тасдиқлайди.

Давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхат рақамини олган қимматли қоғозларнинггина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилишига ва муомалада бўлишига йўл қўйилади. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган қимматли қоғозларни чиқариш ғайриқонуний ҳисобланади ва бу ҳол эгасидан уларнинг ҳамда мазкур қимматли қоғозларни сотишдан тушган пулнинг олиб қўйилишига ва бой берилган наф қопланишини ҳисобга олган ҳолда инвесторларга қайтариб берилишига сабаб бўлади.

Бирон-бир элемент чиқарган акциялар 35 ёки ундан ортиқ фонзнинг, ёхуд 50 фонздан ортиқ акциядорлар овозини таъминловчи акцияларнинг бир шахс томонидан ёки бир-бирининг мол-мулкини назорат қилувчи шахслар гуруҳи томонидан сотиб олиниши Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши сиёсатни амалга оширувчи ваколатли органининг олдиндан розилигини олишини талаб этади. Мазкур талабнинг бузилиши битимнинг ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши учун асос ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг монополияга

қарши сиёсатни амалга оширувчи ваколатли органи субъектларнинг бир-бирларига мол-мулкни назорат қилувчи деб эътироф этилиши тартиби ва қондаларини белгилаб қўяди.

Қимматли қоғозларнинг эгалари сақлаб туриш мақсадида уларни пул ўтказиш йўли билан ҳисобга олиш ва сотиш учун компьютерли телекоммуникация тизими бор ихтисослашган муассасаларга (депозиторийларга) ишониб қўйишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республикада рўйхатга олинган қимматли қоғозлар Ягона давлат реестрини юритади ҳамда уларнинг рўйхатини мунтазам эълон қилиб боради.

Қимматли қоғозлар эмиссияси уларни дастлабки эгалари (инвесторлар) — юридик ва жисмоний шахсларга сотиш йўли билан қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдир.

Эмиссия акциядорлик жамияти таъсис этилиб, акциялар унинг муассасалари ўртасида тарқатилган тақдирда; юридик шахслар, давлат томонидан, давлат ҳоқимияти ва бошқарув органлари томонидан заём сармояси облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятлари чиқариш йўли билан жалб этилган тақдирда амалга оширилади. Қимматли қоғозларни чиқарувчи элемент, шунингдек у билан келишиб туриб қимматли қоғозларни дастлабки эгаларига сотувчи инвестиция муассасалари ҳар бир харидорга мазкур қоғозларни харид этиш пайтига қадар сотиш шартлари ва эмиссия рисоласи билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт.

Эмиссия рисоласини чиқариш, уни рўйхатга олиш тартибини, шунингдек эмиссия рисоласида эълон қилиниш шарт бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди. Банklar учун уларнинг эмиссия рисодаларида қамраб олиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда белгилайди.

Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги эмиссия рисодаларини рўйхатга олмагунга қадар уларни оммавий ахборот воситаларида реклама қилиш тақиқланади.

Эмитент ўзининг молия-ҳўжалик аҳволи ва фаолиятининг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳар йили камида бир марта ахборот бериши (матнда бундан кейин йиллик ҳисобот деб юритилади) шарт. Йиллик ҳи-

субот ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелдан кечикмай эълон қилинади. Йиллик ҳисоботда эмитент тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилиши лозим:

унинг олдинги йилги хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ахборот;

молиявий аҳвол тўғрисидаги аудитор тасдиқлаган маълумотлар, шунингдек олдинги йилги баланслар ва аудиторнинг ҳисоботи;

қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги асосий маълумотлар.

Эмитент ўз хўжалик фаолиятида содир бўлган ҳамда улар юзасидан олинган даромадлар миқдорига таъсир этувчи ўзгаришлар, хусусан:

қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ўзгарганлиги; мансабдор шахслар шахсий таркибида ўзгаришлар рўй берганлиги;

эмитентнинг банкдаги ҳисоблари хатланганлиги;

эмитент фаолияти қайта ташкил этилганлиги, тўхта-тиб қўйилганлиги ёки тугатилганлиги;

фавқулодда ҳолатлар оқибатида эмитент мол-мулкининг камида 10 фоизи нобуд бўлганлиги;

эмитент мол-мулкининг 10 фоиздан ортиқ миқдорда эмитентга нисбатан даъво қўзғатилганлиги;

низо фондди ёки эмитент асосий ва муомаладаги маблағлари қийматининг 50 фоиздан ортиқ миқдорда қарз олинганлиги ёки қимматли қоғозлар эмиссия қилинганлиги тўғрисидаги ахборотларни 2 кун ичида рўйхатга олувчи молия органига юбориши, шунингдек мазкур ўзгаришларга оид ахборотларни эълон қилиши шарт.

Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (эмиссия) қуйидаги кўринишларда амалга оширилиши мумкин:

оммавий равишда эълон бермай, реклама кампанияси ўтказмай, эмиссия рисоласини эълон қилмай ва рўйхатдан ўтказмай олдиндан маълум чекланган миқдордаги инвесторлар орасида хусусий йўсинда тарқатиш;

эмиссия рисоласини эълон қилиб ва рўйхатдан ўтказиб, чекланмаган миқдордаги инвесторлар орасида очиқ савдо ўтказиш.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолларнинг ҳар бирида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги эмиссияларнинг энг кам ва энг кўп миқдорларини белгилайди.

17.5. Қимматли қоғозларни тарқатиш. Қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари

Эмитентлар ўзи чиқарган қимматли қоғозларни мустақил равишда, комиссия ҳақ эвазига банклар, инвестиция компаниялари, молия брокерлари орқали сотиш ҳуқуқига эга.

Инвестиция компаниялари эмитент билан келишиб туриб қимматли қоғозларни қуйидаги шартлар асосида чиқаришга кафил ва ташкилотчи бўлишлари мумкин:

кейинчалик бошқа инвесторларга сотиб юбориш мақсадида барча чиқарилган қимматли қоғозларни қайд этилган баҳосида ўз ҳисобларидан сотиб олишлари;

чиқарилган қимматли қоғозларнинг белгиланган муддат давомида чет инвесторлар ўртасида жойлаштиролмай қолган қисмларини ўз ҳисобларидан сотиб олишлари.

Инвестиция компаниялари молия брокерлари тарқатолмай қолган қисмларини сотиб олиш мажбуриятини зиммаларига олмай туриб, қимматли қоғозларни эмитент номидан чет эл инвесторларига сотиш тўғрисида эмитент билан дистрибьютер шартномалари тузишлари мумкин.

Қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитентлар, инвесторлар ва инвестиция муассасалари қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари ҳисобланадилар.

Қимматли қоғозлар эмитенти — қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдидан ўз номидан мажбуриятли бўлган юридик шахс ёки давлат органидир.

~~Инвестор — қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан сотиб олувчи жисмоний ва юридик шахсдир. Ажнабий фуқаролар ва юридик шахслар чет эл инвестициялари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар сифатида иштирок этишлари мумкин.~~

XVIII БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ СОЛИҚЛАР ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ

18.1. Миллий иқтисодиётда солиқлар тизимининг туганган ўрни ва аҳамияти

Республикамиз иқтисодиётида улкан ўзгаришлар бошлангандан бери долзарб, кўпгина баҳсларга сабаб

бўлаётган масалалардан бири — бу солиқлар масаласидир. Хўш, нима учун шундай?

Солиқлар — мураккаб ва кўп қиррали категориядир. Давлат улар ёрдамида ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва ўз харажатларини қоплаш учун мажбурий равишда қийматнинг бир қисмини олиб қўяди.

Солиқ тизими — муайян шароитда давлат фойдасига ундириладиган солиқлар мажмуидир, уларни йиғиб олиш йўллари ва усулларининг ташкил этилишидир. Солиқ тизимига солиқ турлари, солиқ имтиёзлари, солиқлар миқдори, солиқ ундириладиган даромадларни аниқлаш кабилар киради.

Солиқ тизимининг вазифаси қуйидагилардан иборат:

а) солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш;

б) иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги фаолиятни рағбатлантириш ёки чеклаб қўйиш;

в) аҳолининг муайян табақаларига ижтимоий имтиёзлар бериш.

Солиқлар, уларнинг миқдори муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги фикримизни давом эттириб шуни айтиш мумкинки, солиқлар, авваламбор марказлашган ресурсларни шакллантирувчи асосий унсурдир. Солиқлар охир-оқибатда ижтимоий-иқтисодий тизимнинг самарали ишлашини таъминлаши керак. Бунинг учун улар қулай бўлиши лозим. Солиқларнинг қулайлиги тўғрисида қуйидагиларга аҳамият бериш зарур.

Маҳсулот қиймати маълум бир қисмининг солиқ шаклида олиб қўйилиши ишлаб чиқарувчининг даромадини камайтириш, шу билан бирга йўқолган даромадни қоплаш мақсадида фаолроқ фаолият кўрсатишга рағбатлантиради. Инглиз иқтисодчиси Мак Қуллох шундай деган эди: «Солиқларнинг ортиши хусусий одамга, унинг оиласининг ўсиши ва харажатларининг кўпайишига қандай таъсир этса, миллатга ҳам шундай кучли таъсир кўрсатади. Солиқларнинг доимий ўсиб бориши тadbиркорлик, ижодкорлик, ривожланиш ва иқтисод қилишга шароитлар яратади. Агар солиқлар енгил бўлганда эди, улар бундай самарали бўлмас эди»¹.

¹ В. Аньшин, В. Шмелев. «Налогообложение в системе управления», 20-бет.

Бошқа томондан, даромаднинг жуда ҳам пасайиб кетиши меҳнат фаолиятини сусайтиради. А. Тривуснинг фикрича, ишлаб чиқарувчи фаолиятига солиқларнинг ижобий таъсири қуйидаги ҳолларда бўлмаслиги ёки салбий таъсир қилиши мумкин:

а) агар иш кунин узун бўлса-да, унинг янада узайтирилиши руҳий-физиологик сабабларга кўра меҳнат интенсивлигининг пасайишига олиб келса;

б) агар ишлаб чиқарувчи солиқлар натижасида маҳрум бўлган моддий неъматларни кўпайтиришдан дам олишни юқори қўйса (бу ҳолда солиқлар истеъмол даражасининг пасайишига олиб келади);

в) агар тўловчи барибир меҳнат натижалари солиқлар орқали олиб қўйилади деб меҳнат фаолиятини оширишни фойдасиз деб топса (бу ҳолда солиқлар ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва меҳнат эмиграциясига олиб келади).

Шундай қилиб, гап шундай солиқ миқдорини ўрнатиш ҳақида кетяптики, у меҳнат фаолиятининг пасайишига эмас, балки унинг жонланишига ёрдам бериши ва мана шу асосда солиқлардан келадиган тушумларнинг ошишига олиб келсин. Худди мана шу қирраси орқали солиқлар тизими ёрдамида иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолияти ривожини тартибга солиш мумкин.

Шу ерда солиқ объекти ва солиқ солиш манбаи хусусида бир оз сўз юритишга тўғри келади. Солиқ объекти даромад ва мол-мулкдан иборат бўлади. Масалан, ялпи даромад, иш ҳақи, ер, импорт солиқ объектларидир. Солиқ объекти тиккига бўлинади: турли манбалардан келган пул даромадлари, даромад келтириши мумкин бўлган мол-мулк. Солиқ объектини кўпайтириш билан солиқларнинг умумий ҳажмига таъсир қилиш мумкин.

Солиқ солиш манбаи солиқ солиш объектдан мажбурий тўловлар, моддий ва унга тенглаштирилган харажатлар олиб ташлангандан кейинги қисмидир.

Республикамиз бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўттиш йўлидан бораётган ҳозирги даврда бошқаришнинг иқтисодий усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий бошқаришнинг асосий усулларида бири солиқлар тизимидир. Мана шунинг учун ҳам солиқларга катта аҳамият берилмоқда.

18.2. Солиқлар назариясининг асосий қоидалари

Солиқ назариясини тавсифлашдан олдин уларнинг асосий қирралари ва хусусиятларини аниқлаб олиш зарур. Уларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

1. Солиқлар давлат томонидан қўйиладиган ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Бу ҳолда давлат бутун жамият манфаатини ифодаловчи бўлиб юзага чиқади. Давлат олдинга сураётган мақсадлар яхшими, ёмонми, бу масала қанчалик муҳим бўлмасин, иккинчи даражалидир.

2. Солиқлар миқдорини давлат бир томонлама тартибда белгилайди. Табиийки, у солиқ тўловчиларнинг фикри, хоҳиши, имкониятларини ҳисобга олади, лекин солиқлар ҳар доим мажбурий характерга эгадир.

3. Солиқ олиш қонуний асосда амалга оширилади. Солиқ миқдори, вақти ва енгилликлари олдиндан қонунда кўрсатилган бўлади, шунинг учун солиқ олишда ҳеч қандай ўзбилармончилик бўлиши мумкин эмас.

Солиқлар тизимининг самарадорлигига маълум бир мезон ва мажбуриятларга амал қилиш орқали эришилади. Солиқлар назариясининг асоси бўлиб А. Смитнинг машҳур тўрт қондаси ҳисобланади:

1. **Узаро тенглик.** Ҳар бир давлат фуқаролари ҳукумат ёрдамида олаётган даромадларига қараб, ҳукуматни қўллаб-қувватлашда моддий жиҳатдан иштирок этиши керак. Бу қоида адолатлилик принциплари деб ҳам юритилади, чунки у солиқ олишнинг умумийлигини ва фуқаролар орасида унинг тенг бўлинишини назарда тутди.

2. **Аниқлик.** Фуқаро тўлайдиган солиқ аниқ ҳисобланган бўлиши керак. Солиқ тўлаш вақти, йўли ва қиймати солиқ тўловчига аниқ бўлиши керак.

3. **Қулайлик.** Ҳар қандай солиқ шундай вақт ва йўл билан олиниши керакки, у солиқ тўловчига энг қулай бўлсин. Бу қоида солиқ тўлашдаги буйруқбозликнинг йўқолиши ва солиқ тўлашни соддалаштиришни кўзда тутди.

4. **Иқтисодлилик.** Ҳар қандай солиқ шундай олиниши керакки, халқдан давлат ғазнасига тушадиган солиқдан кўп олинишига йўл қўймаслик керак.

Инлиз иқтисодчиси Стинглиц ҳар қандай иқтисодий тизимнинг беш хусусиятини кўрсатади:

1. *Иқтисодий самарадорлик.* Солиқ тизими ресурсла-

рининг самарали тақсимланишини ўзгартирмаслиги керак.


2. *Маъмурий соддалик.* Солиқ тизими содда ва аниқ бўлиши зарур.

3. *Мослашувчанлик.* Солиқ тизими иқтисодий шароит ўзгаришига тез ва автоматик равишда мослашувчан бўлиши керак.

4. *Сиёсий жавобгарлик.* Солиқ тизими шундай тузилиши керакки, сиёсий жараёнда фуқаролар ижтимоий хохишларини акс эттириши керак.

5. *Адолатлилик.* Солиқ тизими турли солиқ тўловчиларга нисбатан адолатли бўлиши керак.

Солиқлар назариясининг энг муҳим масалаларидан бири солиқ миқдори масаласидир. Солиқлар миқдорининг иқтисодий фаолиятга таъсири қандайлигини Лэффер эгри чизиғида яққол кўриш мумкин. Эгри чизиқ ўртача солиқ миқдори билан бюджетга солиқлар орқали тушадиган тушумлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кўрсатади.



8-график. Лэффер эгри чизиғи.

бу ерда:

OR — бюджетга солиқлар орқали тушадиган тушумлар;

ON — солиқ миқдори;

N^x — қулай солиқ миқдори, унда бюджетга тушадиган тушумлар энг юқори бўлади;

R_{\max} — бюджетга тушадиган тушумларнинг энг юқори миқдори.

Артур Лэффер гипотезасига кўра, солиқ миқдорининг энг юқори даражаси мавжудлиги, бу даражадан солиқ миқдори ошиб кетса, солиқлардан тушадиган тушумлар камая бошлайди. Бунда, бир томондан, тадбиркорлар қизиқишларининг сусайиши, иккинчи томондан, солиқлардан даромадни яшириш ҳоллари кучайиши мумкин.

Лэффер фикрича, тадбиркорлар ва аҳоли даромадининг 30% дан ортигини солиқ шаклида олиб қўйиш мумкин эмас. Агар 40—50% олиб қўйилса, жамғармалар камаяди, бу эса иқтисодиётнинг хусусий секторида инвестицияларнинг камайишига олиб келади, яъни солиқлар макроиқтисодиёт мақсадини кўзлаб, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Бундан солиқнинг оғирлиги капиталга эмас, даромадга тушиши керак. Мана шунинг учун ҳам солиқ назариялари масалалари бошдан-оёқ қунт билан ўрганилиши, келажакда Ўзбекистон бюджетининг даромад қисмини таъминлай олувчи, муқобил солиқ турларини қўллаш масалалари олдинга қўйилиши ва ечилиши лозим.

Солиқлар назариясини ўрганишдан асосий мақсад қайси солиқ қандай таъсир қилиши, унинг миқдори қандай бўлиши керак ва ҳоказо саволларга илмий асосланган жавоб топишимиз мумкинлигидадир. Шунини айтиш мумкинки, солиқлар ишлаб чиқаришнинг, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига имкониятлар яратиши керак.

18.3. Ўзбекистон Республикасида солиқ турлари

Республикаимиз улкан иқтисодий ўзгаришлар даврида турганлиги учун мана шу ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етиш керак. Солиқларни ҳам кўриб чиқишдан олдин уларнинг вазифалари ва мазмунини билиш лозимдир.

Солиқларнинг асосий вазифаларидан бири — *йўналтирувчи вазифасидир*. У маълум харажатларни молиялаштириш учун давлат ва маҳаллий ресурсларни шакллантиришдан иборат.

Навбатдаги вазифаси — *тақсимлашдир*. Унинг моҳияти даромадларни қўллаб-қувватлаш, нафақа ва стипендиялар, товон пуллари тўлаш учун ишлаб чиқариш со-

ҳалари, аҳоли гуруҳлари, минтақалар ўртасида даромадларни қайта тақсимлашдан иборатдир.

Яна бир муҳим вазифаси — *истеъмолад ва жамғариш ўртасида мутаносибликни ушлаб туришдан иборат.* Унинг асосий моҳияти аҳоли истеъмолини, улар даромадининг бир қисmini олиб уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш орқали чеклашдир.


Кейинги вазифаси — *рағбатлантирувчилик, яъни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уни янгилаш, илмий янгиликлар яратишга имконият яратишдир.*

Навбатдаги вазифа — *чеклаш, яъни маълум бир маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни, аҳолининг ҳаддан ташқари ўсишини чеклашдан иборатдир.*

Ва, ниҳоят, сўнгги вазифаси — *назорат ва ҳисоб-ки-*

17-жадвал

Солиқларнинг туркумланиши



тоб қисмидир, яъни корхона ва аҳоли гуруҳлари даромадлари, ишлаб чиқариш ҳажми ва тарқибини, молиявий маблағлар ҳаракатини ҳисоб-китоб қилиш.

Бу вазибаларнинг бажарилиши республикамизда амал қилинаётган солиқ турларига бевосита боғлиқдир. Бироқ республикамиз солиқ турлари билан танишишдан олдин, умуман солиқларнинг қайси белги ва хусусиятларига қараб, қандай турларга туркумланишини кўриб чиқамиз.

1. Солиққа тортиш объекти бўйича:

бевосита ва билвосита.

2. Солиқларнинг қаерга тушишига кўра:

давлат ва маҳаллий.

3. Фойдаланиш тартибига кўра:

умумий ва махсус.

Энди бевосита Ўзбекистонда қўлланиладиган, амалдаги солиқ турлари билан танишиб чиқамиз. «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан корхоналардан олинадиган дастлабки солиқ— даромад солиғидир. Даромад солиғи тўловчилар:

— юридик шахс бўлган мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар, шунингдек юридик шахс бўлмаган, лекин мустақил балансига ва банк муассасаларида ҳисоб-китоб счётига эга бўлган корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа мустақил бўлинмалари;

— хўжалик ҳисобида турмайдиган, лекин (тижорат) фаолиятдан даромад оладиган ташкилотлар, бюджетдаги илмий-текшириш ташкилотлари бундан мустаснодир;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган чет эл инвестицияси иштирокидаги ташкилотлар, корхоналар, уларнинг филиал ва шўьбалари;

— хўжалик (тижорат) фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга ошираётган халқаро бирлашмалар, ўзга давлатлар ҳудудида жойлашган корхоналарнинг Ўзбекистондаги филиал ва шўьбалари;

— хўжалик (тижорат) фаолиятини амалга ошираётган ҳукумат тасарруфида бўлмаган халқаро ташкилотлар (бирлашмалар);

— банклар, суғурта идоралари.

Даромад солиғи олинаётган вақтда солиқ солиш объ-

екти бўлиб корхонанинг ҳисобот давридаги ялли даромади ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадларида корхонанинг ҳисоблаб чиқилган ялли даромади маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни, ўзга моддий бойликларни реализация қилишдан келган тушум йиғиндисидан ҳамда реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялар натижасидан иборат бўлади. Бу ерда маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан келган тушум дейилганда ортиб жўнатилган маҳсулот ва бажарилган иш ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўланган ҳисоблар бўйича йиғинди, шунингдек сотилган маҳсулот учун ҳақ сифатида солиқ солинадиган давр тугагунга қадар корхоналарнинг банкдаги ҳисобларига, кассаларига амалда тушган пул маблағлари ва бошқа тушумлар тушунилади.

Харид моллари билан савдо қилувчи корхоналар учун солиқ солиш мақсадларида сотишдан олинadиган даромадлар дейилганда реализация қилинган товарларнинг сотиб олинган ва сотилган қиймати ўртасидаги фарқ тушунилади.

Воситачилик фаолиятдан даромад оладиган (воситачилик учун тақдирланиш сифатида) корхоналар учун

18-жадвал

Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқлари бўйича даромад солиғи ставкалари

	Тармоқлар номи	Солиқ миқдори, %
1.	Қишлоқ хўжалиги	3
2.	Фан, коммунал хўжалик, геология-қидирув	1
3.	Саноат, таъминот, темир йўл ва ҳаво транспорти, Узагробанк, Ўзсаноат-қурилиш банк, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	
4.	Савдо	25
5.	а) қатъий белгиланган савдо устамаси билан савдо қилувчи ташкилотлар	18
	б) эркин нархда (савдо устамаси қўлламасдан) савдо қилувчи савдо-тижорат ва бошқа корхона, ташкилотлар	35
6.	Банк ва сугурта ташкилотлари (Ўзсугурта бошқармаси ва Ўзжамғарма банкидан ташқари), биржа ва брокерлик идоралари	35
7.	Воситачилик фаолияти	40
8.	Ушбу рўйхатга кирмаган бошқа фаолият турлари учун	15

солиқ солиниш мақсадларидаги сотувдан олинган даромад дейилганда солиқ солиниш даврида амалга оширилган барча битимлар бўйича олинган воситачилик тақдирланиш (фоизлари) йиғиндиси тушунилади.

Реализация қилинмайдиган операциялар натижаси дейилганда мол-мулкни ижарага топшириш, тушган тову ва жарималар (тулангандан ташқари) тушуми, облигациялардан олинган даромадлар, берилган қарзлардан фоизлар ва бошқа уларнинг сарф-харажатларидан ташқари даромадларига кирадиган тушумлар тушунилади.

Қўшимча қиймат солиғи. Бу солиқ яқин вақтларгача мамлакатимизда амал қилиб келган оборот солиғи ўрнига жорий қилинди. Қўшимча қийматдан олинмайдиган солиқ, бу товарлар, ишлар ва кўрсатиладиган хизматларни реализация қилиш жараёнида янгидан яратиладиган қийматдан ҳосил бўладиган соф даромаднинг бир қисмини бюджетга ундириб олиш шаклидир.

Товарлар (импортдан ташқари), бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар реализациясидан ҳосил бўлган айланмалар (оборотлар) солиққа тортиладиган объект ҳисобланади.

Товарларни реализация қилиш жараёнида солиққа тортиш объекти деб ўзи ишлаб чиқарган товарлар ва четдан сотиб олинган товарлар реализациясидан айланмалар ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида предметлар, буюмлар, маҳсулотлар, шу қаторда ишлаб чиқариш техника аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар, кўчмас мулк, шунингдек, бинолар ва иншоотлар, газ, электр ва иссиқлик энергиялари товар деб тушунилади.

Ишларни реализация қилиш жараёнида солиққа тортиш объекти дейилганда конструкторлик, технологик, лойиҳа-қидирув ва бошқа ишлар тушунилади.

Кўрсатиладиган хизматларни реализация қилиш жараёнида солиққа тортиш объекти деб қуйидаги кўрсатилган хизматлардан тушган тушумга айтилади:

а) йўловчилар ва юк ташиш транспорти кўрсатган хизматлар, шунингдек, газ, нефть, нефть маҳсулотларини, электр ва иссиқлик энергияларини транспортировка (узатиш) қилиш, товарларни ортиш ва қайта ортиш, тушириш ва уларни сақлаш;

б) мулкларни ижарага бериш бўйича кўрсатилган

хизматлар, жумладан, лизинг бўйича кўрсатиладиган хизматлар;

в) савдо корхоналарининг буюртмаларини бажариш бўйича кўрсатиладиган хизматлар;

г) идорадан ташқари қоровулчилик хизматлари;

д) кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар;

е) реклама қилиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар;

ж) инновация хизматлари, маълумотларни қайта ишлаш ва ахборот таъминоти бўйича кўрсатиладиган хизматлар;

з) алоқа хизматлари;

и) ерни ижарага бериш бўйича кўрсатиладиган хизматлардан бошқа барча пулли хизматлар.

Солиққа тортиладиган айланмаларга қуйидагилар киради:

а) маҳсулот (ишлар, кўрсатиладиган хизматлар) таннархига киритилмайдиган, корхонанинг ичида ўз истеъмоли учун реализация қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар, шу жумладан, товарлар ва кўрсатилган хизматларни ўз ходимларига реализация қилингандаги айланмалар;

б) товарларни бевосита пул тўламасдан бошқа товарларга (кўрсатиладиган хизматларга) айирбошлашда қилинадиган айланмалар;

в) товарларни бюджет ҳисобида турадиган ва бошқа ташкилотларга меҳр-мурувват мақсадларида бериладиган ҳоллардан ташқари бошқа корхоналар ва жисмоний шахсларга текинга ёки қисқа муддатли, қисман пул тўлаш йўли билан бериш бўйича айланмалар;

г) товарларни (ишларни, кўрсатиладиган хизматларни) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасига реализация қилиш бўйича айланмалар.

Қўшимча қиймат солиғи бўйича ставка барча турдаги корхоналар учун 25% қилиб белгиланган. Бюджетга тўланиши лозим бўлган сумманинг 6% и корхона ихтиёрида қолиб, корхона бу қисмдан ўз билганича эркин равишда фойдаланиши мумкин.

Мол-мулк солиғи. Мулкчиликнинг барча шаклларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва ўз мустақил балансига эга бўлган юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган корхоналар мол-мулкига солиқ ҳисобланади. Ижарага топширилган мол-

мулк учун ижара шартномасига асосан солиқ тўланади.

Давлат корхоналари негизида тузилган ижарадаги корхоналар ҳам ўз мол-мулки, ҳам ижарага олинган мол-мулк учун солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Қуйидагилар чегириб ташланиб, бухгалтерлик баланси активининг якуни сифатида аниқланадиган тўловчининг мол-мулки солиқ солиш объекти ҳисобланади:

— асосий воситаларнинг эскириши;

— кам баҳоли ва тез эскирувчи воситаларнинг эскириши;

— капитал қўйилмалар ва бадаллар;

— кредит ва бошқа қарзга олинган воситалар;

— ҳисоб-китоб ва бошқа пассивлар;

— фойдаланилган даромадлар (квартал ҳисоб-китоблари бўйича).

Қуйидагиларнинг балансидаги қиймати учун солиқ солинадиган база қамайтирилади:

— тўлиқ ёки қисман солиқ тўловчининг балансидаги турар жой, коммунал ва ижтимоий-маданий соҳадаги объектлар;

— табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозаллик ва ёнгин хавфсизлиги мақсадларида фойдаланиладиган объектлар;

— қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва селекциялаш, балиқларни етиштириш, тутиш ва қайта ишлашда фойдаланиладиган мол-мулк ва ашёлар;

— алоқа йўллари (жумладан, автомобиль йўллари), алоқа ва энергия ўтказиш линиялари, шунингдек улар бўйлаб ўтадиган ер полосалари, мазкур объектларни ишлатиш ҳолатида сақлаб туриш мақсадида ишга тушириладиган иншоотлар;

— алоқа йўлдошлари;

— республика ҳукуматининг қарорлари бўйича конверция қилиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондлари;

— корхоналарнинг автотранспорт воситалари;

— импорт солиғи тўланган бинолар.

Мол-мулк солиғи асосий ишлаб чиқариш фондлари (айланма маблағлар ҳисобга олинмайди) қийматидан 1% миқдориди олинади.

Акциз. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхатда белгиланган товарлар акцизга тортилади. Акциз тақрибий

солиқ бўлиб, қўшилган қийматдан олинадиган солиққа қўшилган равишда олинади. Акцизлар учун белги-ланган ставкалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона ҳисобланади.

Солиққа тортиш объекти деб реализация қилинадиган товарларнинг натурал ёки қиймат ҳажми тушунилади. Булардан ташқари транспорт солиғи, ер солиғи, фуқаролар даромадидан олинадиган ва ҳоказо солиқларни кўрсатиш мумкин.

Мана шу солиқ турлари бўйича ҳужжатларга мурожаат қилсак. Масалан, Тошкент вилояти бўйича бюджетга солиқлар ва бошқа тўловларнинг келиб тушишига қуйидаги омиллар сезиларли таъсир кўрсатади:

— бошқариш тузилмасини жадал равишда ислоҳ қилиш, халқ хўжалигини тартибга солишнинг иқтисодий ва бозор услубларига босқичма-босқич ўтиб борилаётганлиги;

— тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг кучайиши;

— улгуржи баҳоларнинг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг бирмунча барқарорлашиши ва ҳоказо.

XIХ БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

19.1. Тадбиркорлик тизими ва унинг шакллари

Тадбиркорликни йўлга қўйишнинг қуйидаги учта муҳим шакли бор: якка ҳолда тадбиркорлик қилиш, ширкат ва корпорация (кооператив).

Якка ҳолда тадбиркорлик қилиш энг оддий шакл бўлиб, бунда бошқарув ишларини бир одам олиб боради. Лекин бу барча ишни бир одам бажаради дегани эмас. Якка ҳолдаги тадбиркорликка асосланган корхонада жуда кўп ёлланган ишчилар меҳнат қиладиган жойлар бор. Агар ишни бир киши олиб борса, демак, у соҳибкор ҳисобланади. Соҳибкор назорат қилади, бутун масъулиятни ўз зиммасига олади ва тушган даромадни ҳисоблаб туради.

Тадбиркорликни йўлга қўйишнинг мазкур шакли бир қанча афзалликларга эга. Бунда тадбиркор тижорат фаолиятини ҳеч бир шартномасиз, фақат ўз қарорига кўра бошлаши мумкин. Унинг ўзи қабул қиладиган қарор шахсий қарор бўлиб, у шерикка ҳам, директорлар кенгашига ҳам боғлиқ бўлмайди. Бундан ташқари тадбир-

кор фақат ўз қарори учун жавоб беради ва шунга асосланиб иш тутади.

Ширкатчилик ҳам тадбиркорликни йўлга қўйишнинг оддий шаклидир. Бироқ у кўпроқ қонун йўли билан бошқариб турилади. Бундан ташқари шериклар ўртасида муаммолар, худди учинчи томон билан шерикларнинг ўзаро муносабатлари муаммолари сингари вужудга келади.

Тадбиркорликнинг корпорация шакли, «корпорация» деган сўз Америка ҳуқуқшунослигида кенг қўлланади. Муайян ташкилотлар қандайдир фикрликни ташкил этса, мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида фуқаро ва савдо обороти катта куч билан қатнашиши мумкинлигини айтиш керак бўлганда, ана шу «корпорация» сўзини ишлатадилар. Бир қатор илғор мамлакатларнинг қонунларидан фарқли ўлароқ АҚШда корпорациялар ўртасида, шунингдек шахслар, муассасалар, бир ёки бир неча кишининг хоҳиши билан ўз олдидаридаги мақсадга эришиш учун тузилган ва одатда тадбиркорлик тусида бўлмаган идоралар ўртасида фарқ бор деб ҳисоблашмайди. Кенг маънода олганда АҚШда муайян давлат вазибаларини амалга оширадиган муниципал ташкилотлар, фойда олишни мақсад қилиб қўйган диний жамоалар, илмий, ўқув, маданий, тиббиёт муассасалари ва тижорат компаниялари корпорациялари мавжуд.

19.2. Бозор иқтисодиётига ўтишда тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти

Ҳозир бозор иқтисодиётига ўтиб борилаётган давр. Республика бутунлай мустақил бўлиши учун иқтисодий мустақилликка эга бўлиши ва тадбиркорликни кенг қўламда ривожлантириши шарт. Бунга эса осонликча эришиб бўлмайди, чунки мерос бўлиб қолган иқтисодий муносабатлар бу ишда тўғаноқ бўлиши табиий. Шундай бўлса-да, тадбиркорликни ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республикамизда иқтисодиётни тез ривожлантириш имкониятини яратади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг жуда кўп чет эл мамлакатлари билан алоқалари боғланмоқда. Ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилмоқда ва чет эл инвестицияларининг кириб келиши учун шарт-шароитлар яратилиб берилмоқда, аҳоли тадбиркорлик йўлларини улардан ўрганапти.

Бундан ташқари Ўзбекистон ички бозорини тўлдириш мақсадида жуда кўп чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, 1994 йил 21 январида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фармон бунинг исботидир. Бунда фуқароларнинг фаровонлигини ошириш ва бозорни истеъмол молларига тўлдириш чоралари назарда тутилган. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, майда улгуржи ва оилавий асосдаги савдо тизимларини ташкил этиш ишини қўллаб-қувватлаш ҳам назарда тутилган.

Чет элга чиқиш учун фуқароларга чет эл валютаси, кредитлар бериш ҳам ҳисобга олинган.

Бу чора-тадбирлардан бири 1994 йилги фармондир. Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва акционерлик тижорат банклари тегишли гаров ёки кафолат шарти билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига миллий ва чет эл валютасида кредит беришни амалга оширишлари, давлат муассасалари кўрсатилган тизимларни рўйхатга олишда ва банкларда уларнинг счётларини очишда мавжуд бўлган тўсиқлар бартараф этилиши кўзда тутилади.

Нақд чет эл валюталарини ва МДҲ мамлакатлари пул белгиларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий фуқаролар томонидан республикага келтириш ва четга чиқариш бўйича чеклашлар бекор қилинган.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, низом фондида хорижий сармоя улуши 50% дан ортиқ бўлган қўшма корхоналар хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига рўйхатга олинган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга мажбурий сотишдан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибининг соддалаштирилиши аҳолининг тадбиркорлик соҳасида бандлигини ва ички бозорни халқ истеъмоли товарларига тўлдиришга имкон беради.

19.3. Банкротлик ва унинг аҳамияти

Хўжалик юритиш субъектининг банкрот бўлиши (синиши) дейилганда қарздорнинг мажбуриятлари мол-мулкидан ошиб кетганлиги сабабли товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг

талабларини қондиришга, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади.

Кредиторларнинг талабларини бажариш муддати бошланган кундан эътиборан хўжалик юритиш субъекти уч ой мобайнида уларни бажара олмаётганлиги ёки бажаришга қодир эмаслигининг муқаррарлиги сабабли унинг жорий тўловлари тўхтатиб қўйилиши хўжалик юритиш субъекти банкрот бўлишининг ташқи аломати ҳисобланади.

Банкротлик факти хўжалик суди томонидан эътироф этилганидан ёки хўжалик юритиш субъекти ихтиёрий равишда тугатилаётганидан унинг ўзи банкрот бўлганлигини расман эълон қилганидан кейин хўжалик юритиш субъекти банкрот бўлган ҳисобланади.

Мулкӣй жавобгарлик. Барча хўжалик юритиши субъектлари ўз мажбуриятлари юзасидан, башарти қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, тўла мулкӣй жавобгар бўладилар. Хўжалик юритиш субъектининг мулкӣй жавобгарлиги мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд хўжаликни тўла юритиш, ёхуд оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган доирада татбиқ этилади.

Хўжалик юритиш субъектларининг мол-мулки эгаси бўлмиш жисмоний шахслар, башарти, қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ўз мажбуриятлари юзасидан хўжалик юритиш субъектларининг жами мол-мулки билан жавобгар бўладилар.

Юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар ўз мажбуриятлари юзасидан ўзларининг жами мол-мулклари билан жавобгар бўладилар.

Мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда қарздор ўз қарзлари бўйича қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўлади. Қарз ундиришга тортилиши мумкин бўлмаган мол-мулки қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ёлланиб (шартнома, контракт бўйича) ишловчи шахслар хўжалик юритиш субъектларининг қарзлари бўйича мулкӣй жавобгар бўлмайдилар.

Хўжалик юритиш субъектларининг банкрот бўлиши билан боғлиқ мулкӣй жавобгарлик тўғрисидаги ишлар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Банкрот бўлган деб эълон қилиш. Ночор (шахс, фирма, корхона, ширкат) қарздори банкрот бўлган деб эътироф этиш ва тугатишга доир иш юритишни қўзғатиш тўғрисидаги ҳал қилувчи қарор белгиланган тартибда расмий матбуотда эълон қилинади. Эълон ҳақи қарздор ҳисобидан тўланади.

Эълонда ишни юритаётган хўжалик судининг номи, ночор қарздорнинг номи ва жойлашган манзили кўрсатилиши; тугатишга доир иш юритишни қўзғатишга асос бўлган ариза берилган сана, шунингдек кредиторлар қарздорга нисбатан ўз даъволарини эълон чиққан кундан эътиборан икки ойлик муддат ичида беришлари зарурлиги тўғрисида кредиторларга қаратилган мурожаат баён қилинган бўлиши керак.

XX БОБ. ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ

20.1. Хусусийлаштириш, унинг моҳияти ва аҳамияти

Хусусийлаштириш — бу мулкни, иқтисодиётдаги давлат секторини давлат тасарруфидан чиқаришидир. Хусусийлаштириш давлат мулки монополиясини тугатиш, эркин тадбиркорлик ташаббусига йўл очиш бозор иқтисодиётини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади. Бу иқтисодиётни давлатлаштиришдан қайтишнинг бир йўли бўлиб, у 70—80-йилларда кўпчилик давлат мулки ривожланган давлатларда ўтказилган. Хусусийлаштириш орқали давлат мулки фуқароларга берилиб, халқ мулкига айланади, ҳар бир киши миллий бойликдаги ўз ҳиссасига эга бўлади. Хусусийлаштириш — бу хусусий мулкка эга бўлишгина эмас, балки шу мулкни ишлатиб, иқтисодиётни ўстириш учун ўз ҳиссасига мажбурият олишидир. Унда бутун халқ қатнашади, лекин давлат мулкни сотиб олишда чет эл фуқаролари ва фирмалари ҳам иштирок этади.

Хусусийлаштириш давлат мулкни рўйхатга олишдан, яъни уни янгидан ҳисоб-китоб қилиб, унинг ҳақиқий қиймати, миқдорини аниқлашдан бошланади. Уни ўтказиш учун махсус органлар ташкил этилади. Хусусийлаштириш учун ажратилган давлат мол-мулкнинг рўйхати тузилади, давлат мулкни сотиб олиш шарт-шароити аниқланади. Давлат мулкнинг кичик қисми аҳолига бепул берилади, асосий қисми нақд пулга ёки насияга сотилади.

Кичик ҳажмдаги, уй-жой нормативларидан оз бўлган квартира шу ерда истиқомат қилувчиларга бепул берилади ёки арзимаган пулга сотилади, шунингдек, фуқаролар кичик ер участкаларини давлатдан бепул оладилар. Кичик корхоналар халққа амалдаги қийматига биноан сотилади. Давлат корхонаси акционер жамиятга айлантирилиб унинг акцияси халққа сотилади. Давлат мулкни фуқароларга сотишдан олдин уларнинг мулдаги ҳиссаси—пайи аниқланади, шу пайга тенг мулкни сотиб олиш мумкин бўлади. Мазкур пай миқдори фуқаро олган иш ҳақи, ҳар бир кишининг қандай меҳнат қилгани ва шу асосда давлат мулкига қандай ҳисса қўшгани билан аниқланади. Давлат мулкнинг фуқароларга теккан қисмини қандай ишлатиш унинг ўзига боғлиқ бўлиб, у ижарага берилиши, кооперативга пай бўлиб кириши, акционер жамиятга ўтказилиши, хусусий ёки оилавий корхонага айлантирилиши мумкин. Хусусийлаштириш асосида мулкчилик демократиялашади, бозор иқтисодиёти учун зарур бўлган турли мулк шакллари, хўжалик турлари пайдо бўлади.

Бизда хусусийлаштириш узоқ даврни талаб қилади, чунки давлат мулкни дарҳол сотиб олишга аҳолининг қурби етмайди ва аҳолида соҳибкорлик тажрибаси йўқ.

Хусусийлаштириш ўз-ўзидан эмас, балки бозор иқтисодиёти учун бошқа шарт-шароитлар мавжуд бўлгандагина интенсив иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Хусусийлаштириш асосан уч йўналишда олиб борилади:

1. *Акциялаштириш.* Юқорида айтиб ўтилганидек, корхона ёки хусусийлаштирилиши керак бўлган бирор объект баҳоланиб, шунга асосан акция чиқарилади ва халққа сотилади. Акционерлик жамиятининг қонунига асосан акциянинг контрол пакети эгаси ёки низомга асосан маълум фоиз акция эгаси корхонани бошқаради.

2. *Аукцион — ким ошди савдоси.* Бунда бирор-бир объект аукцион асосида сотилади.

3. *Кейинчалик хусусийлаштириш мақсадида ижарага бериш.* Бундан мулк ижарага берилиб, маълум вақт ўтгач, бутунлай ижарачига сотилади.

Бундан ташқари, пайчилик усули ҳам бор.

Хусусийлаштириш — бу бозор иқтисодиётига ўтишни таъминловчи асосий меъондир. Чунки хусусийлаштириш нафақат хусусий мулкчилик ва ишбилармонликка асосланган янги иқтисодий моделнинг ижтимоий базасини

яратади, балки инвестицион жараённинг таркибий қисмига айлантиради, чунки хусусийлаштиришнинг ижтимоий ва инвестицион томонлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Хусусийлаштиришнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий асосини чет эл инвестициялари, қимматбаҳо қоғозлар, биржалар, ассоциациялар, ишбилармонлар, монополизмга қарши бир қатор ҳукумат кўрсатмалари ва қонунлар ташкил этади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш керак. Биринчи навбатда зарар кўриб ишлаётган корхоналарни ижара корхоналарига айлантирмоқ зарур. Чунки бунда ижарачи жамоа ўз харажатларини ўзи қоплаши, фойда олиши ҳамда касодга учрамаслик учун тинимсиз ишлаши керак.

Хусусийлаштириш — бу бозор иқтисодиётининг муҳим бўғинидир. Давлат мулки хусусийлаштирилгандагина меҳнатга бўлган муносабат ўзгаради, меҳнат унумдорлиги ўсади. Корхона ўз хўжалигини ўзи юритади.

20.2. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда жаҳон тажрибаси

Давлат компанияларининг акцияларини хусусий фирмаларга (шу жумладан, хорижий инвесторларга) эркин сотишдан ташқари унга қуйидагилар киритилган: давлат ёки унга тегишли фирмаларнинг мол-мулкни сотиш; уларнинг таркибий қисмларини қайта тузиш, давлат корхоналарига хусусий капиталларни татбиқ этиш; ~~корхоналарнинг уларнинг директорлари ва (ёки) ҳодимлари томонидан сотиб олинishi; маъмурият билан келишилган ижара.~~ Бу жараёнлар саноати ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти учун янгилик эмас. Улар у ёки бу шаклда илгарилари ҳам мавжуд бўлган.

Ғарбий Германия 50- йиллар охири — 60- йиллар кечирди. Хусусийлаштириш 70- йиллар охирида анча кенг миқёс касб этиб, кўпгина мамлакатларни қамраб олди. Бу ҳол айниқса Англия ва Францияда жадал кечди. Бу эса кўп даражада давлатнинг хўжалик соҳасида ўйнайдиган ролининг ўзгарганлиги билан боғлиқ эди.

Буюк Британия, Франция, Шарқий Германия, Италия, Австрия, Польша ва бошқа мамлакатларда амалга

оширилган хусусийлаштириш саноати ривожланган мамлакатлар билан «маъмурий социализм» давлатлари ўртасида анчагина тафовут бўлишига қарамай, хусусийлаштириш жараёнининг технологияси ва механизмларида баъзи ўхшаш белгилар борлигини кўрсатди. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

— муваффақиятли хусусийлаштириш — бу, одатда, пухта ўйланган ва барқарор иқтисодий сиёсатнинг натижасидир;

— хусусийлаштириш узоқ давом этадиган жараён ва у энг кучли ва рентабелли корхоналардан бошланиши керак;

— мулкка бўлган ҳуқуқларни беришга оид юридик ҳужжат—ягона мақсад эмас ва расмийчилик учунгина амалга оширилмайди, балки бу бошқарувни олдиндан ташкил этишга, ёрдамчи ва ортиқча бўлинмалардан бўшашга, стратегик режани ишлаб чиқишга таяниши керак;

— денационализация—мулкни хусусий мулкка айлантириш икки босқичда ўтказилади — акциялаштириш (идоравий назоратдан ажратиш) ва бевосита хусусийлаштириш;

— тегишли бозор инфраструктураларини яратиш (маслаҳатчи, аудитор фирмалар, фонд биржалари ва ҳоказо);

— корхоналарнинг молиявий аҳволи ва тижорат фаолиятининг истиқболлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишнинг ишончли тизими мавжудлиги, шунингдек нотўғри берилган ёки тўлиқ бўлмаган ахборот учун қонунга биноан муайян жазоларни қўллаш;

— хусусийлаштиришнинг турли механизмлари ва шакллари кенг миқёсда қўллаш (ким ошди савдосида сотиш, турли тўлов шакллари, аҳолининг кенг қатламларини хусусийлаштиришга жалб этиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар ходимларига маълум имтиёзлар бериш);

— кенг ошкоралик.

Давлат мол-мулкни баҳолаш усулларини танлаш хусусийлаштириш мақсадларига боғлиқдир ва бу ерда иккита асосий мақсад аниқ белгиланади: энг кўп миқдорда пул олишни мўлжаллаб сотиш ва хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш учун энг кам баҳода сотиш. Шарқий Европа мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб, хусусийлаштириш дастурини тайёрлаш, уни му-

каммаллаштириш ёки тўлатиш ғоят муҳимдир. Унда аввало акцияларнинг назорат пакети шаклида янги хўжайинлар—корхона ходимлари қўлига бериладиган давлат мулки ҳиссасини аниқлаш керак. Масалан, Польшада ушбу ҳисса 40—50% ни ташкил этади. Венгрия қорхоналарининг ходимлари имтиёзли нархлар бўйича акцияларнинг 15% ни (истисно ҳолларда 25% гача) сотиб олиши мумкинлигини белгилаган. Баъзи ҳисобларга қараганда, акциядорлик капитали тарқалиши ўртача даражада бўлганда назорат пакетига эгалик қилиш учун корхона акцияларининг салкам 28% ни харид қилиш kifоядир. Мулкка давлатнинг соҳибкорлиги юқори бўлган Ўзбекистон шароитида назорат пакети дастлабки босқичда акциялар умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғини ташкил этиши керак.

Кейинги қадам—эркин сотиладиган акцияларни ва бундан кейин ҳам давлат қўлида қоладиган заҳира миқдорини аниқлашдир. Акцияларни эркин сотиш инфляцияни барқарорлаштиради, чунки олинган маблағларнинг бир қисми давлат бюджетига келиб тушади.

Хорижий тажрибанинг кўрсатишича, акцияларнинг назорат пакетига эга бўлган, бинобарин, ўз корхонасининг соҳибига айланган меҳнат жамоалари уни бошқариш усуллари билан таниш эмаслар. Чунки у энди бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатмоқда. Зарур бўлимларга эга бўлиш учун тегишли курслар, маслаҳат хизматлари тармоғини ташкил этиш, ушбу масала бўйича адабиётларни нашр этиш талаб этилади.

Хусусийлаштириш давомида ғоят орқада қолган «дардли зоналар»: соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, маданиятнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун қулай шароитларни таъминлаш лозим. Суғурта компанияларини хусусийлаштириш ва яқка тартибдаги нафақа чегараларини инвестиция фондларида тўплаш (давлат ижтимоий таъминот бўлимларининг нафақаси эмас) кўпгина ривожланган мамлакатларда қарияларни молиявий таъминлаш базаси ҳисобланади.

Хусусийлаштириш тажрибаси шунингдек ана шу жараёнга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш зарурлигини ҳам кўрсатмоқда. 1993 йилнинг февралда Тошкентда «Хусусийлаштириш—иқтисодий ислохотнинг ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга ўтишнинг энг муҳим жиҳати» мавзуида ўтказилган семинарда иштирок этган халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон-

га хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қулай омилларини яратиш учун бу ерда барча имкониятлар мавжуд. Бу омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

— хорижий ва мамлакатимиз инвесторларининг тенг ҳуқуқлилигини, хусусий бизнесни маъмурий ўзбошимчиликлардан ҳимоя қилишни таъминлайдиган қонунчиликни ишлаб чиқиш;

— инвестор ўз капиталининг ҳимояланганлигидан шубҳаланмаслиги учун жуда барқарор бўлган рақобатбардош фискал солиқ сиёсати олиб бориш;

— олинган фойдани дунёнинг исталган жойига жойлаштиришга имкон берувчи шарт-шароит;

— иқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги, инфляциянинг қисқариши;

— хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда йирик корхоналарни хусусийлаштириш;

— инвесторлар саноатининг нефть-газ, кўмир, энергетика секторига телекоммуникациялар ва ҳоказоларнинг жалб этилиши;

— инвесторни фақат тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш нафақат Ўзбекистон ичида, балки МДҲ мамлакатлари билан ҳам кенг ишлаб чиқариш алоқалари ўрнатиш, хорижий инвесторлар учун корхоналар тармоғини ривожлантириш;

— ижтимоий-сиёсий барқарорликни, корхона ишчилари билан маъмурият ўртасидаги меҳнат қонунлари ва касаба уюшмалари томонидан тартибга солиб туриладиган нормал ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлаш.

Хусусийлаштириш, хорижий тажрибалар кўрсатаётганидек, пировардида моддий ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантиришга йўналтириши керак, зеро, айти шу соҳа миллий бойликни ҳал қилувчи даражада кўпайтиради ва ҳоказо хизматларни аҳолининг буюртмасига асосан бажарувчи корхона ва ташкилотларни бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда. Республика Президентининг фармонида биноан республикада маҳаллий саноат, маиший хизмат, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш механизми ишга туширилди. Бу энг аввало давлат мулкини фуқароларга бериш ва ижтимоий адолатни тиклашга қаратилгандир. Хусусийлаштириш жараёни

бошланишидан элдин унга катта тайёргарлик кўрилган эди. Президентнинг 1992 йилнинг августидаги «Биржа ва биржалар фаолияти» тўғрисидаги фармони, «Ўзбекистонда чет эл инвестициялари» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва ҳоказолар бунга мисол бўла олади. Энг асосийси республикада «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш» қонуни қабул қилинди. Юқоридаги ва бошқа қарорлар ва ҳужжатлар республикада бозор иқтисодиётининг асосини яратади ва пировардида республикамиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига яқинлашувини таъминлайди.

Давлат мулкни хусусийлаштириш бошқа турдаги мулк шаклларининг фаолиятига туртки беради. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига, рақобатнинг кучайишига, тадбиркорликнинг ривожланишига, аҳоли яшаш даражасининг ошишига олиб келади. Шу билан бир қаторда давлат кам рентабелли корхоналарни молиялаштиришдан қутулиб, бунинг натижасида энг катта маблағларни иқтисод қилишга ва солиқларни камайтиришга ҳамда бюджет камомадини қисқартиришга олиб келади.

20.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хусусийлаштиришнинг объектив зарурлиги

Тарихий тажриба шуни кўрсатдики, айрим мамлакатлардаги иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражасидаги тафовутларга қарамай, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичига бозор иқтисодиёти жуда мос келади. Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, ~~боқимандаликка хотима беради,~~ ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантиришни ва йўқотилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклайди. Шунингдек, ишлаб чиқарувчининг ҳукмини синдириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчининг манфаатларига бўйсундириш, маҳсулотга бўлган талабни аниқ ҳисобга олиш, конъюнктура ўзгаришларига қараб тезликда иш тутиш имконини беради. Тежамли хўжалик юритишнинг кучли, оқилona жиҳатларини яратади, харажатларни камайтиради, талон-торожликка ва лапашангликка қарши курашади. Бозоргина янгилликларга сезгир қилади, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини дадил ва ғайрат билан жорий этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мулкнинг ҳар хил шакллари ривожланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қуйидагича ёзилган: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва ҳуқуқий жиҳатдан барабар муҳофаза этишни кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир».

Мулкчилик ҳар хил шаклларининг ривожланиши корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни объектив заруриятга айлантиради. Давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган бозор механизмининг самарали ишлашINI таъминлайдиган жараён дир.

Иқтисодиётнинг барча тизимлари ўртасидаги муносабатларни қайта қуришнинг энг мақбул тадбирларидан бири мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш ва уларни белгиланган тартибда фуқаролар мулкига айлантиришдир.

Давлат тасарруфидан чиқариш — давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, акцияли жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хўжалик юритишнинг айнан шу усуллари бозор иқтисодиёти талабларига мос келади. Бундай мулк эгалари фақатгина мустақил фаолият кўрсатибгина қолмай, балки улар иш натижалари, даромад олиш ва мулк ҳолати учун ҳам тўлиқ жавобгардирлар. Республикамизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун қабул қилинишигә қарамасдан, кўпгина масалалар назарий жиҳатдан аниқлаш ва амалий жиҳатдан ечилишга муҳтождир. Энг асосий муаммолардан бири бўлиб республика халқ хўжалиги тузилмасида ҳозирги пайтга қадар давлат сектори асосий бўғинларни ўз қўлида ушлаб турганлигидир.

Республикамизда иқтисодиётни яхшилаш мақсадида ўтказилаётган ислохотлар, яъни халқ хўжалигини барқарорлаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғига, унинг корхона ва ташкилотларига ўз таъсирини ўтказди. Ма-

салан, бунинг натижасида маиший хизмат соҳаларида банд бўлган аҳоли ичида янги мулк эгалари — субъектларнинг шаклланишини заруриятга айлантирди. 1993 йилнинг 1 августидаги ҳисоботга қараганда, республика-миз бўйича маиший хизмат кўрсатиш объектларининг 4159 таси давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Давлат мулкини хусусийлаштириш қўмитасига бу вақт мобайнида 9500 та ариза тушган. Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм ва Фарғона вилоятларидан ариза топшириш бўйича берилган вазифа бажарилган.

Агар Ўзбекистон маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси бўйича 44% объектлар давлат тасарруфидан чиқарилиб ва хусусийлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида 60 дан 87% гачани ташкил этди. Республикамининг 37 туманида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объек-тлари тўла хусусийлаштирилган бўлса, булардан 10 таси Фарғона вилоятига тўғри келади.

1993 йилнинг 1 декабрига келиб бутун республика бўйича маиший хизмат объекtlари бутунлай давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштириш режаси ба-жарилди.

Республикадаги жами пуллик хизматларни 100% деб олсак, бундан 29,7% и маиший хизмат кўрсатишга тўғри келади. 1993 йилнинг 5 ойида аҳолига маиший хиз-мат кўрсатиш 2427,9 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўр-саткич 1992 йилга нисбатан 13% га кўпдир. Тармоқда капитал қўйилмаларнинг ҳажми 104% ни ташкил этди. Ҳозирда 8,4 млн. сўмлик асосий фондлар ишга туши-рилди.

Иқтисодий ривожланишнинг асосий талаби хусусий-лаштиришдир. Буни ҳозирги кундаги иқтисодий эҳтиёж-лар эмас, балки ижтимоий ҳаётни демократиялашти-риш, халқаро муносабатларни кенгайтириш ва ҳоказо-лар ҳам талаб қилади. Иқтисодиётга кескин ўзгаришлар киритаётган ислохотларни ўтказиш илмий равишда ҳи-соб-китоб қилинган бўлиши шарт. Давлат тасарруфи-дан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида гапирган-да, авваламбор, уни амалга ошириш муддатлари тўғри-сида гапириш лозим. Хусусан, бир гуруҳ иқтисодчи олимлар АҚШ, Англия, Шарқий Европа мамлакатлари тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда бу жараённи жу-да қисқа муддатларда амалга ошириш мақсадга муво-

фиқ деган хулосага келмоқдалар. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни нафақат хорижий мамлакатлар тажрибасини, балки ўзимизнинг миллий хусусиятларимизни ҳам ҳисобга олишни талаб қилади. Бунда асосан асрлар мобайнида ривожланган, шаклланган халқнинг маиший, миллий, табиий-илмий шарт-шароитлари ҳисобга олиниши лозим. Европа мамлакатларида бу жараён муқобил бозор муносабатлари мавжуд бўлган шароитда амалга оширилгани, бундай шароит бизнинг Ўзбекистонда йўқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик ва ўрта корхоналарнинг аҳамияти жуда ҳам катта бўлиши мумкин. Собиқ Иттифоқ пайтида йирик-йирик корхоналарни қуриш жуда ҳам авжига чиққан эди ва бу корхоналарнинг норентабеллиги яққол намоён бўлди. Кичик ва ўрта корхоналарнинг жамиятда фойдалилиги уларнинг маҳаллий бозорлари тез ва сифатли товар ва хизматлар билан таъминлашидир, шунингдек уларнинг роли молия-пул тизимини мустаҳкамлашда ва аҳолини керакли жойда иш билан таъминлашда кўринади.

Япония, АҚШ, Германия мамлакатларида кичик ва ўрта корхоналарнинг салмоғи 50—60% ни ташкил қилади. Яқин-яқингача қолақ мамлакат бўлиб саналган. Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия мамлакатларининг ҳозирги пайтдаги иқтисодиётининг бундай тез ривожланиши ҳам асосан кичик ва ўрта корхоналар ҳисобидадир. Ўзбекистонда ҳам кичик ва ўрта корхоналар ривожланишининг истиқболи каттадир, чунки Ўзбекистонда кўп болали оналар кўп. Бундай корхоналарнинг ривожланиши уларга уйдан ажралмаган ҳолда ишлаш имконини беради ва бу орқали ишчи кучидан самарали фойдаланиш мумкиндир.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиши фақатгина иқтисодий эмас, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Бунинг сабаби шундаки, яъни бир неча минг кичик ва ўрта корхоналарнинг пайдо бўлиши инсонни бозор иқтисодиёти муаммолари билан мустақил кураш олиб боришга чорлайди ва шу билан бирга уни юридик шахсга айлантиради. Кичик ва ўрта корхоналар бозор иқтисодиётига ўтиш билан бирга бир қанча молиявий, ташкилий ва маъмурий муаммоларни ҳал қилиш орқали ўз фаолиятида тadbirkorлик тажрибаларини орттиради. Бунинг натижаси эса ҳаммага аён, яъни асосан мулкка

бўлган муносабатнинг ўзгариши, кетадиган харажатларнинг ҳисоб-китобли бўлиши ва ҳоказолар. Мана шундай корхоналардагина бозор шароитларининг таъсири остида илмий техника тараққиётига қараб ўзгариш юз беради, яъни эски, қолоқ станок, асбоб-ускуналардан, эски иш юритиш услубларидан воз кечилади.

Юқоридаги фикрларнинг барчаси фақатгина бир нарсани, яъни мулкнинг давлат монополиясидан хусусий, жамоа ва ҳоказолар қўлига ўтиш зарурлигини билдиради. Бунинг учун хусусийлаштириш жараёнини тез ва сифатли ўтказишни таъминлаш керак.

Республикаimizда кенг имкониятлар мавжуд. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи шарт-шароитлари, аҳолисининг анъана, урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда кўпгина иқтисодчи олимларнинг олиб борган тадқиқотлари бўйича давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари қуйидаги тизим орқали олиб борилиши мумкин.

Биринчи босқич. Ишчиларнинг сони учтадан кам бўлган кичик корхоналарни хусусийлаштириш. Бу босқичда маиший хизмат тармоғининг саргарошхона, кимёвий тозалаш, кир ювиш, ижара бўлимлари, пойабзал, тўқилган кийимларни таъмирловчи устахоналар хусусийлаштирилади. Бу корхоналарнинг объектлари, иншоотлари, машина ва асбоб-ускуналари аҳолининг талабларини ҳисобга олган ҳолда аукционларда сотилиши мумкин. Бу босқичда хусусийлаштиришнинг шахсий ва оилавий шакллари қўлланилади.

Иккинчи босқич. Бу босқич А ва Б гуруҳларга бўлинади. А гуруҳда корхоналар акционер ёки кооператив жамоа мулкига айлантирилади; Б гуруҳда эса корхоналар аста-секин алоҳида оммавий, жамоа шаклларига айланиб боради. Буларнинг моддий-техника базасида чет эл капитали ёрдамида қўшма корхоналар тузиш мумкин.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг бу босқичида ишчиларнинг сони 20 тагача бўлган корхоналар жалб қилинади. Бундай усул билан кийим тўқиш, пойабзал тикиш цехлари хусусийлаштирилиши керак.

Юқоридаги икки босқич 2—3 йил ичида олиб борилиши керакки, 1996 йилга келиб бундай корхоналарнинг 45—47% и хусусийлаштирилган бўлиши лозим.

Учинчи босқич. Давлат тасарруфидан чиқариш ва

хусусийлаштириш йирикроқ корхоналар ва (хусусий) ташкилотларда олиб борилади ҳамда улар акционер жамиятларга айлантирилади.

Мулкчиликнинг акционерлик шакли корхона ичида, корхона ва давлат ўртасидаги алоқалардан иборат бўлиши лозим. Бу ерда академик А. Аганбегяннинг фикрини келтириш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни «қачонки давлат акционерларнинг тенг ҳуқуқли шериклари бўлсагина давлат монополиясининг мазмуни реал ҳолда ўзгариши мумкин. Бунда давлат, бир тарафдан, ўз акцияларини чиқарувчи ва уларни сотувчи, бошқа акционер жамиятлар, корхоналар акцияларини сотиб олувчи ва сотувчи акционер сифатида ҳаракат қилса, бошқа тарафдан, маълум бир корхона молиявий маблағларининг қандайдир қисми унга тегишли бўлган корхонанинг аъзоси сифатида бўлиши лозимдир»¹.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йилнинг 19 ноябрида қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунига асосан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ўз шакллариغا эгадир. Биринчидан, давлат корхонасини жамоа корхонасига, акцияли жамиятга, бошқа йўсиндаги ҳўжалик жамияти ёки ширкатига айлантириш мумкин. Иккинчидан, ижарага олинган мулкни келгусида ҳақ тўлаб сотиб олиш эҳтимоли бор бўлиши билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлантириш. Учинчидан, давлат мол-мулкни танлов йўли билан ва ким ошди савдосида давлатга тааллуқли бўлган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш шаклида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга ошириш мумкин.

Ижара корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришда ва хусусийлаштиришда асос бўлиб хизмат қилади. Бунда кам фойда олувчи, зарар кўрувчи корхоналарни ва хизмат кўрсатувчи жойларни ижарага бериш, сотиш (хусусийлаштириш), бу соҳада шартномалар асосида ишлашни келтириш мумкин. 1992 йилда республикаимиз маиший хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан 2427,9 млн. сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, ижара усулида ишловчи корхоналарнинг улуши 440,8 млн. сўмни ташкил қилди.

¹ Отношения населения к частной собственности. Вопросы экономики.— М., 1990 йил, 2-сон, 68—69-бетлар.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишда кўрсатилган тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинishi лозимдир. Бунда авваламбор ижтимоий адолатни, ҳар бир ходимни ва бутун меҳнат жамоаси манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш зарурдир. Давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштириладиган корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари меҳнат жамоаси мустақил белгилаши лозим. Меҳнат жамоаларнинг талабномаларига кўра қуйи тузилма бўғинларни уларнинг тайёрлигини ҳисобга олган ҳолда мулкчиликнинг бошқа шаклларига биринчи навбатда айлантириш керак бўлади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг тўлиқ ошкоралигини, улардан тармоқ ходимларининг муфассал хабардорлигини ҳамда уларни корхоналар жамоалари, касба уюшмалари ва жамоа ташкилотлари томонидан назорат қилишни таъминлаш ҳам биринчи вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Хусусийлаштириш маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлигига қаратилиши лозим, уларнинг эркинлигини эса хусусий мулк таъминлайди. Лекин айни пайтда хусусийлаштиришни қай тарзда, бойликларни кимнинг қўлига топшириш ҳам асосий масаладир. Бу мулкни олган кишилар уни қандай тасарруф этадилар? Иқтисодий раванқ ва самарадорликни қандай таъминлайдилар? Улар халқимизнинг эҳтиёжларини қондирадиларми? Хусусийлаштириш маҳсулот ишлаб чиқаришда бош-бошдоқликка олиб бормаслиги учун зарур чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш лозим.

Бозор инфраструктурасини барпо этиш ва корхоналарнинг монополиясини тугатиш бу ишнинг муқим шартларидан биридир. Айрим мулк эгалари фондларга эгаллик қила бошлагач, рақобатчилар бўлмаганлиги тўғрисида нарх-навоини ошириш ҳисобига фойда ва даромадни кўпайтиришларига йўл қўйиши мумкин эмас. Шу сабабли, давлат мол-мулкни хусусийлаштиради экан, зарур шарт-шароитларни ва ишончли негизни барпо этмай туриб хусусийлаштиришни ўйламай-нетмай, тезлаштиришнинг нималарга олиб бориши мумкинлигини яққол тасаввур этмоғи керак.

Шунинг учун давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳудудий асосларини аниқлашда унинг

асосий принципларини билиш зарурдир. Бу принциплар қуйидагилардан иборат:

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтида мулкни пулли ва пулсиз топширишни қўшиб олиб бориш;

— пулли ва пулсиз хусусийлаштирилдиган мулкдан улуш олишда фуқароларнинг ҳуқуқлари тенглиги;

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида барча фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини йўлга қўйиш ва ҳоказо.

1995 йилнинг 9 ойида 1428 та объектни хусусийлаштириш режалаштирилган бўлса, аслида дастурга киритилган 1540 та объект янги мулкчилик шаклига айлан-тирилган. Дастурдан ташқари 48 84 та корхона ва ташкилот хусусийлаштирилган. 1995 йил июль-сентябрь ойларида бозор инфраструктурасини ривожлантириш давом эттирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш мақсадида «Мадад» сугурта жамияти, барча вилоятларда филиаллари бўлган хусусийлаштириш инвестиция фонди, 17 та фонд дўконлари, Андижон, Самарқанд, Хоразм вилоятларида фонд биржасининг учта бўлинмаси ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, яқин келажакда давлат мулк-ини хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш хусусий кичик корхоналар ташкил қилишни рағбатлантириш ҳисобига ижтимоий ишлаб чиқаришда давлатга қарашли бўлмаган секторнинг улушини анча оширади. Бу эса ўз навбатида республика иқтисодиётидаги таркибий қайта ўзгаришлар мўлжалланган дастурнинг мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилиши, товарлар, хизматлар ва ишчи кучи эркин бозорлари фаолияти учун шарт-шаронглар яратди. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ташқи ва ички савдонни эркинлаштириш, нодавлат сектор ва хусусий мулкчиликни шакл-лантириш ҳамда қарор топтириш, банк тизimini такомиллаштириш жараёнлари давом эттирилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН ВА ФЙДАЛАНИШГА ТАВСИА ҚИЛИНГАН АДАБИЕТЛАР РУЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил.
2. *И. А. Каримов*. «Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли». Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил.
3. *И. А. Каримов*. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил.
4. *И. А. Каримов*. «Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт ва истиқлол йўли». Тошкент, «Ўзбекистон», 1994 йил.
5. Ўзбекистон тараққиёт, мустақиллик йўлида. Тошкент, Ўзбекистон», 1994 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида. Халқ сўзи. 1993 йил 19 январь.
7. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Гаров тўғрисида. Халқ сўзи. 1993 йил 21 январь.
8. «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида», Совет Ўзбекистони, 1991 йил 28 февраль.
9. «Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида». Совет Ўзбекистони. 1991 йил 19 июль.
10. Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида. Совет Ўзбекистони, 1991 йил, 9 январь.
11. *Андреев В. К.* и др. Управление предприятием. Словарь-справочник. М., 1990 г.
12. *Акбаров Д.* Оилавий пудрат самарадорлиги. Тошкент, «Меҳнат», 1990 йил.
13. *Ашеров У.* Қишлоқда коллектив ва ижара пудрати. Тошкент, «Меҳнат», 1992 йил.
14. *Бўронсв У.* Қишлоқ хўжалигида ижара пудрати. Тошкент, «Меҳнат», 1991 йил.
15. *Гэлбрейт Дж.* Экономические теории и цели общества. М., Прогресс, 1979.
16. *Йўлдошев З. И.* «Иқтисодий ва социал ривожланишни планлаштириш». Тошкент, «Ўқитувчи», 1992 йил.
17. *Йўлдошев З. И., Қосимов М. С.* Макроиқтисодиёт асослари. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994 йил.

18. «Ижара тўғрисидаги қонун», Тошкент, «Адолат», 1990 йил.
19. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. М., Экономика, 1987 г.
20. Кэмпбел Р. Макконелл, Стенли Л. Брю. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. М., изд. «Республика», 1992 г. I и II тома.
21. Клас Эклунд. Эффективная экономика. Шведская модель. М., Экономика, 1991.
22. Крупцов В. И., Крупцова Н. А. Менеджмент в бизнесе. М., 1990 г.
23. Леонтьев В. Экономическое эссе. М., изд. Иностран. лит. 1990 г.
24. Менкью Н. Грегори, Макроэкономика, М., изд. МГУ, 1994 г.
25. Ниёзов Н. Х. «Иқтисодиёт ва бозор», Тошкент, «Меҳнат», 1992 йил.
26. Отажонов М. «Мулкчилик шакллари ва қишлоқ хўжалигида ижара». Тошкент, 1991 йил.
27. Основы внешнеэкономических знаний. Словарь-справочник. М., Высшая школа, 1990 г.
28. Самуэльсон П. А. Экономика. М., МГП, «Алтон», ВНИИСИИ, 1992, I и II т.
29. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов М., СОЦЭКГИЗ, 1992 г.
30. Столерю Л. Равновесие и экономический рост. М., Статистика, 1974 г.
31. Робинсон Дж. Экономическая теория несовершенной конкуренции. М., Прогресс, 1968 г.
32. Улмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Қисқача луғат-маълумотнома. Қомуслар Бош таҳририяти, 1991 йил.
33. Улмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, «Меҳнат», 1995.
34. Шарифхўжаев М. Истиқлол истиқболлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994.
35. Н. Тўхлиев, Улмасов А. «Ишбилармонлар луғати», Тошкент, Қомуслар Бош таҳририяти, 1993 йил.
36. Харрис Л. Денежная теория. М., Прогресс. 1990 г.
37. Холмўминов Ш. Р. Бозор иқтисодиёти ва аҳоли бандлигининг самарадорлигини ошириш. Тошкент, 1993 йил.
38. Холмўминов Ш. Р., Балахонова Д. К., Муртазаев Б. «Рынок труда: проблемы формирования и регулирования», Тошкент, «Фан», 1994 йил.
39. Филип Котлер. Основы маркетинга.— пер. с швед. М., 1990 г.
40. Экономическая школа, том 1. вып. № 1. Санкт-Петербург, 1991 г.
41. Эшмухамедов А., Йўлдошев Э., Қосимов М., Аҳмедов Д. Бозор иқтисоди асослари. Т., ТДИУ нашр. 1992 йил.
42. Эшмухамедов А. ва бошқалар. Макроиқтисодиёт асослари (қўлланма). Тошкент, ТДИУ, 1993 йил.
43. «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги. Йиллик статистика», 1994 йил.

МУНДАРИЖА

Кириш		3
I бўлим. Миллий иқтисодиёт ва йирик соҳаларни ривожлантириш		
I боб. Миллий иқтисодиётни бошқарув тизими.		5
1.1. Ўзбекистоннинг давлат иқтисодий асослари.		5
1.2. Ҳукумат ва унинг иқтисодиётни бошқарув вазифалари		7
II боб. Миллий иқтисодиётнинг асосий ўлчов белгилари ва уларни ҳисоблаш услубияти		
2.1. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг аҳамияти.		10
2.2. Микроиқтисодиёт ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услубияти		11
2.3. Миллий иқтисодиётдаги ўсиш.		16
III боб. Миллий бойлик—мамлакат иқтисодий қудратининг асосий кўрсаткичи.		
3.1. Миллий бойлик тушунчаси.		18
3.2. Миллий бойлик таркиби		21
3.3. Республика қазилма бойликлари		22
IV боб. Фан-техника тараққиёти		
4.1. Фан-техника тараққиётининг моҳияти ва унинг ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга таъсири		25
4.2. Янги техниканинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усуллари		28
4.3. Бозор иқтисодиёти шароитида фан-техника тараққиёти сиёсати		29
V боб. Саноат ишлаб чиқариш мажмуи		
5.1. Саноат ишлаб чиқаришининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти		32
5.2. Ўзбекистон саноати тармоқларининг тузилиши.		35
5.3. Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар		37
5.4. Саноат ишлаб чиқаришини тартибга солиш услубияти.		41
VI боб. Агросаноат мажмуи		
6.1. Агросаноат мажмуи таркиби ва ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлар ривожланишидаги муаммолар		43

6.2. Қишлоқ хўжалиги, унинг ўзига хос хусусиятлари.	44
6.3. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш дастурини ташкил қилиш. Дастурнинг кўрсаткичлар тизими, уларнинг асосланиши.	47

VII боб. Коммуникация мажмуи

7.1. Ўзбекистонда транспорт ва алоқанинг ривожланиш даражаси.	52
7.2. Юк ташиш ҳажмини аниқлаш ва уни транспорт турларини ўртасида оқилона тақсимлаш	55
7.3. Пассажир ташишни тартибга солиш.	59
7.4. Юк ва пассажир ташишни тартибга солишда керакли ресурслар билан асослаш.	60

VIII боб. Капитал қурилишни тартибга солиш

8.1. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида капитал қурилишни такомиллаштириш вазифалари	61
8.2. Ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларнинг ишга туширилишини тартибга солиш	63
8.3. Капитал қўйилмалар ҳажмини ва йўналишларини аниқлаш.	64
8.4. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари	66

IX боб. Моддий-техника таъминоти мажмуи

9.1. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида моддий-техника таъминоти	67
9.2. Ишлаб чиқариш воситалари маркетингини қўллашнинг ташкилий асослари.	70
9.3. Маҳсулотлар ва хом ашё биржаларини шакллантириш.	75

X боб. Ижтимоий-маданий мажмуа

10.1. Ижтимоий сиёсат тушунчаси, унинг хусусиятлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги аҳамияти.	77
10.2. Халқ истеъмоли назарияси, унинг асосий қондалари.	78
10.3. Талаб ва таклиф тушунчаси. Талаб ва таклифни тартибга солиш бозор механизми.	80
10.4. Ижтимоий тармоқларни ривожлантиришнинг моҳияти	81

XI боб. Уй-жой, коммунал хўжалик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришни тартибга солиш

11.1. Уй-жой, коммунал хўжалик таркиби ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ривожланиш муаммолари.	83
11.2. Коммунал корхоналар иқтисодиёти	86
11.3. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни тартибга солиш	90

XII боб. Аҳолининг истеъмоли товарларига бўлган талабни қондириш

12.1. Шахсий истеъмолни қулайлаштиришда савдонинг роли	92
--	----

12.2. Халқ истеъмоли товарлари бозорини ташкил этиш.	94
12.3. Чакана тозар оборотини режалаштириш	97
XIII боб. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан самарали фойдаланиш	
13.1. Республиканинг экологик аҳволи ва бу соҳадаги вазифалар.	100
13.2. Табиий манбалардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари	104
13.3. Ҳозирги даврдаги регионлараро экологик муаммолар	108
13.4. Иқтисодий механизмни жорий қилиш	110
II бўлим. Миллий иқтисодиётнинг бозор муносабатларга ўтиш йўналишлари	
XIV боб Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари	
14.1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг объектив зарурлиги.	113
14.2. Бозор муносабатларининг моҳияти	116
14.3. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш зарурлиги ва йўллари	117
14.4. Бозор муносабатларининг республика иқтисодий мустақиллигига таъсири	120
14.5. Бозор иқтисодиётига ўтиш дастури ва унинг асосий йўналишлари	121
XV боб. Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш муаммолари	
15.1. Аҳоли ва иқтисодиётнинг ўсиши.	125
15.2. Меҳнат бозори ва ундаги рақобат	126
15.3. Кейиннинг иш билан бандлик назарияси	130
15.4. Ишсизлик ва унинг келиб чиқиши. Ишсизликнинг турлари	131
15.5. Ўзбекистонда меҳнат бозорини ташкил этиш ва тартибга солиш асослари	135
XVI боб. Пул-кредит тизими	
16.1. Пуллар	137
16.2. Пул таклифининг тузилмаси	138
16.3. Кредит тизимининг тузилмаси.	139
XVII боб. Давлат бюджети камомади ва унинг олдини олиш муаммолари	
17.1. Давлат бюджети камомади ва унинг олдини олиш муаммолари.	143
17.2. Иқтисодиётда фискал сиёсат ва камомадни молиялаштириш.	147
17.3. Қимматли қоғозлар ва уларнинг турлари	152
17.4. Қимматли қоғозлар муаммоси. Қимматли қоғозлар эмиссияси.	154
17.5. Қимматли қоғозларни тарқатиш. Қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари	157
XVIII боб. Миллий иқтисодиётни солиқлар тизими орқали тартибга солиш	
18.1. Миллий иқтисодиётда солиқлар тизимининг туган ўрни ва аҳамияти	157

18.2. Солиқлар назариясининг асосий қондалари	160
18.3. Ўзбекистон Республикасида солиқ турлари.	162
XIX боб. Тадбиркорлик ва уни ривожлантириш	
19.1. Тадбиркорлик тизими ва унинг шакллари.	169
19.2. Бозор иқтисодиётига ўтишда тадбиркорликнинг ро- ли ва аҳамияти	170
19.3. Банкротлик ва унинг аҳамияти	171
XX боб. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш	
20.1. Хусусийлаштириш, унинг моҳияти ва аҳамияти.	173
20.2. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда жаҳон тажрибаси.	175
20.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хусусийлашти- ришнинг объектив зарурлиги.	179
Фойдаланилган ва фойдаланишга тавсия қилинган ада- биётлар рўйхати	187